

88.3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
y-56
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат
педагогика университети

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент 2002

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАЎРУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

DIZIMGE ALI'NDI-2010


ТОШКЕНТ - 2002

М. Г. ДАВЛЕТШИН, С. М. ТҮЙЧИЕВА

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2002 йил 15 июндаги 27-сонли мажлис баённомаси билан ОЎЮ учун ўқув қўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Босишга рухсат этилди. 9.08.2002 й. Босма табоғи 9,3.
1000 нусхада. № 2 буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
Низомий номидаги ТАПУ босмахонасида чоп этилди.




Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий
Кенгашида нашрга тавсия этилган

Муаллифлар: Психология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби -
М.Г.Давлатшин,
психология фанлари номзоди С.М.Тўйчиева

Тақризчилар: психология фанлари номзоди, доцент Э.Н.Саттаров
психология фанлари номзоди, доцент С.Жалилова.

Маъсул муҳаррир: психология фанлари номзоди, доцент
Ш.А.Ўстмухамедова



КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришини халқ таълими муассасаларининг олдига янги демократик давлатнинг фуқароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди.

Сир эмаски, аввалги таълим-тарбия тизими коммунистик ахлоқ мафкураси билан суғорилган бўлиб, жаҳон цивилизациясининг инсоншарарлик анъаналаридан анча узоқда эди.

Ахлоқ нормаларини ҳаётдан анча узоқда, ёлгон мавҳум характерга эга бўлиб қолгани, инсоннинг шахсий ҳаёти ва касб танлашига аралаштирилганининг учраб туриши, шахснинг ўзлигини йўқотишига, миллий қадриятларнинг нуқуланишига, жамият маънавиятининг йўқолишига олиб келган эди.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланиш босқичида турган жамиятимиз ҳозирги кунда урта таълим мактабларнинг фаолиятини такомиллаштириш йўлида олий педагогик ўқув юрталари олдида урта мактабларга ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлашни янада яхшилаш муаммосини қўймоқда. Бу борада

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлашича: “Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини онгдан равишда ўзи белгилайди”¹. Бу вазифани бажаришда психология фанининг аҳамияти каттадир. Бугунги кунда психология фанида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. 1999 йилда олий педагогик ўқув юрталарида психология фанининг ўқитилишининг янги концепцияси ишлаб чиқилди. Шу концепциядан келиб чиққан ҳолда психология фанларининг янги дастурлари ишлаб чиқилди ва нашрдан чиқди. Психология фанининг бугунги кундаги асосий вазифаси талабаларни педагогик касб фаолиятига назарий ва амалий тайёрлашдир. “Умумий психология”, “Ёш психологияси ва педагогик психология” курсларини ўқитишда янги ўқув қўлланма ва дарсликларни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан биридир. Яратиладиган янги дарсликлар олдида талаба ёшларини маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий юл асосларини сингдириш, ватаншарарлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, яшнча

¹ Каримов И.А. Баркамол ахлод орауни. Т.: “Шарқ” нашриёти 1998 йил.

тафаккурни шакллантириш, бозор иқтисодиёти шароитига мос келадиган ҳолда психологияни ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўйилади.

{Охириги йилларда янги концепция ва янги дастур асосида «Умумий психология» курси бўйича ўқилган маърузалар тажрибасини ҳисобга олиб муаллифлар «Умумий психология» фани бўйича педагогик университетлар талабалари учун ушбу ўқув қўлланмани тақдим этадилар.>

Ўйлайманки, ушбу қўлланма Президентимиз айтганларидек: «... .. жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади»²

Шу қўлланма ҳақида фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сураймиз: 700100, Глинка кучаси-3, Низомий номидаги ТДПУ, умумиуниверситет психология кафедраси. Тел: 55-81-54

Муаллифлар ушбу ўқув қўлланмасини янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, тақлиф киритган китобхонларга миннатдорчилик билдирадилар.

Муаллифлар

² Барингов И.А. "Барнома ва асосий оради". "Шарҳ" психологик-педагогик концепции. Т.: 1998 йил.

I БОБ. Психология фанининг предмети ва унинг амалий вазифалари

РЕЖА:

1. Психология нимани ургатади? У қандай фан?
2. Шарқ мутафаккирлари инсон психикаси ҳақида.
3. Психологиянинг асосий тушунчалари.
4. Психология фанининг соҳалари (тармоқлари).
5. Психологиянинг фанлар тизимидаги ўрни.
6. Психологияни жамият ҳаётидаги роли.

Инсон мавжуд экан у ўзининг ҳаётий тажрибасига асосланиб, у ёки бу ҳолда идрок этиш, оламни англаш, нарса ва ҳодисаларни ажратиш каби хусусиятларга эга эканлиги ҳақида ўзига ўзи ҳисоб беради.

Биз кунда қушларнинг шўх навосини мусиқа асбобларининг хонишини, инсон нутқини, учиб ўтаётган самолёт шовқинини эшитамиз, атрофимизни ўраб турган нарса, дарахт, ҳайвонлар, машиналарни кўрамыз, уларнинг ранги ва ҳажмини ажрата оламыз. Анвои гулларнинг ранго – ранг иси ва автомобил ёқилгисининг ҳидларини, қанд ва тузнинг таъмларини ажрата оламыз. Ҳар қандай инсон учун ўқиган китоби устида фикр юритиш, эртанги кун ташвишларини уйлаши ва режалаштиришни, қайндайдир қийин муаммони ечиши одатий ҳолга айланган. Куз олдимизга узоқ вақт кўрмаган кишимизнинг образини келтирамыз, қачондир ўзлаштирилган ўқув материални эслаймиз. Ҳеч қачон чиқмаган коинотимизни куз олдимизга келтирамыз ва ҳеч қачон кўрмаган эртақ қаҳрамонларининг ўзига хос жиҳатларини тасаввур этамыз ва яратамыз. Инсон ўзини ўраб турган оламни билибгина қолмай, унга ўз муносабатини билдиради, ҳис қилади, қайсидир нарсалар уни ҳурсанд қилади, бошқа нарсаларга у бефарқ бўлади, учинчи хил нарсалар уни қайғуга солади. Яхши китобни сотиб олиб, уни ўқисак кайфиятимиз чоғ бўлади, бирор бир одамнинг ноҳўя ҳаракати бизда норозиликни туғдиради, қаҳрамонона ҳаракатдан биз гурурланамиз, фахр туйғуси тугилади. Инсон оламни қабул қилибгина қолмай, унда ҳаракат қилади, ўз фаоллигини намоён этади, қарор қабул қилади, мақсадга инилади, қийинчиликларга дуч келганида қатъиятлик ва иродавий сифатларни намоён қилади.

Ва ниҳоят, инсон бирор бир жиҳати билан бошқалардан фарқ қилади: кимдир техникага қизиқади, бошқа биров мусиқага, яна кимдир спортга, кимдадир қобилиятлар, бошқада шеър ёзиш, учинчисидан техник қобилиятлар мавжуд: кимдир ҳаракатчан олов,

беқарор, бошқа биров босиқ, бефарқ, учинчиси – дилкаш чаққан; биров меҳнатсевар ва камсуқум, бошқа биров дангаса ва мақтанчоқ ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси – сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл, ҳис-туйғу, ирода, темперамент ва характерлар – инсон психикасининг ҳодисаларидир.

Психик ҳодисаларни урганувчи фан – эса психология деб аталади. Психология – бу ҳаётий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатидаги психиканинг фактлари, қонуниятлари ва механизмларини намоён булиши ва ривожланишини урганувчи фандир.

Психика деганда, олий даражадаги матеориянинг (миянинг) хусусияти тушунилиб, у объектни борлиқни акс этишда намоён бўлади, субъект фаолиятини маълум мақсад асосида йўналтиради, ҳамда хулқ-атвор негизида шаклланади.

Психология – жуда қадимий ва шу билан бирга навқирон фандир. Психик ҳодисаларнинг илк талқини қадимий юнон олими Аристотель (эрамиздан аввалги 384–322 йиллар)нинг «Рух ҳақида» номли трактатида берилган. Психик ҳодисалар ва уларнинг қонуниятларига таалуқли илмий тадқиқот ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмида, илмий психология асослари эса XIX ва XX асрлар уртасида юзага келган.

Психологияни фан сифатида юзага келиши босқичларини қуйидаги схема акс эттириш мумкин. Схема – 1.

IV босқич	психология - психиканинг механизмлари, фактлари ва қонуниятлари ҳақидаги фан сифатида	илмий психологиянинг - замонавий босқичи
III босқич	психология - инсон хулқ-атворини ўрганувчи фан сифатида	XX асрда пайдо бўлган. Психологиянинг мақсади - инсоннинг конкрет хулқ-атворини, инсон муносабатлари ва реакцияларини қўзғатиш олинди. Хулқ-атворга сабаб бўлувчи мотивлар ҳисобга олинмади.
II босқич	психология - оғ ҳақидаги фан сифатида	XVII асрда табиий фанлар пайдо бўлиши билан юзага келди. Фикрланш, исган - оғ деб олинди. Асосий метод сифатида инсоннинг ўзини-ўзи қўзғатиши олинди.
I босқич	психология - рух ҳақидаги фан сифатида	психологияга бундай таъриф 2300 йил олгари берилган. Рух деб инсон ҳаётидаги барча тушуниб бўлмайдиган парсалар қабул қилинган.

Шарқда психологик қарашларнинг пайдо булишида буюк Шарқ мутафаккирларининг роли жуда катта бўлган. Улар орасида – Ал Хоразмий (783-850 йиллар), Ал Форобий (873-950 йиллар), Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар), Абу Али ибн Сино (980-1037 йиллар), Мирзо Улуғбек (1324-1409 йиллар) қабилар уларининг инсон психикаси ва ёш авлоди тарбиялашга доир бой фикрлари ва қарашларини мерос сифатида қолдирганлар. Улар орасида айниқса Абу Али ибн Синонинг маантиқ, метофизика, табиий фанлар (айниқса тиббиёт) ҳақидаги фикрлари ўша давр илмий тараққиётига катта ҳисса қўшди. У махсус психологик муаммолар билан шугулланган олимлардан биридир. Унинг руҳ ҳақида, асаб тизими, миyaning функционал тузилиши ҳақидаги фикрларига асаб тизимининг замонавий қарашларига ўхшашдир. Айниқса, Абу Али ибн Синонинг темперамент ҳақидаги таълимоти, ҳар бир кишига унинг темперамент хусусиятларига қараб ёндашиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари минг йилдан сўнг ҳам, замонавий психологияда ўз аксини топган. Абу Али ибн Сино дунёда биринчи бўлиб психотеранситик усулларини қўлаб кўрган олимлардан биридир.

Абу Али ибн Синодан сўнг Марказий Осиёда психологик муаммолар билан шугулланган бирор бир олим учрамаган бўлсада халқ оғзаки ижодиётида, шоирлар шеъриятида психологик қарашларни кўриш мумкин. Абадий қўрамонлар орқали айтилган фикрлар маълум тасаввурларни ташкил этиб, улар илмий қарашларнинг пайдо булиши ва ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди ва шу билан бирга психологиянинг фан сифатида таркиб топишига асос бўлди.

Ёрқин намоёндалар қаторига Умар Хайём (1048-1123 й.), Алишер Навоий (1441-1501), Машираб (1657-1711 й.)ни киритиш мумкин. Айниқса Алишер Навоий асарида барқамол инсон ҳақидаги қоялар теран ифодаланган бўлиб, бу борада ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Қамол эт касбким, олам уйидин

Сенга фарз ўлмажай гамнок чиқмоқ,

Жахондин потмоми ўтмак,

Биайних эрур халмомдин попок чиқмоқ

деган фикрлари ҳар бир инсон камчилигини ўзинга ишор қилиб олинги зарурлигини аниқлатади. Бу фикрлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмай, психологик қарашлар, миллий оғи, миллий қояни шакллантиришида, таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилмоғи даркор.

Маълумки, психика ўзинга хос ранго-ранг оламдир. Ундаги жараёнлар, ҳолатлар бир-биридан яқса ҳолатда мавжуд бўлмайди, улар бир-бирига

боглиқ ва бир-бирига доимо таъсир курсатади. Шунинг учун барча психик ҳодисаларни саромжонлаш, классификация қилиш эҳтиёжи юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, психологияда психик жараёнлар, психик ҳосилалар, психик ҳолатлар ва шахснинг психик хусусиятлари ажратилади.

Психик жараёнларга психик фаолиятнинг алоҳида шакллари киради. Психик жараёнлар тирик жараён бўлиб, у эгилувчан, узлуксиз ва келиб чиқиши буйича оддидан тайёрланмаган, демакки у шакланувчан, ривожланувчан ва у ёки бу ҳосила ва натижаларни юзага келтирувчандир. (Психик ҳолатлар, тушунчалар, хис туйгулар, масалаларни ечиш ёки ечмаслик ва ҳоказо).

Психологияда билиш жараёнлари (ақлий ёки интеллектуал жараёнлари) мавжуд бўлиб, улар олами инсон томонидан билишга, англашга қаратилгандир.

Бу аввалом бор сезгилар бўлиб, оддий билиш жараёнидир. Сезги нарса ва ҳодисаларнинг оддий хусусиятларини психик ҳодиса сифатида субъектив акс этиши бўлиб, у бевосита сезги органларига, таъсир этиш натижасида (ранг, овоз, хид, таъм ва х.к) юзага келади.

Идрок – предметлар вазият ва ҳодисаларни яхлит акс этиши бўлиб, у қўзғовчиларни сезги органларига таъсир этиши натижасида юзага келади.

Бу бизнинг хотирамиздир. Хотира – бу эсда олиб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш ва унутиш жараёни бўлиб, у эсда олиб қолинган тажрибани қайта гавдалантиришга ёрдам беради ва мулоқотда фойдаланишга хизмат қилади.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг энг олий шакли бўлиб, у объектлар ўртасида аниқ алоқа ва муносабатларни ўрнатувчи ижодий борлиқни юзага келтириш, муаммоларни ҳал этиш, янги билимларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган жараёндир. Тафаккур туфайли оламдаги объектлар орасида боғланиш ва муносабатлар ўрнатилади, у субъектни янги билимларни эгаллашга, муаммоларни ҳал этиш, масала ечиш, ижодий янгиликларни яратишга хизмат қилади.

Ва ниҳоят, ҳаёл – ўтмишдаги тасаввурлар асосида янги образларни яратилишига хизмат қиладиган жараёндир.

Психологияда эмоционал жараёнлар (ҳис-туйгулар) шу билан бирга иродавий жараёнлар ва хатти – ҳаракатлар ҳам мавжуддир.

Ҳис – туйгулар – борлиқдаги предмет ва ҳодисаларга инсоннинг субъектив муносабатларини кечиши тушунилиб, улар маълум миқдорда барқарордир.

Иродавий жараёнлар – бу инсонни узини бошқаришда намоён бўладиган жараён бўлиб, бу ҳолат инсонни уз психикаси ва хатти – ҳаракатларини бошқариш қобилиятида намоён бўлади. Ирода қийинчиликларни енгишда, маълум бир мақсадларга эришишда намоён бўлади.

Психик ҳосилалар – бу психик жараёнлар маҳсулидир. Булар: сезгилар образи, идрок образлари, тасаввурлар (хотира ва ҳаёл тасаввурлари) ва тушунчалардир.

Тасаввурлар – илгари идрок этилган материаллар асосида ҳосил булган, шунингдек ҳаёл жараёнида яратилган образлардир.

Тушунчалар – олий ақлий образлардир. Тушунчалар сезги, идрок ва тасаввур образлари асосида юзага келади. Тушунчалар – нарса ва ҳодисалар орасидаги боғлиқлик, муносабат ва хусусиятларни ифодалайдилар.

Шахснинг психик хусусиятлари – бу инсоннинг аҳамиятли ва барқарор хусусиятлари бўлиб, уларга характер, қобилият, эҳтиёж, қизиқишлар киради.

Эҳтиёж – бу индивиднинг ҳолати бўлиб, у маълум объектта нисбатан юзага келадиган, яшаш, ривожланиш ва фаоллик манбаи булган ҳодисадир.

Қизиқиш эса – англаш, билим эҳтиёжининг тури бўлиб, у шахс йўналишини аниқлаб беради ва борлиқнинг янги материаллар билан тўлиқ ва аниқ танишиш имкониятини яратади.

Қобилиятлар – бу шахснинг индивидуал психологик хусусияти бўлиб, инсонни бирор бир фаолиятдаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган хусусиятдир. У тўғри олинган билимлар, кўникма ва малакалар кенг, тўлиқ енгил бўлиши таъминланади.

Темперамент – деганда инсоннинг динамик хусусиятларини тушуниш мумкин, бу: психик жараёнлар ва ҳолатларни кучлилиги, тезлиги, темпи, ритми, уларнинг фаоллиги (интилувчанлик, тезкорлик ва аксинча босиқлик, инертлик) ва шахснинг эмоционаллиги (ҳис-туйғуларнинг кечиш тезлиги, уларнинг сифати) тушунилади.

Инсон характери бу – шахснинг барқарор яқка хусусиятлари бўлиб, улар фаолият ва мулоқот жараёнида вужудга келади ва улар асосида ҳуққатвор турлари таркиб топади. Характер инсонни фаолиятга булган муносабатида (ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги, ишчанлик): атрофдаги нарсаларга булган муносабатида (саранжом-саришталик, тежамкорлик, қўли очиқлик); бошқа одамларга булган муносабатида (сезгирлик, очиққўнгилик, дилкашлик) ва ўз-ўзига булган муносабатида (ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини англаш)да намоён бўлади.

Психик жараблар ва шахснинг психик хусусиятларидан таниқари психология психик ҳолатларини ҳам ўрганади.

Психик ҳолатлар - бу инсоннинг маълум вақт оралиғидаги психик фаолиятнинг ўзига хос характеристикасидир (тавсифномасидир). Психик ҳолатлар таниқи сабаблар инсонни кайфияти, унинг шидишдуал хусусиятлари асосида юзага келиб, унинг ҳуқ-атворига таъсир этади (толиқини, асабийланиши, фаоллик, пассивлик ва х. к.).

Психика фаолиятда юзага келади, шаклланади ва ривожланади.

Фаолият деганда психологияда субъектнинг борлиқ билан ўзаро муносабатларининг динамик системаси тунунлиб, бу муносабат асосида психик образлар пайдо бўлади ва субъектнинг предметни фаолият билан бевосита боғланиши юзага келади. Фаолият - бу инсонга хос бўлган олин фаоллик бўлиб, у эҳтиёж натижасида юзага келади ва у таниқи оламин билганига ва уни ўзгартиришига қаратилгандир. Психик жараблар, ҳолатлар ва инсоннинг психик хусусиятлари ҳқида унинг фаолиятини кузатиб, ўрганиб бирор бир фикр юритини мумкин.

Психология инсон фаолиятининг турлари (ўйин, ўқини, меҳнат, ижодий), унинг ўзига хос жиҳатларини (диққатлилик, кўнликма ва малакалари) ўрганади.

Диққат - деганда инсон онини тўнланиши ва маълум объектга йўналтирилганини тунунлади. Диққатда маълум фаолиятга йўналтирилади ва бу вақтда бошиқа фаолият турлари диққат марказида бўлмайди.

Кўнликма, малакалар - шаклланган, автоматланган хатти-ҳаракатлар бўлиб, улар онини назорат ва махсус продага зўр берини талаб этмайди. Психиканини юзага келини фақат инсонга ва ҳайвонларга хос бўлиб, у органинини ҳаётини олин формалари билан боғлиқ.

Психика - бу мишнинг махсусли бўлиб, у объектив оламин аке этинда намоён бўлади. Ҳайвонлар психикаси оддий ва элементардир. Инсон психикаси ҳайвон психикасидан сифат жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Фақат инсонгагина психиканини энг олин даражаси - онг махсубдир. Онг мақсадга йўналган ин фаолиятда намоён бўлади, бу фаолият атрофини қайта ўзгартиришига, бунда хатти-ҳаракатлар ҳқида фикрлани, режалаштириши йўллари ва усуллари, якуний натижасини олдиндан кўра олин натижасида юзага келади.

Онининг тизими ва зарур психологик характеристикаси инмадан иборат?

Онгнинг биринчи характеристикаси - бу bilimлар мажмуасига эга бўлинидир. Онгнинг тизимига зарур bilim жараёнлари кириб, улар орқали инсон ўз bilimларини боийтади.

Онгнинг иккинчи характеристикаси - бу объект ва субъект орасидати, яъни "Мен" ва "Мен эмас"ни (ўз-ўзини англати, сўнг ўз-ўзинга баҳо бериши) орасида фарқни англати ётади. "Мен" ни "Мен эмас"дан ажрата олиши инсонда болаликтдан келади, бунинг натижасида ўз-ўзини англати пайдо бўлади.

Онгнинг учинчи характеристикаси - мақсадга йўналтирилган фаолиятни татминлайди.

Ва, шўоят онгнинг тўртинчи характеристикаси - бу турли муносабатларни онгли равишда турли хис туйғуларининг юзаси келиши (хис-туйғулар олами, шахслараро муносабатлар).

Онгнинг юзаси келишининг асосий шарти, воқғаси - тилдир.

Психиканинги энг қўйи даражаси онгсизликдир. Онгсизлик - бу шундай психик жараёнлар ва ҳолатлар йўғидишиси, унда инсон ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бермайди, англамайди. Бу -- туш, инсоннинг субсенсор реакцияларидир. Уларга баъзи психологик ҳодисалар алаҳдан, галлюцинация кабилар киради.

Хулоса қилиб айтганда, психология - бу ҳайт фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб, психик ривожланишининг факт, қонуният ва механизмларини ўргатувчи фандир.

Психология фанининг тизимини 2 схемада келтирилгандай тасаввур этиши мумкин.

Психология фанининг асосий вазифаси - психик ҳодисаларни ўрганиши ва шунинг асосландир. Ахир барча парселар каби психик ҳодисалар ҳам маълум қонуниятларга бўйсунади. Психология шу қонуниятларни очиниға, уларининг таркиб тошини ва ривожланишини очиниға қаратилагандир. Ушбу қонуниятларни билши, уларни боийқарини, таркиб этиши, тағлим-тарбия жараёнини тўғри олиб боришиға ёрдам беради.

Замонавий психология мураккаб тармоқлар тизимидан иборат бўлиб, улар ўзаро бир-бирига боғлиқдирлар.

Авалом бор, бу - умумий психология инсон ва ҳайвон психикасининг ривожланишининг умумий қонуниятларини ўргатувчи соҳадир.

Психологиянинг кейинги соҳалари қуйидагилардан иборат:

А) Аниқ фаолият турлари билан боғлиқ бўлган психология соҳалари:

1. Меҳнат психологияси - меҳнат фаолиятининг психологик асослари, шахсининг касбий хусусиятлари, касб танлаш ва касбга йўғлаши муаммо-

лари, меҳнатини илмий танқид қилиш, ишлаб чиқарини самарадорлигини оширини, меҳнат жамоасидаги муносабатларини ўрганади.

2. Ишхоналик психологияси - юқори механизация ва автоматизация жараёнида ишон ва машина орасидаги ўзаро таъсир, автоматик бошқарини тизими (АВТ) ларининг ишон психикасига таъсирини тадқиқ қилади. Бунда турли ишлаб чиқарини жараёنларини бошқарувчи оператор фаолияти чуқур ўрганилади.

3. Авиация психологияси учини ва учувчилар меҳнати, психологияси, учувчиларини ўқитини ва тайёрлаш муаммоларини тадқиқ қилади.

4. Қосмоник психология - қосмонавтларини пролавий ва ахлоқий тайёрларлик муаммолари, манқ қилишининг ва таълимининг психологик жиҳатлари, мақамал иш фаолияти билан машғуллик ва вазирликдаги психологик ўзаришлар, қосмонавтлар профессинограммасини тузини, учини, қосмосда ишлаш, қўнини жарайёнида қосмонавтларини психик ҳолатларини ўрганади ва тадқиқ қилади.

5. Педагогик психология - таълим (таълим психологияси) ва тарбияшини (тарбия психологияси) психологик асослари, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, ўқитувчи шахсига қўйилганига талаблар (ўқитувчи психологияси)ни ўрганиб, ўқувчилар ўз ақлий фаолиятлари ва хатти-ҳаракатлари тўғри бошқаринилари ва тарбияшини самарали методларини асослайди ва уларининг психик ривожланишларига ёрдам беради. Бугунги кунда ўрта махсус ўқув муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари), олий ўқув муассасаларида таълим муаммолар, шунингдек, махсус мақабларда таълим-тарбия жараёнларини ўрганиш педагогик психологияда алоҳида ўрин эгалламақда.

6. Тиббиёт психологияси - тиббиёт ходимлари ва бемор орасидаги муносабатлар, мианиниг физиологик тизими билан психологик ҳодисалар (нейропсихология) орасидаги боғланиш, психотерания, психогигиена (психик соғлиқни сақлаш) муаммолари, психопрофилактика (меҳнат ва янаш шароитлари), психофармокология (дорн-дармонларини ишон психикасига таъсири) масалаларини тадқиқ қилади.

7. Юридик психология - жиноятнини психологик томонлари, гувоҳлар кўрсатмаларинини таҳлили (суд психологияси), жиноятчи шахсини психологик хусусиятлари, жиноят мотивлари (криминал психология), жиноятчиларни қайта тарбиялашининг психологик асослари муаммолари билан шуғулланади.

8. Спорт психологияси - спортчиларни тайёрлаш, тарбиялаш, уларда қўнникма ва малакаларини шакллантириш, мусобақалар жараёнида

психологик ҳолатлари, продивий ва ақлий сифатларини шакллантириши, муваффақиятга эришиши усулларини ўрганади.

9. Ҳарбий психология – инсоннинг ҳарбий ҳолатлардаги психологияси, ҳарбий жангни олиб боришда қатъиятчилик, маъсулиятни шакллантириши, ҳарбий таълим ва тарбия муаммолари, боилқилар ва унинг қўл остидаги ҳарбийлар орасидagi муносабатлар масалалари билан шуғулланади. Бувада алоҳида ўрини ҳарбий-инженерлик психологияси эгаллайди.

10. Савдо психологияси – «сотувчи-харидор» муносабатлари тизимини, рекламанинг психологик асослари, мода психологияси ва ҳ.к. масалаларни тадқиқ қилади.

11. Сағъат психологияси – сағъат асарини яратинида фаолиятнинг психологик томонларини, инсон томонидан бадиий асарни идрок этилиши, турли хилларин пайдо бўлиши ва кечини, эстетик тарбия муаммолари, мусиқий, бадиий, адабий қобилиятларини шакллантириши ва тарбиялан муаммоларини ўрганади.

12. Илмий ижодиёт психологияси – илмий фаолиятнинг психологик хусусиятлари, ишче ижодиётининг хусусиятлари, ижодиётда интуиция ва илҳомнинг ўрнини тадқиқ қилади.

Келажакда шу қунгача маълум бўлмаган фаолият турлари билан бирга психологиянинг янги соҳалари ҳам ижудга келиши ва ривожланиши мумкин.

Б. Ривожланиш соҳалари билан шуғулланувчи психология :

1. Ёш психологияси – инсоннинг турли ёш давриларида психик ривожланишининг қонуниятлари, шахснинг психик жараёдиларини таркиб тоиниши ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожланишини ўрганади.

Ёш психологияда қуйидаги бўлимлар ажратилади: болалар психологияси (туғилгандан мактабгача бўлган давр) кичик мактаб ёшидаги болалар психикаси, ўсмир психологияси, ўсмирни психологияси, етук инсон психологияси, қариллик психологияси (геронтопсихология). Ёш психологияси ёш хусусиятлари, бир даврдан иккинчи даврга ўттиш қонуниятлари, шахснинг индивидуал хусусиятларини шаклланишининг сезантива (янг түз ва турли таъсир қиладиган) даврларни тадқиқ қилади ва очиб беради.

2. Патопсихология – инсонларнинг нормал психик ривожланишининг бузиллиларини ўрганади. Бу психология тармоғига олигофренопсихология – мианинг туғма дефектлари ва уларни психик ривожланишга таъсирини, тифлопсихология – кўр ва кўриш сезгисиз насайган кишилар

психологиясини, сурдонпсихология – эшитиш сезишсиз бузилган кишиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш киради.

3. Қиёсий психология (зоопсихология) – ҳайвонлар психикасини, айниқса олий ривожланиш босқичига эришган ҳайвонлар хусусиятларини тадқиқ қилади.

4. Акмеология – комиллик даражасига эришган шахснинг ривожланишининг юқори даражаси, уларнинг қонуниятлари ва механизмларини, айниқса ривожланишнинг энг юқори чўққисига эришни хусусиятларини ўрганади.

В. Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик томонларини ўрганувчи психология соҳалари:

1. Ижтимоий психология – турли ижтимоий гуруҳлар – гуруҳ, жамoa (уларнинг кайфияти, ижтимоий фикрлари, тақлидлари)нинг психик намоён бўлиши. Ижтимоий психология – турли ижтимоий гуруҳлар – гуруҳ, жамoa (уларнинг кайфияти, инсонлар муносабатларининг характери, унда шахснинг ўрни, сардор ва унинг қўл остидагилар, жамoaда руҳий муҳит масалаларини тадқиқ қилади. У катта гуруҳлар – жамoаларнинг кайфияти, тафаккури, паника, таҳлика ҳолати, рақобати ва ҳоказоларни ҳам ўрганади.

2. Шахс психологияси (дифференциал психология) – инсонлар орасидаги топологик ва индивидуал-психологик фарқлар муаммолари билан машғулдир.

3. Этнопсихология – инсон психикасининг этник хусусиятлари, миллий характер, миллий туйғу, миллий ғоя, миллий ўз-ўзини англаш, этник-стернотин, уларнинг қонуниятлари ва вужудга келиши хусусиятларини ўрганади.

4. Бошқарув психологияси – бу психология фанининг шундай соҳасини, унда инсон томонидан – давлат муассасалари, инсонлар, иқтисодий ва техник тизимларини бошқаришнинг психологик томонларини ўрганади.

5. Сиёсий психология – жамият сиёсий ҳаётидаги кайфият, ҳис-туйғу, фикр, қадриятларнинг психологик томонларини ўрганади (сиёсий тарбия, ижтимоий онг, маъкуранинг таъсирини ўрганиш психологияси, сиёсий фаолият ва ҳоказо).

6. Маркетинг психологияси – янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини бошқаришни ва ташкил этишининг психологик муаммоларини тадқиқ қилади. Бу соҳа бозор муносабатлари, талаб ва эҳтиёжларни, нархларин юзага келиш масалаларини, маҳсулотларни режалаштириши билан машғул бўлади.

7. Дин психологияси — диний оғи хусусиятлари, унинг психологик ва ижтимоий асослари, вазифалари ва тизими, диний ҳис-туйғулар хусусиятлари, диннинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва вазифалари ва диний гуруҳлар психологиясини ўрганади. У соҳа диний муносабатлар механизми, тақлид, татсир, йўлсизима ва оғига татсир этиш, диний замонавий жамиятдаги ролини аниқлаш билан ҳам машғул бўлади.

Замонавий психология фанининг тармоқлари ана шулардан иборат.

Албатта, бугунги кунда психология фани кўپлаб фанлар билан узвий боғлиқдир. Бунинг психофизика, психофизиология, психолингвистика, математик психология ва ҳоказолар мисолида кўриш мумкин. Фанлар орасидаги боғлиқликлар психологиянинг фанлар тизимидаги ўрнини аниқлайди. Академик Б.М.Кедровнинг классификацияси бўйича барча фанлар 3 гуруҳга бўлинади: гуманитар, фалсафий ва табиий фанлар. Психологияга тўхталадиган бўлсак, Б.М.Кедровнинг фикрича бу катга уч гуруҳдан фанлар тизимида психология мустақил фан сифатида номоён бўлади, ҳамда у ишон психик фаолиятини табиий-тарихий ва ижтимоий томонини ўрганади. Психология фанини фанлар тизимидаги ўрнини 3-схемада (Б.М.Кедров бўйича) кўриш мумкин.



Схемадан кўриниб турибдики, психология фани фанлар тизимининг оралиқ марказида турибди. Бу дегани психология ҳам фалсафа, ҳам тарих, санъатшунослик, ҳам физиология, техника каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Психология айниқса педагогика фани учун муҳим аҳамиятга эга.

Психологияни татлим-тарбиядаги роли шубҳасиздир. Зеро, ёш авлодин баркамол этиб тарбияланида уни ҳар томонлама яхши билаш керак.

Ҳар қандай ўқитувчи, педагог ўз ўқувчисининг психологиясини яхши билиш керак, унга индивидуал ёндашнинг лозим. Ўқувчилар психологиясини билиш, таҳлим ва тарбия педагогикаси ва психологияси асосини, татлим методикаси таъкил этади. Болаларнинг психологик ривожланишини билмасдан туриб бирор бир татлим методикасини тўғри ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиқ этиб бўлмайди. Психологияни тарбияда, шахс

shakllanishida, uning kamollik darajasiga etkazishda, ma'naviy boy, axloqan pok, jismonan sog'lom, jamiyatning barcha taliblariga javob beruvchi qilib shakllantirishda ahamiyati katta. Psixologiyani urni odamlar dunyoqarishi, etigiqodi va axloqiy fazilatlarini shakllantirishda ham katta-dir. Psixologik bilimlarni inson uz-uzini intellektual tarbiyasida ham qullash ahamiyatidir. Psixologiya шахсий muammolarini hal etishda, uzini-uzi tushinishda, uzining kuchli va kuchsiz tomonlarini anglashda, qiyinchiliklarni engishda, muvaffaqiyatga erishishda, uz kamchiliklarini bartaraf etib, ijobiy fazilatlarini shakllantirishda zarurdir. Psixologiya insonning aqaliy imkoniyatlarini ochishda ham muhim. Zero, diqqat va хотираши yaxiylash va rivojlantirishni iylalarini bilib, bilimlarni tugiри uzlantirishni, intellektual faoliyat samaradorligini oshirish mumkin.

Bna qadam quyigan XXI asr, bizningcha, psixologiya fanining rivojlanish davri buladi va u jamiyatimiz xasteida muhim urni egallaydi.

Prezidentimizna I.A.Karimov aytganlaridayi XXI asrda : «...siyosiy iqlim keskin uzgaradi, odamlar ongida demokratik qadriyatlar qaror topadi. Inson jamiyatidagi urnini ongli ravishda uzni belgilaydi.» Bunda, albatga, psixologiya fanining ham urni bor.

Qaytarilish uchun savolllar

1. Psixologiya predmetiga tushuncha bering.
2. Psixologiya fanini faillar tizimida topgan urnini aniqlang va tushuntiring.
3. Psixologiya inmani yrganadi? Psixik jaraiblar, psixik xolatlar, psixik xususiyatlariga tushunchalar bering.
4. Psixologiyani fan sifatida rivojlanish bosqichlarini aytning.
5. Sharq mutaфаккиrlarining psixologiya fanini rivojlanishiga quyigan hissesi qanday?
6. Hozirgi zamon psixologiyasining xolatinini aytib bering.
7. Psixologiyaning asosiy iynalishlari nimadan iborat?
8. Psixologiya fanining faillar tizimida tutgan urnini ochib bering (B.M.Kedrov buyincha).
9. Psixologiya tarmoqlarini zelang.
10. Pedagogik amaliyotda psixologiyani ahamiyatini xarakterlab

bering.

Adabiyot at'ndagi ...

Adabiyot resurs wares

№ 85460

23 111

Kitobxona

Adabiyot at'ndagi ...

matn ...

ins ...

65460

23 111

II БОБ. Психологиянинг табиий-илмий асослари

РЕЖА:

1. Одам нерв тизимини тузилиши, фаолияти ва хусусиятлари.
2. Мия ва психика.
3. Муайян мия тизимларидан психик ҳодисаларнинг локализацияси (жойлашуви) муаммолари.
4. Психик жараёнларнинг физиологик асослари.

Ашвало, одамнинг нерв тузилиши, хусусиятлари ва фаолиятини кўриб чиқайлик.

↳ Одам бош миёси киши психикасининг ўзига хос, тақриданмас мураккаб органи ҳисобланиб, у катта ярим шарлар, миёча, оралик мия, ўрта мия ва узунчоқ миёдан иборат.

↳ Бош мия орқа мия билан марказий нерв тизимини ташкил қилиб, одам организмдаги барча органларнинг ўзаро фаолияти ва бир-бири билан боғланишини, ҳамда унинг ташқи муҳит билан бўладиган алоқасини таъминлайди. Психик фаолиятларнинг кўпгина қисми бир неча қатор бўлиб жойлашган, шунда кўп нерв ҳужайраларидан (15 млрддан кўп) ташкил топган, кулранг модда қатлаמידан иборат бўлган бош мия катта ярим шарлари қобилиятининг фаолияти билан боғлиқдир.

↳ Перв тизими нерв тўқимасидан ташкил топган бўлиб, у ўз навбатида нерв ҳужайраларидан иборат.

↳ Ҳар бир нерв ҳужайраси, яъни нейрон ядроси бўлган, жуда кўп, тармоқланган катта ўсимталар — дендритлар ва битта узун ўсимта — аксондан иборат ҳужайрани ташкил этади.

↳ Турли нерв ҳужайраларининг туташган жойи синанс дейлади ва у бир нейрондан бошқасига импульсларни ўтказиш (тўхтатин ёки ушлаб қолиш)ни таъминлайди.

↳ Невр ҳужайралари тўқилми миянинг кулранг моддасини, нерв толаларининг тўқилми эса миёанинг оқ моддасини ташкил этади. Невр тўқимаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда қўзғалувчанлик ва ўтказувчанлик асосий хусусиятлар ҳисобланади.

↳ Агарда нерв ҳужайрасининг бирор бир қисмига ҳаракатин ўзгартириш билан, электр токи билан, кимёвий моддалар билан ёки бошқа бирор нарса билан таъсир этилса нерв толасининг ўша ерида ўзига хос физиологик жараён, яъни қўзғалиш пайдо бўлади.

Агарда таъсирлангич старли даражадаги кучга эга бўлса, у ҳолатда қўзғаллиш нерв толасидан тарқалиб, бир нерв ҳужайрасидан бошқасига ўтказилади.

Юқориди айтиб ўтилгандек, L марказий нерв тизими бош ва орқа миядан иборат. >

L Орқа миё умуртқа поғонасининг каналда жойланган бўлиб, нерв тўқимасидан иборат. Орқа миё 2 ярим қисмдан, яъни ўнг ва чап қисмлардан иборат бўлиб, уларни узунлигига кетган олдинги ва орқа кесиклар ажратиб туради. >

Ў Орқа миёда нерв толаларининг тутамлари жойланган бўлиб, скелет мускуллари, тери ва нишлиқ қаватдаги периферик нерв учларидан қўзғаллиш нерв импульслари кўринишида улар орқали бош миёга, у ердан эса периферияга етказилади.

L Орқа миёда оғсена рефлектор ҳаракатларининг, гавди ва қўл-оёқлар мускулларининг, шунингдек бир қатор физиологик жараёнларининг — томирларин ҳаракатлантирувчи, тер ажратувчи ва бошқа марказлар жойлашган. >

L Бош миёа қутида жойланган бўлиб, орқа миёанинг устида жойлантирилганга ўхшайди. Бош миёда узунчоқ миё, кейинги миё, ўрта миё, оралниқ миё ва олдинги миё фарқланади. >

Кейинги миё Воровиен кўприги ва миёадан иборат бўлиб, узунчоқ миё билан биргаликда миё сонини ташкил қилади. Миё сонини орқа миёани давомидек туташган. > Узунчоқ миё орқали орқа миёдан бош миёанинг юқори бўлимларига импульслар ўтади ва орқага қайтади. Узунчоқ миёанинг гидролари мураккаб рефлектор актларида иштирок этади: сўриш, чайнаш, сўлак ажратилиш ва ҳоказо.

Миёча тана ҳаракатини мувофиқлантиришида иштирок этади.

L Ўрта миё — тўрт телалик, қизил гидро мускул тонусининг метабрий тақсимланганлигининг, товуш ва ёруғлик қўзғатувчиларинин, ҳамда оғирлик кучига нисбатан тананинг тўғри жойлашининини идора этади. >

L Оралниқ миёда сезувчанликнинг оралниқ марказлари мужассамланган. >

Олдинги миё ва уни қоплаб турган нўстлоқ бош миёанинг олий қисмларини ташкил этади.

L Олдинги миё бош миёанинг энг катта қисмини, деярли 80%ини ташкил қилади ва пешона соҳасидан эсангача чўзилган ёриқ билан ажралган иккита — ўнг ва чап ярим шарлардан бир-бири билан қадоксиммон тана ёрдамида бирикади. >

Ярим шарларининг барча юзаси (қарийб 2200 см²) миё нўстлоғи дейилади. Миё нўстлоғи қудранг молдадан ташкил топган. Унинг

қалинлиги түрлича бўлиб, 4-5 мм гача боради. Бош мия катта ярим шарлари қобилини юзаси одамда тўртта катта соҳага ажратилади: пешона (энг катта), тена, энса ва чакка.

Бир хилдати ҳужайралар қатламидан иборат қисмлар (қобиқ шакли ва фаолиятининг вазифалари турлича бўлган олғинта қатлам ҳужайралардан ташкил тошган) қаватлардан (майдон) иборат. Одамда ҳаммаси бўлиб 52 та майдон mavjud.

Бош миyaning иўстлоғи остида ётган қисмларини қобиқ ости соҳаси дейилади. Қобиқ ости соҳаси ва қобиқ ости тутамлари умумий сезувчанлиқнинг дифференцияланимаган марказлари ҳисобланади. Бу соҳа бизнинг эмоцияларимиз ва инстинктларимиз билан боғланган.

{ Бош мия қобиғи одамдаги психик жараёнларнинг бевосита моддий асоси ҳисобланади. }

Катта ярим шарлар қобиғи ўзининг тоалари билан бош мия ва орқа миyaning барча қисмларини боғлайди. Психик ҳаёт бутун марказий нерв тизимининг mavjudлиги ва фаолияти билан боғлангандир. Шу билан бирга, нерв тизими ва бутун организм фаолиятининг муҳим аҳамияти бош мия қобиғига тегшилгандир.

Периферик нерв тизими марказий нерв тизими билан ажралмас яхлитлигини ташкил этади. Периферик нерв тизими марказий нерв тизимидан чиқиб тармоқланиб, шу билан бирга бутун организмни МНТ билан боғловчи нервлар ташкил этади.

{ Бош миядан 12 жуфт, орқа миядан эса 31 жуфт нервлар чиқади. }

└ Периферик нервларнинг икки тури: сезувчи ва ҳаракат нервлари фарқланади. Сезувчи нервлар нерв учларидаги тузилмаларда таъсирловчилар тўғрисида ҳосил бўлган қўзғалгининг марказга, яъни орқа мия ва бош миёга етказиб беради. Ушбу нервлар бошқача қилиб рецепторан (қабул қилувчи) марказга ютқилувчи ва афферент нервлар дейилади.

{ Ҳаракатлаштирувчи (мотор) нервлар марказдан келаётган импульсларни мускулларга ва безларга етказиши. Бу нервларни марказдан қочувчи ва эфферент нервлар деб ҳам аталади. }

Вегетатив нерв тизими — орқа мия ёки бўйлаб ва ундан четда жойланган нерв тугунлари, алоҳида тугамлар ва нерв тугунларининг чигалларидан иборатдир. ВНТ нинг алоҳида тугамлари овқат ҳазми қилиш, қон айланishi, нафас олиш ва бошқа органларда жойланган бўлиб, ички органларнинг фаолиятини идора қилади.

ВНТ симпатик нерв тизимидан (унинг марказлари гипоталамусда, орқа миyaning кўкрак ва юқори бел сегментларида жойланган) ва парасимпатик нерв тизимидан (унинг марказлари ўрта миядоғи тўрт

тепаликда, Варолев кўприкда, узунчоқ миёда ва орқа миённинг думғала қисмида жойланган) иборат.

Симпатик ва парасимпатик тизимлар ички аъзолар фаолиятини идора қилишда ўзига хос «антагонистлар» (қарама-қарши) бўлиб, бир орган фаолиятини қарама-қарши ҳолатга келтиради.

Масалан, симпатик тизим юрак фаолиятини тезлаштиради, парасимпатик тизим эса бу фаолиятни сустайтиради. Организмнинг метёлрдаги фаолият, симпатик ва парасимпатик ВНТнинг маълум бир «мувозанатида» сақланади. ВНТ эмоционал кечималарда катта роль ўйнайди.

Одмининг кўзичча психик жараёنларини, хусусиятларини ва ҳолатларини идора этишда ретикуляр формация алоҳида роль ўйнайди. Ретикуляр формация орқа миёда, узунчоқ ва кейинги миёда жойланган зич нерв тоалари тармоғи билан ўзаро бириккан тўқсимов тузилмадир. У бош миённинг электик фаолиятига, бош миё қобилининг функционал ҳолатига, қобик ости марказларига, миёчага ва орқа миёга таъсир қиладди.

Мияни психиканинг органи сифатидаги илмий психологияда ўрганиш тарихи иккита йўналишда борган – организм ва муҳит муносабатларини идора этиш асосларини ўрганиш ва миёнинг алоҳида тузилмаларини морфологияси ва функциясини очини.

Р. Декарт томонидан рефлексе тушунчасининг киритилиши организм ва муҳит таъсир асослар очилиши ва нуқтан назаридан муҳим роль ўйнайди.

Рефлексе – организмнинг таъси ва ички таъсиротларга марказий нерв тизими орқали берган жавоб реакциясидир. И.М.Сеченов (1829-1905) томонидан амалга оширилган бу тушунчанинг ривожлантирилиши ва бу механизмнинг барча психик жараёнларга тегишли эканлиги шунга олиб келадикки, илмий психологияда детерминизм принципини узил-кесил ўз тасдиғини тоиди.

«Оғли ва онгсиз ҳаётдаги барча ақслар (ҳаракатлар) келиб чиқиши усулига (моҳиятига) кўра рефлекслардир» (И.М.Сеченов)

Рефлектор ақтда И.М.Сеченов учта бўғимини ажратади: 1) биринчи бўғимда сезаётган «тўғимини» таъсирлавиши нерв қўзғалишига айланади. 2) қўзғалиш ва тормозлавиши жараёнлари асосида ўзига хос равнишда ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш рўй беради. 3) амалга оширувчи, яъни буруқларини амалга оширувчи органларга (муекулларга, безларга ва ҳоказо) узатиш.

И.П.Павлов (1849-1936) И.М.Сеченовнинг бошлаган миёнинг рефлектор фаолиятини ўрганишини ривожлантириб рефлексе тушунчасига

яни мазмун киритди, шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши асосларини яратди.

↳ Рефлексларнинг икки тури фарқланади – шартсиз ва шартли.

Шартсиз рефлекслар туғма бўлиб, ҳаётнинг дастлабки кунларидан ва кейинчалик ҳеч қандай тажрибасиз (малакасиз) намоён бўлиб бонилайди (масалан, итга сичқандан қўлини тортиб олингани, овқатнинг оғзи бўлишига тунгандаги сўлакнинг ажрлиши).

Шартли рефлекслар ҳаёт тажрибаси билан шартсиз рефлекслар асосида пайдо бўлади. Масалан, итга унга доимо овқат бериладиган (товоқ) иднининг кўришини сўлак ажрлишига олиб келади. Идни (товоқ) бу ерда шартсиз эмас, балки шартли таъсирлагич ҳисобланади.

Шартли таъсирлагич сўлак ажрлишининг тўғридан-тўғри қўзғатувчиси бўлмай, балки фақатгина қўзғатувчининг сигнали, овқатнинг сигналидир.

Шартсиз рефлексларнинг марказлари турличадир – шартсиз рефлекслар ёйларининг тутануви орқа миёда ва бош миёнининг устида рўй беради.↳

Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши соҳаси – бош миё пўстлоғидир. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши туфайли, шартли рефлекслар шартсиз таъсирлагичларининг пайдо бўлишидан анча олдин, кўпинча, ҳаттоки шартсиз таъсирлагичлар анча узоқ масофада бўлса ҳам юзани чиқади, шартли таъсирлагичлар организмнинг ҳаёти учун муҳим бўлган қандайдир ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳақида, масалан, овқатнинг мавжудлиги, ҳанф-хатарни пайдо бўлиши ҳақида хабар беради.

Шунинг учун И.П.Павлов бош миё қобни фаолиятини сигнал фаолияти деб номлади. И.П.Павлов шартли рефлекслар методидан фойдаланиб шунини аниқладики, бош миё катта ярим шарлари фаолияти организмнинг ички муҳитидан ва ташқи муҳитдан нери тизимига келаётган кўпгина таъсирловчиларнинг анализи ва синтези жараёнларидан иборат экан.↳ Анализ ва синтез И.П.Павлов томонидан анализаторлар деб номланган ўзига хос нерв тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

Анализатор – бу нерв физиологияк аппарати бўлиб, перифериядаги нерв учидан (рецептор), сезувчи нервдан (ўтказиш йўли) ва миё қобинининг тегишли қўзғатувчини қабул қилувчи соҳасидан иборатдир.↳


И.П.Павловнинг биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари тўғрисидаги таълимоти илмий психология учун катта аҳамиятта эгадир.

↳ Ҳайвонлар учун борлиқ катта ярим шарлардаги таъсирлагичлар ва уларнинг излари билан сигналлашиб, улар организмнинг кўриш, эшитиш ва бошқа рецепторларига бевосита келиб туради. Бу борлиқнинг биринчи

сигналлар тизими бўлиб, одам ва ҳайвонларда умумийдир. Ҳушлар борлиқининг иккинчи, махсус нисоний сигнал тизимининг танқиди этади. Ҳушлар нарса ва ҳодисалардан келаётган сигналларининг ўринини ағаллагани учун И.П.Павлов томонидан «сигналлар сигнал» деб номланган. Иккинчи сигнал тизимининг фаолияти биринчи сигнал тизимидан ажрамаган ҳолда, бевосита боғлиқ тарзда боради. Иккинчи сигналлар тизими тафаккур ва нуқтининг физиологик асоси ҳисобланади. 7

Рефлекснинг классик тушунчаси ёрдамида психик фаолият асосларини тушунтиришдаги муҳим камчилик шундан иборатки, рефлекс тизими нисон психикасининг идора этувчи ва ўзгартирувчи ролини тушунтириб бермайди. И.П.Павловнинг шогирдлари ва издошлари бу камчиликни рефлексор дугалик тизими тушунчасини рефлексор халқаси тизими тушунчасига ўзгартириш йўли билан ечинга шитдилар.

Қуйидаги чизмада рефлексор фаолиятининг анатомик-физиологик тизими келтирилган:



Анализаторнинг (1-2-3), рефлексор ёйининг (1-2-3-4-5) ва рефлексор халқасининг (1-2-3-4-5-6-7) принципал чизмаси бўлиб, 1-рецептор, 2-афферент нерв йўли, 3-марказий звено, 4-эфферент нерв йўли, 5-эффектор, 6-7-қайтарма алоқа каналлари.

Психиканинги физиологик асосларини очиб муаммоларига ҳаётнинг кўп йилларини бағишлаган рус физиологи П.К.Анохин (1898-1974) қайтарма афферентация тизимларини аниқлади, натижада ҳаракат акцентори деб номланган ҳаракатни режалаштирувчи ва идора этувчи ўзига хос функционал аппарат (орган) ажратилди. 7

Унинг томонидан адантив функционал тизим тушунчасининг киритилиши қатор кейинги иланишлар ва психиканинги акс эттирувчи ва идора этувчи функциялари тўғрисидаги янги тасавурлари учун бошланғич туртки бўлиб хизмат қилди.

Психик ҳодисаларининг мия морфологияси ва кузатилаётган моддий жараёнлари орқали табиати, ҳосил бўлиш қонуниятлари ва ривожланиши

турлича бўлган ҳаракатлар узоқ тарихга эга. Қадимги Юнонистондаёқ «ендрок қилини, фикр юритини ва хотира қобилиятларини» миянинг олдинги, ўрта ва орқа қоринчаларини тўқидирган сувоқлик билан боғлан ҳаракатлар қилинган.

Янги «Илмий» соҳа – физиологиянинг асосчиси Ф.Галль XIX асрнинг бонларида одамнинг турли қобилиятлари ҳаттоки калла суягининг юза қаватидаги турли нерв тўқималари учраб турадиган жойининг кучлироқ ривожланиши билан боғлиқ, деб исбот қилишга ҳаракат қилган. Алоҳида психик функцияларнинг бош миясини маълум бир қисмларига тегишли эканлиги унинг локал (жойланиши) жароҳатланганлигида кузатилаган. Шу йўл билан чан ярим шарининг учинчи немона бўртигида нутқ артикуляциясини (талаффузини) амалга оширадиган Брока маркази (унини ашқлаган француз анатоми П.Брока номи билан аталган), сўнгра жа ўша чан ярим шарининг юқори чакка бўртигининг орқа қисмида «нутқини тунушинини идора қиладиган» Верникке маркази (унини очган немис психиатри К.Верникке номи билан аталган) ажратилган.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларидаги замонавий ашпаратлардан фойдаланган ҳолда кўйлаб тадқиқотларнинг олиб борилиши алоҳида нерв ҳужайраларининг фаолиятини кузатиши, нерв импулсларини текшириб бориши ва қайд қилини, қисқа вақт ичиде шихоятда кўйи миқдорда қабул қилинаётган ахборотни қайта ишлани ва, шихоят, миянинг яхлитлигини бузишини талаб қилмайдиган методикаларини қўллаши имконини берди. Бу тадқиқотлар шундай хулосага олиб келдики, ҳар қандай психик фаолият мураккаб тизиминга эга бўлиб, у битта ҳаттоки бир неча турқум нерв ҳужайраларининг гуруҳи томонидан эмас, балки бош мия нўстлоғининг, нўстлоқ остининг ва мия сопининг турли соҳаларини ўз ичига оладиган бир бутун функционал тизим томонидан амалга оширилади.

Манхур нейрорехнолог А.Р.Лурининг фикрича, айнан шунинг учун миянинг чекланган соҳаларидаги психик функцияларни «локализациялаш» вазифаси «унбу функционал тизимини амалга оширирадиган биргаликда ишловчи мия зоналарининг ўша тизимини анализи, бонқача айтганда, қандай қилиб унбу функционал тизим бонг мия ашпаратлари бўйлаб, тегишли тизимлар бўйлаб жойлашганлигини анализи» вазифаси билан алмаштирилиши лозим.

А.Р.Лурини бўйича, одам миясининг функционал тизими учта асосий блокни ўз ичига олади:

1. Нўстлоқнинг ички тонусини қўллайдиган энергетик блок;
2. Ахборотни қабул қилувчи, қайта ишловчи ва сақловчи блок;
3. Фаолиятни дастурловчи, идора этувчи ва назорат қилувчи блок.

Одам ва ҳайвонлар миёнасининг функционал тизимида муҳим фарқлар кузатилади. Ҳайвонларнинг инкала миё ярим шарлари бир хил қимматга эга бўлган бир вақтда, одамнинг чап миё ярим шарини одатда доминантлик (хуқумрон) бўлиб, ўнг миё ярим шарини эса унга бўйсулгандир ва бу ўнг қўлининг статик роли билан боғланган (чанақайларда бундай доминантлик ёки ўчиб кетади, ёки ўнг ярим шарига ўтади).

Чап миё ярим шарида одамнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятининг мураккаб шаклларини идора этиши билан боғлиқ бўлган нугиш марказлари жойлашган. Бу марказларнинг бузилишини маъниқий-грамматик операцияларининг (семагтик афазия) ва тафаккурининг ижодий шаклларини бузилишига олиб келса, айни шу дамдаги ўнг миё ярим шаринининг худди шундай соҳаларининг бузилишини эса идрокнинг тасаввур компонентларини ва эмоционал жараёнларини бузади.

Тўнланган илмий маълумотлар асосида шунини таъкидлаш мумкинки, чап миё ярим шаринининг ички ўнг ярим шаринининг ишига исбатан дифференциялашгандир.

Одам бош миёси катта миё ярим шарларининг ихтисослашган функцияларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

	Чап ярим шар		Ўнг ярим шар
1.	Хронологик таркиб.	1.	Ўтаётган вақт.
2.	Харита ва чизмаларни ўқиш.	2.	Конкрет макон.
3.	Номларни, сўзларни, белгиларни ёдда сақлаб қолиш.	3.	Тасаввурлар, конкрет воқеаларни ёдда сақлаб қолиш.
4.	Нугиш фаоллиги, моҳиятини хис этиш.	4.	Эмоционал ҳолатни идрок этиш.
5.	Оламни хурсандчиликда, осойишта кўриш.	5.	Оламни ғамгин ҳолатда кўриш.
6.	Батафсил идрок қилиш.	6.	Яхлит тасаввурли идрок.

Одамнинг ҳар бир психик жараёни, ҳолати ва хусусияти бутун марказий нерв тизимининг фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. >

Сезгилар марказий нерв тизими томонидан турли хил энергиянинг турли сезги органларига таъсирини қайта ишланиш натижасида ҳосил бўлади. Таъсиротлар рецепторларга табиий стимуллар шаклида ҳам келиб, қайта ўзгаради, марказий нерв тизимига узатилади ва сезгиларга айланаётганда тамомил қайта ишланади.

Идрок натижасида психофизиологик жараён сифатида ҳосил бўладиган образ бирданга бир неча анализаторларининг мувофиқлашган ҳолатдаги фаолиятини тақозо этади.

Диққатнинг физиологик асосларини бош мия пўстағининг бутунча ёки унинг айрим қисмларидаги қўзғалувчанликнинг оқини билан боғлиқ. Бу ўз навбатида ретикулэр формациянинг алоҳида қисмларини фаоллиги билан ўзаро боғлиқ (алоқадордир).

А.А.Ухтомский диққатининг физиологик асоси бўлиб қўзғатувчилар таъсирида кучайадиган ва қўйини соҳаларда тормозланишга олиб келадиган қўзғалишнинг доминантлик ўчоғи ҳисобланади, деб айтган.

Хотиранинг физиологик асослари шундан иборатки, бош миyaning алоҳида тузилмаларидаги нерв ҳужайраларида содран жараёнда кечадиган ўзгаришларда хотиранинг иллари кузатилади. Хотира жараёнларида РНК ва ДНК молекулаларининг роли ҳақидаги гипотезалар юзага келган.

Тахмин қилинишича хотира ДНК ва РНК молекулалари тузилишидаги ўзгаришлар билан ўзаро боғланган.

Г.Хиден ўзоқ муддатли хотира жараёнида РНК роли ҳақидаги гипотезани таклиф этди. Бироқ, одамнинг энг муштаккам, энг чуқур хотирасини ташувчи бўлиб ДНК ҳисобланади. Шундан ташқари у ирсият тизимига ҳам кирди деб ҳисобланади.

Сезгилар, идрок, диққат, хотирадан ташқари психик ҳолатларнинг физиологик асосларини текширини улкан қизиқини уйғотади.

Оддий эмоцияларнинг физиологик асоси бўлиб марказий нерв тизимининг лимбик тузилмалари, таламус ва гипоталамусдаги (бош миyaning қобниқ ости соҳалари) содир бўлаётган жараёнлар ҳисобланади.

Одам оддий ҳиссиётларининг нерв асоси бўлиб бош мия қобини ҳисобланади. Ҳозирги замон ахборот назариялари нуқтан назари бўйича нерв ҳужайрасида қўзғатувчилар таъсири остида код функцияларини бажарувчи (белгилар ўзаро алманишуви) турли характеристикага эга бўлган биотоклар пайдо бўлади. Нерв импульсида бириладиган ахборотни кодларини ечиш барча илгари тўнланган ахборотларининг мажмуини бу жараёнга қўшилиши билан субъектив психик образини яратди.

Акс этадиган борлиқнинг психик образини тизимини мос келиши (изоморфлик) нерв кодини изоморфлиги билан татминланади. Аммо образ нерв импульсининг шу дақиқадаги фаолияти моҳиятидан доимо «бой», тўлароқдир, негаки у шахс миясинда, психик фаолият субъектида тўнланган ва қайта ишланган ахборотнинг бутун захирасини ўзида олиб юради.

Қайтариш учун саволлар

1. Одам нерв тизимининг хусусиятлари, тузилиши ва функциясини айтиб бering.

2. И.П.Павловнинг шартли ва шартсиз рефлекслар ҳақидаги таълимотини эсланг.

3. Инсон миъясининг фаолиятини туншунтириб беринг.

4. Бот миъясининг ярим шарларининг функцияси қандай?

5. П.К.Анохиннинг психологик ходисаларни ўрганишда функционал тизим аҳамияти ҳақидаги назария мазмунини очиб беринг.

6. “Онг” тушунчасини батафсил тушунтиринг ва унинг характеристикасини беринг.

7. Онглик ва онгсизлик нима? (Мисоллар келтиринг).

III БОБ. Замонавий психология фанининг методлари

РЕЖА:

1. Психологик тадқиқотлар методларининг муаммоси.
2. Психологик тадқиқотлар босқичлари.
3. Психологик тадқиқотнинг асосий босқичлари.
4. Психологик тадқиқотларда олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишланishi.
5. Психологик тадқиқотларда ҳисоблаш техникасидан фойдаланиши.

Маълумки, ҳар қандай фан ўз предметига эга. Психологиянинг юқорида айтиб ўтилганидек, предмети психика бўлиб, у объектив оламни психик ҳодисалар асосида аке эгтириб, юзага келган ва ишкланган образ субъект фаолиятини ва ҳуқ-атворини мақсад сари йўналтиради.)

Бундан ташқари ҳар қандай фан қандайдир ҳодисани қонуниятини билиш учун маълум бир методлардан фойдаланади. И. П. Павлов «методнинг қўлида тадқиқот тақдири ётади» деган эди. Методлар тизими фанининг умумий методологиясига биришади.

Методологияни кенг маънода оладиган бўлсак, у маълум тизимга эга бўлган ва билимларни излаб топшига қаратилган мантиқан кетма-кетликка эга бўлган методлардир. Кўнчилик олимлар бу терминни илмий метод тушунчасига мос тарзда тушунадилар ва фойдаланадилар, методология фақат илмий тарзда қабул қилинишини таъкидлайдилар.

↳ Методология (юнонча – methodos – билиш,тадқиқ қилиш, излашнинг йўли logos – тушунча, таълимот) амалиёт фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг принциплари ва усуллари тизими, ҳамда ушбу тизим ҳақидаги таълимотдир.)

↳ Методлар – психикани ўрганиш усуллари, ва йўллари йиғиндиси. «Метод бу – билиш, англаш йўли бўлиб, бу усул орқали фанининг предмети аниқланади, ўрганилади. (С.Л. Рубинштейн).)

Методлар тизими юқорида таъкидланганидек фанининг умумий методологиясига боғлиқдир. Психологик тадқиқотлар методологияси, метод ва методикалари орасидаги боғлиқлик схемада берилган.




Схема 1. Психологик тадқиқотлар методологияси, методлари ва методикалари.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, психологик тадқиқотларнинг танқид этилишига ва ўтказилишига маълум бир талаблар қўйилади. Улар қандай талаблар экан?

1. Тадқиқотларни режалаштириш. Метод ва методикаларни танлаш ва уларни синаб кўриш. Тадқиқотчи самарали бўлиши учун асосларни ҳисобга олиш, тадқиқотларни мантиқий ва хронологик тузиш, тадқиқотда иштирок этувчилар сонини аниқлаш, зарур ўлчовларни аниқлаш, математик қайта ишловни режасини кўрсатиш ва бутун тадқиқотни қисқача мазмунини кўрсатиб бериш.

2. Тадқиқотни ўтказиш жойи.

3. Тадқиқотни техник жиҳозлаш.

4. Тадқиқ қилинувчиларни танлаш.

5. Тадқиқотчи (эксперимент ўтказувчи). Шубҳасиз


тадқиқотнинг боришига таъсир этади ва тадқиқотнинг режалаштиришдан то хулоса ва тавсияларига қадар катта аҳамиятта эга .

6. Кўрсатма — у аниқ ва қисқа бўлиши лозим.

7. Тадқиқот қошидаги баённома тўлиқ ва мақсадга йўналган бўлиши керак.

8. Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш. Тадқиқот мураккаб жараёни бўлиб, унинг ўз боғиқчилари ва поёналари мавжуд. Улар нималардан иборат?

Психологик тадқиқот боғиқчиларини қуйидаги схемада кўриш мумкин.



Замонавий психология методларининг классификациясини келтириш лозим. Академик Б.Г. Ананьев методларни тўрт гуруҳга ажратади. >

1 гуруҳ таъкилий методлар. Уларга ҳиссий метод (турли гуруҳларни ёни, фаолиятига қараб солиштириш ва ҳ.к.) лонгитюд методи (узоқ вақт давомиди яқин текширилувчи ва гуруҳлар билан тадқиқ қилинувчиларни қайта-қайта тадқиқ қилишдир), комплекс методи (тадқиқотда турли фан намоёндаси бир объектни ўрганишда илтирок этилади, масалан, шахснинг фаолиги, психологик ва ижтимоий ривожланишидаги боғлиқликни аниқлаш).

2 гуруҳ — эмпирик методлар: кузатув ва ўз-ўзини кузатув; экспериментал методлар; психодиагностик методлар (тестлар, анкеталар, сўровномалар, социометрия, интервью, суҳбат), фаолият натижаларини таҳлили, биографик методлар.

3 гуруҳ — натижаларни қайта ишлаш методларини ўзига киритган миқдор (статистик) ва сифат (материалларни гуруҳлар бўйича дифференциаллаш, таҳлил қилиш) методлардан таъкил топади.

4 гуруҳ — натижаларни таҳлил қилиш методлари; интерпретацион методлари (ривожланиш режасига кўра алоҳида таъкидий моментлар.

Босқич дaвpларин ажратган ҳолда тадқиқот материалларини таҳлил этиш) ва тизимли боғлиқлиқни ўрнаттиш методларидан иборат.

Энди психология методларида батафсил тўхталамиз.

1. Кузатиш – психология методи бўлиб, унда хулақ-атвор, хатти-ҳаракатлар қайд этилиб, субъектив ҳодисалар ҳақидаги фикрлар олинади. Кузатув табиий шароитда фаолиятга таянч кўрсатилмаган ҳолда олиб бoрилади. Хатти-ҳаракатлар, сўзлар батафсил ёзиб бoрилади ва сўнг таҳлил қилинади. Илмий кузатувга фақатгина фактларни қайд қилишни эмас, балки уларни тушуниришни ҳам ўз ичига олади. Кузатиш учун аниқ режа зарур. Олиб бoриладиган ёзув ёки батафсил ёки тапланган бўлиши мумкин. Батафсил ёзиб бoриш шакл тўғрисида ўрганилганда, тапланган эса – психик фаолиятни алоҳида кўринишлари кузатишда олиб бoрилади.

Психология кузатишининг қуйидаги классификацияси қабул қилинган.

У икки гуруҳга ажратилади:

1. Бевосита (кузатувчи кузатилувчи орасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд бўлса) билвосита (тадқиқотчи билан вазифа асосида тингловчилар томонидан кузатувни олиб бoриш), очик (англанган, кузатувчи ва кузатилувчи учун маълум), ёпиқ (яширин) (телекамера, яширин овоз ёзини, яширин фото камера орқали маълумотлар олин)

2. Узгүкенс (бонн, ривожланиши, яқин кузатилади), дискрет (алоҳида ҳолатлар кузатилади, махсус режа асосида босқичли кузатиш олиб бoрилади), монографик (бир-бирига боғлиқ психологик ҳолатларни қамриб олади), махсус (махсус чегараланган ҳодисани кузатиш)

3. Ўз-ўзини кузатиш – кузатувнинг бир тури бўлиб, унинг объекти субъектининг психик ҳолатлари бўлиб ҳисобланади.

Психологик кузатувлар доим ҳам зарур натижаларни олишга имкон бермайди. Шунинг учун кузатувни қўпимча методлар билан тўлдириш лозим.

II. Психологиянинг асосий методи эксперимент (тажриба методидир).

Эксперимент замонавий психология методларидан бири бўлиб, у мустақил бўлган ўзгарувчиларни мустақил бўлмаган ўзгарувчиларга таянрини ашиқ ҳисобга олишга асосланади.

Экспериментнинг афзаллиги нимада? Улар қуйидагилар:

- тадқиқотчи уни қизиқтирувчи психик жараёнлар ҳақида тасодифий эмас, балки ўзи яратган шароитлар асосида натижа олади.

- Тадқиқотчи мақсаддан келиб чиққан ҳолда психик жараёнларнинг кечини ва шароитини ўзгартириши мумкин.

- Эксперимент тадқиқотларида бу жараёнинг кечини шароити бўйича қатъий назорат ўрнатилиши мумкин.

- Эксперимент катта гуруҳларда ўтказилиши мумкин бўлиб, бу ўз ўрнида психик жараёنларни ривожланишига умумий қонуниятларини ўрганишига имкон беради.

Илк бора психологик тажрибалар XIX асрнинг иккинчи ярмида В.Вундт (Германия) лабораториясида ўтказилган. Унингнинг қонуниятлари Г. Эббингаус томонидан ўрганилганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Экспериментлар (тажрибалар) лаборатория ва табиий экспериментларга бўлинади.

Лаборатория эксперименти – психология методи бўлиб, у сунъий шароитда унга таъсир этувчи барча омиллар назоратида амалга оширилади. Лаборатория экспериментининг камчилиги унинг сунъийлигидадир.

Табиий тажриба илк бор 1910 йилда рус психологи Л.Ф. Назурский томонидан қўлланилган. Табиий эксперимент шундай тажриба турики, у ўз ичига тажриба шартшароитларига билдирилмаган ҳолда ўйин, меҳнат, ўқув фаолиятини қамраб олинши мумкин. Экспериментда таъсир воситалари билан тажрибадан олинган натижа белгиланган ва ҳисобга олиб туриладиган тартибда кузатилади. Бунда тадқиқотчи фаол тарзда ўрганилаётган ҳодисаларга таъсир эта олинши, уларни ўзгартириши ва уларни бошқариши имкониятига эга. Экспериментнинг туб моҳияти тадқиқот фаразидан ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган жараёнга маълум ўзгартиришларни киритишидир.

Кесик(среэ)–бу ўрганилаётган объектнинг ҳолатини ривожланишининг барча босқичларидаги қисқа муддатдаги фактларни қайд қилишидир. Кўидаланг кесик (среэ) тадқиқ қилинувчи турли гуруҳларни солиштиришга имкон беради, лекин уларни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олин имкониятига эга эмас.

Бўйлама(бўйига) кесиклар(среэи) тадқиқотда иштирок этувчи тадқиқ қилинувчиларининг алоҳида психик хусусиятларини узоқ муддат жараёнида кузатиш имконини беради.

Лонгитюд методи – (ингл. Long – узун) кузатув натижасида узоқ муддатта қатор субъектларнинг тадқиқ қилишидир. Масалан, шундай тажрибани Ўзбекистон психологи Н. Пигматов ўтказган бўлиб, у бирдан то саккизинчи синфгача бўлган ўқувчилар тафаккурининг умумлаштириш қобилиятини тадқиқ қилган.

Келажакда педагогик фаолият билан машғул бўлган педагоглар ҳам тажрибалар ўтказишлари лозим. Психологик-педагогик тажриба схемаси қуйидагича келтирилиши мумкин.

№	Эксперимент боёқчилари	Экспериментал гуруҳ	Контрол гуруҳ
1.	Илгари қўйилган баҳо	X_1	X'_1
2.	Берилаётган материал	берилган	Берилмайди
3.	Кейинги баҳо	X_2	X'_2

Агар илгари қўйилган баҳо X_1 га тенг бўлса (экспериментал гуруҳ) X'_1 (контроль гуруҳ), унда улар орасидаги фарқ $X_2 - X'_1 = D_1$ бўлиб, у ўрганилаётган натижалар ўзгарганлигини намоён қилади. $X_2 - X'_1 = D_1$ эса контрол гуруҳ натижаларини намоён қилади. $D - D_1$ эса омилларини ўрганиш билан боғлиқ экспериментдан олинган ўзгаришлардир. Педагогик психологик тадқиқотларини ўтказишда тажриба контрол синфлар олинади. Бунда ўқув тарбиясини жараёнида тажриба синфига янги (тажрибавий) омиллар киритилади, назорат синфга эса бундай омиллар киритилмайди. Бунда қолган омиллар бир-бирига мос бўлиши лозим. Шунини муҳимки, тажриба ва назорат синфлар қатор кўрсаткичлар бўйича бир хилда бўлиши лозим (ўқлаштиришнинг ўртача баҳоси, тарбияланганлик даражаси, фаоллиги, болалар жамоасининг уюшганлиги ва ҳ.к.)

└ Энди психологиянинг қолган методларида тўхталамиз.

- Анкета – олдиндан тайёрланган саволлар тизимига маълум жавобларни олишга мўлжалланган сўров varaғи. Анкеталар очик ва ёпиқ турда бўлади. Очик анкеталарга жавоб беришда ҳеч қандай чегаралар қилинмайди. Ёпиқ анкеталарда жавоб бериш учун танланган имкотиёти берилади. («ҳа», «йўқ», «баъзан»).

- Сўхбат – психологиянинг методларидан бири бўлиб, у орқали тўғридан – тўғри ёки бевосита маълумот олиш мумкин. Сўхбат натижаси (олдиндан режалантирилган ва режа – савол бўйича тўғридан – тўғри ёзиб борилади ёки олдиндан тайёрланган карта таблицаларда акс эттирилади.

- Биографик метод – шахсни унинг мавжуд ҳужжатлари асосида ўрганилади. Бу хотиралар асосида ёзилган бадний адабиёт ҳам бўлиши мумкин. (Ойбек, Ўткир Ҳошимов асарлари)

- Интервью – ижтимоий психология методи бўлиб, қўйилган саволарга жавоб олишга ва бунинг натижасида маълумот олишга мўлжалланган методдир. Тадқиқотчи интервью тарзида савол – жавоблар ўтказилади.

- Социометрия - муносабатлар тизими ва психологик мослиқини, ҳамда жамоа ва гуруҳларда шахслараро муносабатларни аниқлашга мўлжалланган психологик тадқиқот методи. Ушбу методнинг жуда кенг тарқалган усули

америкалик психолог Дж. Морено томонидан ишлаб чиқилган. Социометрия тести иккиманчӣ рейтинг тести бўлиб, бунда жамонини ҳар бир аъзосидан у ишлагани, ўқигани, ўйлагани, дам олигани ҳоҳлагани ёки ҳоҳламагани жамоа аъзосини белгилайди. Социометрия натижалари социограммада ўз аксини топади.

Тест – стандартлашган психологик снов бўлиб, унинг натижасида шахсини бирор – бир психологик жараёнига баҳо беришга ҳаракат қилинади. Илк бора тест тушунчасини америкалик психолог Д. Кеттел 1890 йилда «Mind» мақоласида киритган.

1905 йилда психолог А. Бине ва унинг шогирди Т. Симонлар ўқувчиларини ақлий қобилиятларни аниқловчи тестни биринчи бўлиб яратдилар. 1920 йилда В. Штерн ақлий истеъдод коэффициентини киритган. 1937 йилда инглиз психологи Д. Векслер ақлий кўн қиррали тестни яратди.

1943 йилда америка психологи Г. Маррей кўн факторли Миннесот шахе сўровномасини (MMPI) яратди. Ушбу сўровнома 550 та саволдан иборат бўлиб, шахсини 14 та хусусиятларини аниқлайди.

1987 йилда ИТТУР (ақлий ривожланганини аниқлайдиган мактаб тести) яратилди. Унга К.М.Гуревич бoshчилигидаги Москвалик бир гуруҳ олимлар асос солидилар. Булар қаторида америкалик психолог Р.Кеттелнинг шахсини 16 хусусиятини, швейцария психологи Роршах (сидёх доқшири) наёқатларни аниқлаш прожектив тести, Равен (фикрлан фаолиятини баҳолаш), инглиз психологи Г.Айзенк (ақлий ривожланган ва қобилиятлар) ва шу каби кўплаб тестлар маълум.

Тестлар яқва ва гуруҳий, аппаратура орқали ва биликлар асосида ўтказилиши мумкин. Аналогия, ассоциация, муваффақиятга эришини, маҳорат, тугалланмаган гап, хотира, қобилият ва бoshқа психик хусусият, жараёнларни аниқлашга қаратилган тестлар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тестларни самарали қўлланилишида уларнинг валидиги, стандартлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамиятга эга.

Валидик – тест нимани аниқлашга қаратилганигини ўлчаи даражасини баҳолаи жараёнидир.

Тест стандартлиги – тест пухта таҳлил қилинган ёки қилинмаганигини аниқлашга қаратилган мос нормалар. Ушбу нормалар тестни ишончлилиги ва валидигини аниқлайди.

Психологик тестнинг ишончлилиги – умумлашган атама бўлиб, у тестга қанчалик ишониш мумкинлигининг барча томонларини ёритишга қаратилган. Бу ерда энг асосийси кетма-кетлик босқичи бўлиб, буида

тестни қайта-қайта ўтказиш жараёнида даярли бир хил натижаларни олиш хусусиятини белгилайди. Ҳар қандай психологик тадқиқот аниқ, пухта ҳисоб мезони ва уни баҳолашни ишлаб чиқилгандагина мубаффақиятли тугати мумкин.

Йиғилган барча материаллар пухта сифат таҳлилидан ўтади ва бу биринчи хулосалар қилишга замин яратди. Шунинг илобатга олиш керакки, ҳар қандай сифат таҳлили ва хулосалардан олинган натижаларни миқдорий қайта ишланганига боғлиқ.

Тестдан олинган натижаларни баҳолашда математик (статистик) методларнинг аҳамияти жуда катта. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, математик метод у ёки бу ҳодиса асосидаги фарқларни аниқлашга ёрдам беради, лекин улар орасидаги фарқлар сабабини, уларнинг сифат моҳиятини очиб бермайди.

Математик статистика психологияда умумий ҳолда ўрганилаётган ҳодисаларнинг натижаларини солиштиришга ёрдам беради.

Статистик методлар орқали, масалан, ўқувчиларни баҳолашни йиғиб синфнинг ўртача баҳосини аниқлаш мумкин. Лекин баҳолар моҳиятини статистика аниқламайди.

Эҳтимоллар назарияси ва вариацион статистика методлар катта миқдордаги ранг-баранг омиллар таъсирида шаклланивчи ҳодисаларни ўрганишга ёрдам беради (коррекцион, фактор таҳлил ва ҳоказо).

Коррекцион таҳлили – икки ва undan ортиқ ўзгарувчилар орасидаги боғлиқлиқни аниқлаб unda бир ўзгарувчининг иккинчи ўзгарувчи аҳамиятлилиги остида систематик катталашнинг, иккинчисини биринчи аҳамиятлилиги остида камайиши ёки катталашиши кузатилади. Бундай статистик боғлиқлик аъъанага биноан кузатилаётган таҳминини кўтилаётган натижа асосида маълум натижага боғлашдир. Корреляция қанчалик кучли бўлса, таҳминини туғрилигига шунча кўпроқ ишонин мумкин.

Фактор таҳлили – кўп марта ўлчанадиган математик статистика методи бўлиб, у статистик боғлиқ хусусиятларни тадқиқ қилишга қаратилгандир.

Психологик тадқиқотларда назарий моделлаштириш методи муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти шундаки, олдиндан ўтказилган предметни тадқиқотни натижасида жуда кўп миқдорда олинган натижалар, маълум миқдордаги муҳим хусусиятлар, белгилар, тизим қисмлари ажратилади ва унинг натижасида улар орасидаги боғлиқликлар ва ўзаро муносабатлар аниқланади.

Унинг натижасида тадқиқот предметининг назарий модели яратилади ва у кейинчалик тажрибада текширилади. Назарий моделлаштириш модели

турли фаоллият турлари, шахс мўқоабатлари жараёнини шаклланишини ўрганишда қўлланилиши мумкин.

XX аср бошларида психологик лабораторияларда турли электр асбоблар, замонавий ашаратура, аудио-видео, электрон техника қўлланила бошлади. Кибернетик моделлаштиришга ёриш мисол тариқасида замонавий психологияда ЭХМ лар асосида математик программалаштириш гоёси келтирилиши мумкин. Бу инсон хатти-ҳаракатларини унинг психологиясига мос ҳолда электрон ҳисоблаш машиналари ҳисоблаб чиқариш уринишлари кузатилади (америкалик олимлар Д.Миллер, Ю.Галаггер, К.Прибрам). Ва ниҳоят, шунга таъкидлаш лозимки олинган натижалар тушунирилиши, талқин этилиши лозим. Бундай тушунириш, олинган натижалар талқини — тадқиқот натижасининг шарҳлашини бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тадқиқот методларидан кўришиб турибдики, психология инсон психикасининг барча механизмлари, қонуниятлари ва фактларини турли усуллар билан ўрганишга, уш таҳлил этишга, шарҳлашга ва ҳаётга тўғри йўланима беринга интилади.

Қайтариш учун саволлар

1. “Методология”, “метод”, “методика” тушунчаларининг моҳияти ва боғлиқликларини аниқланг.
2. Психологик тадқиқотларнинг асосий босқичлари қандай?
3. Психологиянинг асосий методларини айтнинг.
4. Қайси психологик методлар педагогик фаоллиятда кенг қўлланилиши мумкин?
5. Психологик тестларнинг моҳияти ва имкониятларини очиб беринг.
6. Психологияда қўлланиладиган ўлчов шкалаларига тавсия беринг.
7. Психологик тадқиқотлар натижасини сон таҳлили деганда нимани тушунаси?
8. Психологик фактларни мазмуний таҳлилнинг ёритиб беринг.
9. Психика ўрганишда моделлаштиришнинг имконияти ва вазифаларини аниқланг.

IV БОБ Психиканинг тараққиёти

РЕЖА:

1. Психика материаллигининг эволюцияси сифатида.
2. Психиканинг филогенездаги тараққиёти.
3. Инсоният ва ҳайвонлар хатти – ҳаракатларининг ўзгарувчан турлари.
4. Ҳайвонларнинг интеллектуал хатти – ҳаракатлари.
5. Инсон ва ҳайвон психикаси ўртасидаги фарқ моҳияти.
6. Инсон психикасининг ёш тараққиёти.

Воқъеларнинг таъсирини акс эттиш қобилияти – материянинг умумий хусусиятидир. Лекин оламда тирик ва ўлик табиатни акс этиши турличадир. Тирик материянинг ташқаридан таъсир этаётган моддалар алмашишувига жавоб берини таъсирланувчанлик деб аталади.

Оддий таъсирланувчанликка барча ўсимликлар эга.

Эволюция жараёнида организмлар ташқи муҳит билан муносабатларнинг умумий турини ўзгариши натижасида таъсирланувчанликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши – сезувчанликни юзага келишига сабаб бўлади.

А.Н. Леонтьевнинг фаразига асосан, сезувчанлик «генетик шундай таъсирланувчанликки, ташқи муҳит таъсирига организмни йўналтиради ва бунинг натижасида организм ташқи муҳитда сигнал вазифасини бажаради».³

Демак, сезувчанлик шундай таъсирланувчанликки, унинг натижаси ҳаёт учун зарур таъсирлар сигналлашади. Сезувчанликни намоён бўлиши психикани пайдо бўлишига объектив биологик белги сифатида хизмат қилади. Психика, таъсирланувчанликнинг ўзига хос юқори сифат ўзгариши – сезувчанлик – психик акс эттиришининг оддий тўри юзага келганида бошланади.

Ҳайвонлар эволюцияси жараёнидаги психиканинг сифат ўзгаришларини А.Н. Леонтьев ўзи ифодалаган психик ривожланиш босқичларига асос қилиб олди.

А.Н. Леонтьев бўйича психика ривожланиш босқичлари

1. Элементар (оддий) сенсор психика босқич. Элементар (оддий) сенсор психика босқичи А.Н. Леонтьев таърифича ташқи муҳит объектнинг у ёки бу сифавтига жавоб бераверади. Бу оддий сезиш босқичидир. К.Э Фабри фикрича, оддий сенсор психиканинг икки – паст ва юқори даражаси ажратилади.

³ Леонтьев А.Н. Проблемы развития психологии. М., 1972 стр 43-46

Кўйигина бир хужайрани ва айрим кўнхужайраларда психик ривожланишнинг даст даражаси бўлади. Бунда психик фаолиятнинг оддий турлари намойи бўлади.

Оддий психиканинг юқори босқичида кўн хужайраси умуртқасизларда мавжуд бўладилар.

Уларда илк бор нерв тизими намойи бўлади. Бу ҳайвонот эволюциясининг зарур муҳим давридир. Невр тизими диффуз ёки сеткасимон, ганглиоз ёки закжиреимон бўлиб, улар алоҳида предметларнинг сифатларинингина аке эта оладилар. Ҳайвонлар учун ушбу босқичда предмет олам мавжуд бўлмайди, улар воқелик объектини идрок эта олмайдилар. Уларнинг психик аке эггириши оддий сезин рамкасига кирмайди.

II. Перцентив психика босқичи .

У танқи объектив воқеликни аке этиши билан характерланиб, алоҳида оддий сезин тури эмас, балки нарсааларнинг аке этишининг бутун яхлит усулидир.

К.Э. Фабричининг фикрича, перцентив психикани ҳам икки даражаси мавжуд. Даст даражага юқори даражалли умуртқасизлар киради. Перцентив психиканинг кўйи босқичида мавжуд бўлган ҳайвонларга ижобий таъсир этувчиларин фаол назан хусусияти хосядир.

Предметин идрок этиши — перцентив психиканинг юқори даражасидир. Ушбу даражада умуртқалилар ривожланиб, уларга ривожланган нерв тизими хосядир.

III. Ҳайвонларнинг ақлий ривожланиш муаммоси. Интеллектуал (ақлий) хатти-ҳаракат - ҳайвонлар психик ривожланишнинг юқори чўққисидир.

Ақл (интеллект) босқичи ҳайвонларнинг деярли мураккаб фаолияти билан характерланиб, у аке эггиришининг мураккаб туридир.

«Ҳайвонларин борлиқини психик аке этиши усули интеллектуал фаолиятга ўтишида алоҳида нарсааларингина эмас, балки уларин муносабатларини аке эггириши ҳам иужудга келади.»⁴

Ҳайвонлар ривожланишнинг бу босқичида предметлар орасидаги боғлиқликларини аке эггира оладилар. Бу ерда янги хусусиятлар юзага келади. Биринчидан, фаолият икки фазага қисман ажралади: тайёргарлик ва амалга ошириши, биринчи фазанинг мавжудлиги интеллектуал (ақлий) ҳулиқ-атворни ўзига хося сифатини танишил қилади. Немис зоопсихологи В. Кёлернинг тадқиқотларида маймуларга егиб бўлмайдиған жойга хўрак

⁴ Леонтьев А.Н. проблемы развития психологии М., 1972 стр 250

қўйилади. Хўрақдан яқинроқ, лекин бевосита етиб бўлмайдиган жойга узун таёқ қўйилади. Бу таёққа етиш учун қафасда қисқа таёқча бор. Қисқа таёқча билан хўрақни олиб бўлмайди. Маймуи эса биринчи фазада қисқа таёқ билан узун таёқни олади. Иккинчи фазада узун таёқ билан хўрақка эга бўлади.

Шундай қилиб, тайёргарлик фазасида предметларнинг ўзи эмас(таёқ), уларга бўлган объектив муносабат (таёқ хўрақни олиш воситаси сифатида) юзага келади.

А.Н. Леонтьевнинг фикрича ақлий ҳуқ-атвори бошқа хусусияти, бу ҳайвоннинг муваффақиятсиз ҳаракатлардан сўнг тўсатдан жавобни топишидир. Бу ҳодиса В. Кёлер томонидан «Инсайт» - равишлангани деб аталган.

Ақлий ҳуқ-атворнинг бошқа икки хусусияти бу топишган муаммонинг ечимини тез эслаб қолиш ва шу билан шаклланиган операцияларни бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўткази олишидир.

Ҳайвонлар хатти-ҳаракатларида туғма ва ортирилган иняслар мавжуд.

Ҳайвонлар хатти-ҳаракатларининг асосий туғма тури – инстинктлар.

Инстинкт – бу мураккаб туғма ҳаракат бўлиб, у асосида ҳайвонлар ўз эҳтиёжларини қондирадилар.

Масалан, ўргимчаклар моҳирона ишларини тўқинилари мумкин, аммо буни улар ўрганган эмас. Асаларилар аниқ математик ҳисоб-китоб асосида ишларини ясайдилар. Ҳайвонлар инстинклариди бизни уларнинг объектив мақсадга йўналганлиги ҳайратлантиради. Аммо ушбу хусусият ҳайвонларда чегараланган.

Улар ҳаётдаги кичик ўзгариш ҳам уларнинг мақсадга йўналганлигини ўзгарттиради. Масалан, ўргимчак ишига тутилган пашшага дарҳол ёпишади, уни ейди.Лекин у пашша билан бир жойга жойлаштирилса, ўргимчак пашшадан қочади.

Ўзлаштирилган (индивидуал) ҳуқ-атвор усулларига кўникма ва фикрлаш фаолиятининг кураклари киради.

Кўникмалар – бу ҳайвоннинг шундай ҳаракатки, у индивидуал ҳаёт мобайнида ишлаб чиқилади.

Масалан, ит олди оёғини кўтариб орқа оёғида юради, отлар эгарбилан юришади ва ҳ.к. кўникмалар янги ҳаракатларни қайта-қайта қайтариши инстинктлар асосида юзага келади.

Уй ҳайвонлари кўнгини кўникмаларни инсонлар билан «ўргатиши» асосида ағаллайдилар, бунини дрессировка деб атайдилар. Ҳайвонларда

интеллектуал ақлий хуш-ятвор куртаклари улар томонидан бажарилган кўрсатмалли ҳаракат масалаларида аке этади.

Ушбу фикрлаш фаолиятининг элементарлиги шундан иборатки, ҳайвонлар фақат идрок этаётган борлиқ оралиғида фикрлайдилар, улар ақлий операциялари эса ўз биологик эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ҳаракатларида аке этади.

Ҳайвон ва одам психикасидаги фарқлар умумлашган ҳолда қуйидаги таблицада ўз аксини тошган.

I таблица

Муҳим хусусиятлар	
Ҳайвонлар фаолияти	Инсон фаолияти
1. Инстинктив-биологик ҳаёт фаолияти	1. Фаолият билини ва мулоқот эҳтиёжи орқали йўналтирилади.
2. Ҳамкорликда фаолият мавжуд эмас.	2. Ҳар қандай ҳаракат инсонлар учун ҳамкорлик фаолиятида маълум бир даражада мазмун каифи этади.
3. Конкрет вазиятдан кўрсатмалли тасаввурга асосланади.	3. Мавҳум фикр юригади, нарса ва ҳодисалар орасидан боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қилади.
4. Авлоддан ўтадиган ҳаракатлар дастури.	4. Мулоқотнинг ижтимоий воситалари орқали тажрибани узатини ва мустаҳкамлаш.
5. Бўлимчи воситалардан фойдаланиш мумкин. Лекин уларни сақламайдн, донмо улардан фойдаланмайдн.	5. Меҳнат қуролларини ясаш, уларни сақлаш ва кейинги авлодга қолдириш.
6. Атроф-муҳитга мослашадилар.	6. Ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ташқи оламга таъсир этади, уни ўзгартиради.

Инсон психикаси – психика тараққиётининг энг олий босқичидир. Homo Sapiens – ақлли инсондир.

Онг фаолият жараёнида шаклланиб, у биргаликда ҳаракатларини бажарини, (масалан, овқат излаш) асосда юзага келиб у туздани ибтидоий инсон ҳаёт тарзини ўзгаришига шартли яратди. Инсоннинг биологик - морфологик хусусиятлари қарийиб 40 миш йил давомнда барқарор бўлган бўлсада, инсон психикаси фаолият жараёнида ривожланади. Меҳнат фаолияти ривожлантирувчи характерга эга булиб, шилаб чиқарини жараёнида амалга оширилиб, ўз маҳсулида намоён бўлади, яъни инсон

яратган нарсаларида ушнинг маънавий кучи ва қобилиятлари ўз аксини топади.

Шундай қилиб, инсониятнинг юқори маънавий маданияти деганда инсониятнинг психик ривожланишининг юқори кўрсаткичлари тушунилиши мумкин.

Меҳнат - бу инсонни табиат билан боғлайдиган, ушн табиатта таъсир кўрсатадиган жараёндир.

Меҳнат фаолиятига қуйидагилар характерлидир:

1. Меҳнат қурооларини тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш.
2. Меҳнатнинг маҳсулдорлиги ва меҳнат жараёнларининг мақсадга йўналганлиги.
3. Меҳнатнинг меҳнат маҳсулотлари бўйича тасаввурга бўйсуниниш-меҳнат ҳаракатларининг восита ва харақтерини қонун сингари белгиловчи меҳнат мақсади.
4. Меҳнатнинг ижтимоий харақтери ушн ўзаро муносабатлар жараёнида амалга оширилиши.
5. Меҳнат таниқи оламни ўзгартиришга қаратилгандир.

Меҳнат қурооларини тайёрлаш ва уларни қўллаш тафаккур, иутқ, тил, инсонлар орасидаги ижтимоий-тарихий муносабатларни юзага келишига хизмат қилди.

Иамониятнинг тарихий ривожланиш жараёнида инсон ўзининг ҳулақ-атворини усул ва йўлларини ўзгартирди, табиий лаёқат ва олий психик функцияларни бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўтказди, идрок, хотира, тафаккурни тарихий формаларини шакллантирди, ёрдамчи воситалар иутқ белгиларидан бевосита фойдаланди.

Олий психик функцияларининг бирлиги инсон онгини юзага келтирди.

Инсоннинг психик ривожланишининг даражаси ўзи, бошқа кишилар ва маълум бир гуруҳлар билан қиёсланувчи билим, кўникма ва малакалар мажмуидан иборат. Психик ривожланишининг шартлари унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган омиллардан иборат. Ривожланиш шартларига инсоннинг болалигидан бошлаб атрофдаги одамлар , улар орасидаги муносабат моддий ва маънавий маданият предметлари киради.

Психик ривожланишининг кўрсаткичлари бу:

1. билиш ва билиш фаолиятини ривожланиши (юзаки аке эттиришдан воқеаларни моҳиятигача билиш)
2. фаолият ва ўз-ўзига муносабатни шаклланиши.
3. амалий ва ақлий ҳаракатлар тизимини аниқлаш.

Татлим-тарбия юқорида айтилганидек, инсон психик ривожланишини аке эттирувчи асосий омилдир. Татлим ва тарбия

жараёнида инсон ўз организми ривожланиши ва муҳит таъсирида ола олмаганини олади. Масалан, ҳаёт жараёнида бола нутқда эга бўлади, лекин ёзув ва ўқини бўйича бола билимини махсус таълим жараёнидагина олади.

Одамнинг кўл ва оёқлари ҳаракатлари, унинг организми ривожланиши билан ва у яшашган шароитга боғлиқ. Лекин махсус меҳнат, техник кўникма ва малакалариш инсон фақат таълим орқали эгаллайди.

Таълим-тарбия жараёнида инсоннинг органик ривожланишидаги нуқсонларни ҳам керакли томонга ўзгартириши мумкин. Масалан, баъзи болалар жисмоний камчиликлар – кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб туғилдилар, ammo махсус ташкил этилган таълим ва тарбия асосида бундай болалар ақлий ривожланишига эга бўладилар. Бунга яққол мисол кўзи ожиз, қулоғи қар аёл Ольга Скороходовани кўрсатиши мумкин. У олий маълумотга эга бўлди, қатор китоблар яратди, махсус психологидан докторлик диссертациясини ёқлади, қатор бадний асарлар муаллифидир.

Таълим-тарбия натижасида ҳаёт жараёнида орттирилган салбий одатлар ҳам ижобий томонга ўзгартирилиши мумкин.

Таълим ва тарбия шахс ривожланишига прогрессив таъсир кўрсатади.

Ёш даврлари бўйича психик ривожланиши етакчи фаолият таъсирида юзага келади. Бу фаолиятда шахс сифат жиҳатидан ўзгариб шаклланади.

Ёш даврларда янги психологик ўзгаришлар ва етакчи фаолият таъсири ҳақида 2-таблицада кўрсатилган.

ув

Ёш даври	Ётакчи фаолият	Ёшдаги янгиликлар
Ўздаклик (1 ёшгача)	Бевосита эмоционал мулоқот	Мулоқотга эҳтиёж эмоционал муносабатлар
Илк болалик (1-2 ёш)	Предмет-манпуллатив (ҳаракатли) фаолият	Нутқ ва кўргазмалли ҳаракат тафаккури
Мактабгача ёш дари (3-6 ёш)	Ролли ўйин	Ижтимоий-фойдали, ижтимоий баҳога эга бўлган фаолиятга эҳтиёж, ўқини-таълимга тайёргарлик.
Кичик мактаб ёши (7-10 ёш)	Таълим, ўқини	Психик жараён ва ҳолатларнинг ихтиёрли-лигининг ривожланиши
Ўсмирлик даври (11-14 ёш)	Ижтимоий-фойдали меҳнатда мулоқот	Ўз-ўзига баҳо бериши, атрофга таъқидий қараши, катта бўлишига

		интилиш, гуруҳий ҳаёт нормаларига бўйсиниш.
Ўспиритлик даври (15-17 ёш)	Ўқув-касб фаолияти	Дунёқараш, элтиқод, орау, идеал, касб қизиқиши

Ушбу таблицда 17-18 ёшгача бўлган ривожланиш назарда тутилди, бу эса шу ёш билан психик ривожланиш тўхтайдиган деган сўз эмас.

Ёш даврига стуклик даври — 55-60 ёшгача, қариллик 55-60 ёшдан сўнг, бу ёш психологиясини геронтопсихология деб номланган психологиянинг соҳасида ўрганилади.

Қайтариш учун саволлар

1. Нима учун элементар сезувчанликни психикани пайдо бўлишининг налк формаси дейилади? Сезувчанликни қўзғатувчанликдан фарқи нима?

2. Хулиқ-атвор турларининг ривожланиши даражаси билан нерв тизимининг ривожланиши орасидаги боғлиқликни тунунтиринг.

3. Нима учун “пашша билан баискага солинган ўргимчак унга тегмайди, ахир табиий шартонда ўргимчак пашшани тутиб ейди-ку?.

4. Нима учун қуёшни “барабан чалишига”, бўрчиқни “кир ювнига” ўргатиш осону, тескарисини қилиб бўлмайди? Бундан келиб чиқиб қандай хулоса қилиш мумкин?

5. Ҳайвонларнинг интеллектуал хулиқ-атвор турлари сифат жиҳатдан нимаси билан фарқ қилади?

6. Нима учун чумоли ва асаларларининг мураккаб хатти-ҳаракатларини меҳнат деб бўлмайди? Меҳнат фаолиятининг асосий жиҳатлари нимадан иборат?

7. Инсон ва ҳайвон психикасидаги фарқ нимадан иборат?

V БОБ. Фаолият

РЕЖА:

1. Фаолият ҳақида тушунча.
2. Фаолият тизими.
3. Қўшиқма ва малакалар, уларни пайдо бўлиш қонуниятлари.
4. Фаолиятнинг асосий турлари.
5. Ётакчи фаолият тушунчаси.

Замонавий психология (файл психикани ўрганишида фаолиятли ёндашув принципини асосий принциплар сифатида қабул қилади. Ушбу принцип моҳиятини очини учун фаолият ҳақида умумий тушунчага эга бўлиши лозим.

Умумий ҳолда оладиган бўлсак, фаолият деганда тирик организмни ўз эҳтиёжларини қондиришига қаратилган фаоллиги тушунилади. Ҳайвонларда ушбу фаоллик табиатан биологик характерга эга. Шунинг учун «фаолият» атамаси ҳайвонларга nisбатан мажозий маънода олиниб, уни аниқроқ қилиб «ҳаётий фаолият» дейишимиз мумкин. Амн ҳолда фаолият – бу инсонгагина хос бўлган, онг билан бошқариладиган, оламни билишига қаратилган эҳтиёжларни қондириши ва оламни ҳамда одамни ўз-ўзини ўзгартиришига йўналтирилган фаоллигидир. Фаолият муаммоси бевосита органик жихатдан шахс ва онг муаммоси билан боғлиқдир. Шахс фаолиятда таркиб толади ва шаклланади. Ишани – бу ҳаракатлиши демакдир. Инсон ҳаёти – бу бир-бири билан ўрни алмашувчи фаолиятлар тизимидир. Фаолият – бу инсоннинг воқелик билан ўзаро муносабати жараёни бўлиб (табиий ва ижтимоий), бу процесс жараён эмас, аксинча онг билан бошқариладиган, nisбатан ортнқ ёки камроқ фаоллиқдир. Инсон фаолияти бевосита эҳтиёжлар билан эмас, балки аниқланган мақсад асосида бошқарилади.

Инсон фаолияти ранг-барангдир. Фаолият натижаларига кўра анъанага асосан уни амалий ёки назарий турга бўлиши мумкин.

Ҳар қандай фаолият маълум бир голаш ҳаётга тадбиқ этиб, у назорат ва бошқарувни талаб этади. Энг ажойиб голашлар жамият томонидан маълум фаолиятга тадбиқ этилгандагина юқори баҳога эга бўлади. Бутунги кунда республикамизда илгари сурилган мустақиллик миллий голаш фуқаролар фаоллигини ошириши, уларда Ватанга садоқат, бурч, маъсулият, фидокорлик ҳиссини шакллантиришига қаратилгандир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Миллий голаш – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари

етақлайдиган фикрлар мажмуидир.» Дээрли ҳар қандай фаолият ўз ичига ички ва ташқи қисмларни қамраб олади.

Фаолиятнинг барча турларида ички ва ташқи қисмларини миқдорий сифати ўзгаради, лекин «ақл билан» иш юритишни билиш орқали фаолиятнинг ички қисми (хатти-ҳаракатнинг ақлий режаси) устивор бўлади.

Бу инсон фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзига хослигини татминлайди. Ўзининг генетик келиб чиқиши бўйича ички (ақлий, психик) фаолият ташқи (предметли) фаолиятдан келиб чиқади.

Бола аввал предметли хатти-ҳаракатларни амалга оширади, сўнг тажриба ортач худди шу хатти-ҳаракатларни ақлий амалга оширади. Ташқи (предметли) хатти-ҳаракатларни ички (ақлий) хатти-ҳаракатларга айланиши интериоризация (юнонча interior – ички) деб аталади. Аммо ички хатти-ҳаракатлар ташқи натижага йўналтирилган бўлиб, фаолиятни ички қисми (психик, ақлий) ташқига (предметли) айланиши ва предметларда маълум усул ва ҳаракатларни амалга оширилиши экстерниоризация (юнонча exterior – ташқи) деб аталади.

Интериоризация жараёни ҳаракатларни жисмоний предметликдан ҳалос этибгина қолмай, фаолият самарадорлигига уни умумлаштиришга ва бир фаолият туридан иккинчи фаолият турига ўтишга ёрдам беради.

ФАОЛИЯТ ТИЗИМИ

Аниқ фаолият турларининг ранг-баранглигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларни ҳар бирини ўзига хос қисмларининг тизими мавжуд. Булар: мақсад, мотивлар, хатти-ҳаракатлар, операциялардир.

Тизим (структура) – объектнинг барқарор боғланишлари йиғиндиси бўлиб, турли ташқи ва ички ўзгаришлардан қатъий назар ўз мақсади ва бутунлигини сақлайди.

Фаолият тизимини кўриб чиқайлик. Бу – мақсаддир, у инсон эҳтиёжларини амалга оширади ва фаолиятнинг охириг натижасининг образи сифатида намоён бўлади (уш қуриш, университетни битириш, масалани ечиш ва ҳ.к.) лекин мақсадни аниқлаш билан масала ҳал бўлди деб бўлмайди, аксинча бунини одам нима учун қилияпти? деган савол юзага келади. Масалан, университетни тамомлаш. Мақсад – тамомлаш. Тамомлаш мотивлари турлича бўлиши мумкин – диплом олиш, билим олиш, ўз обрўсини мустаҳкамлаш, ўз ўрнини тасдиқлаш ва ҳ.к.

Мотив — бу биринчидан, ипсонин фаолиятта ундайди, иккинчидан, фаолиятта ўзинга хос жиҳатларини намоён этади ва мақсадда эришини учун зарур йўл ва усулларини тавлашга ёрдам беради. Мотивларга эҳтиёжлар, қизиқишлар, эмоция ва хислар, эътиқод ва идеаллар, установка ва одатлар кириши мумкин. Мақсадлар каби мотивлар ҳам узоқ ва яқин, шахсий ва умумий бўлиши мумкин.

Хатти-ҳаракатлар — бу фаолиятнинг ишбатан тугалланган элементини бўлиб, у умумий мотивга бўйсунган оралиқ мақсадга эришини назарда тутади. Масалан, талабанинг ўқув фаолиятидаги хатти-ҳаракатларини, маъруза эшитиш, лаборатория ишларини бажарини, ёзма иш ёзиши ва ҳ.к. кириши мумкин. Ҳар қандий хатти-ҳаракат операциялар тизимидан иборат бўлиб, у маълум вазиятда маълум масалани ечини қаратиладигандир.

Предметли хатти-ҳаракатларни таҳлили шуни кўрсатадики, уларини ҳар бири ўз ичига учта ҳаракатни қамраб олади: оломоқ (кўтармоқ) бир жойдан иккинчи жойга қўймоқ, туширмоқ.


Психологияда хатти-ҳаракатларнинг бошқа турлари ҳам мавжуддир: нутқий (нутқ жараёнида нутқ органларининг ҳаракати), семантик (оғиз ҳаракати, очниқ сайловда қўл ҳаракати, тасдиқловчи ва инкор қилувчи боп ҳаракати ва ҳ.к.), мимика, пантомимика, эмоцияларини намоён бўлиши, локомотор ҳаракатлар — тананинг фазодаги ҳаракати (одамининг юриши, югуриши ва ҳ.к.).

Замонавий психологияда қуйидаги ақлий хатти-ҳаракатлар ажратилади: перцептив (улар асосида предметларини идрок этиши асосида яхлит образ юзага келади); мнемик (материални фаолият жараёнида ёдлаш, эсга туширини, эслаб қолини); фикрлаш (фикрлаш орқали масалаларни ечини).

Фаолият тизимини қуйидаги схемада акс эттириши мумкин.

Фаолият


Эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган фаоллик; ҳайволларда у мослашувчан, одамда онгли равишда юзга келувчан; мақсад ва воситаларга ижтимоий асосланган




Фаолият тизимини таҳлили шуни кўрсатадики, у воқеликни онган акс эттириш орқали амалга оширилади.

Ҳар қандай фаолиятда инсон у ёки бу даражада ўз ҳаракатларининг мақсадни аниқлайди, унинг якуний натижасини ҳаёл қилади, вазиятларни баҳолайди, уларнинг кетма-кетлигини таъминлаш ҳақида фикр юритади, диққатини йўналтиради, продага зўр беради, фаолиятни кузатади ан муваффақият ёки муваффақиятсизликни бондан кечиради.

Режалаштириш, хатти-ҳаракатларни назорати ва бошқарувчи қатор физиолог, психологлар томонидан – Н.К.Анохин, Н.А.Бронштейн, Э.А.Асратян, У.Эшби ва бошқалар томонидан аниқланган хатти-ҳаракат қисмлари ва уларнинг вазифаларини қуйидаги схемада кўриш мумкин:





2 схема. Хатти-ҳаракат қисмлари ва уларнинг асосий вазифалари

Кўникма ва малакалар, уларнинг шаклланиши қонуниятлари

Ҳар қандай фаолият турли усулларда бажарилиши мумкин. Хатти-ҳаракатни бажариш йўллари, маълум фаолиятни бажарилишининг усуллари дейилади. Фаолиятни тўла таҳлил қилиш ва тушуниш учун икки тушунчага тўхталмишимиз керак: бу «кўникма» ва «малака»дир.

Кўникма – машқ қилиш натижасида юзага келган хатти-ҳаракатларнинг автоматлашган усули. Физиологик жиҳатдан кўникма бош миyaning катта ярим шарлари нўстлоғида ҳосил бўлиб, вақтинчалик нерв боғланишларининг барқарор тизимининг функциясини татминлайди. Динамик стереотипларни яратини шундай шароитларни яратадимики, унда бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан бир мунча мураккаб аналитик-синтетик фаолият ҳам юзага келади. Бунинг натижасида нафақат кўникмалар, балки малакалар ҳам юзага келади.

Малака – олдинга қўйилган мақсад ва хатти-ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган муваффақиятли ҳаракатлар усулидир. Малакалар хатти-ҳаракатининг мақсад ва конкрет шарт-шароитларига тегишли бўлган ҳолда доимо биллимларга суянади. Одам ишини қанчалик яхши билса уни шунчалик малакали амалга оширади ва ундан фойдаланади.


Кўникма ва малакалар хатти-ҳаракат услуби бўла туриб, маълум фаолият турига қараб ишлаб чиқарини, ўқув, ижтимоий, спорт, ташкилий, техник фаолият, илмий фаолият, санъат соҳасидаги кўникмалар ва бошқалар бўлиши мумкин. Лекин барча фаолият турларида қўлланиладиган кўникма ва малакалар мавжуд: булар – ҳаракат, сенсор ва ақлий кўникма

ва малакалардир. Ҳаракат кўникмаларига жисмоний меҳнат, спорт ва ўқув кўникмалари (хат ёзиш, тез ўқини ва ҳ.к.) киради.

Сенсор кўникма ва малакаларга ўлчов, ёруғлик, овоз ва символлик маълумотларини тез ва тўғри қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ва бошқарини марказларда тикрорлаб боришлар киради.

Ақлий кўникма ва малакаларга — кузатиш усуллари, малакаларни ривожлантириш, оғзаки ва ёзма ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш, ҳаракатларга йўналтириш, китоб билан ишлаш, архив материалларини йиғиш, илмий тажриба ўтказиш ва ҳ.к. кўникмалар машқ натижасида юзага келади, яъни бунда мақсад сари йўналтирилган (доимий) қайтариш мустаҳкамлашга олиб келади ва самарали усуллар асосида қайта-қайта қайтарилишни амалга оширилади.

Кўникмаларини юзага келишини «машқлар эгри чизиғи» кўринишида акс эттириш мумкин. Мотор кўникмаларини машқларининг эгри графигини қуйидаги расмда кўриш мумкин.



1 — расм. Мотор кўникмаларининг машқлар эгри чизиғи — хатоларнинг камайиши (А.Н.Соколов бўйича).

Графикдан кўриниб турибдики, хатоларни камайиши бир текис юз бермайди. Графикдаги эгри чизикнинг пасайиши ва кўтарилиши тиккалик машқнинг қанчалик мунаффақиятли бажарилаётганлигидан далилат беради.

Машқлар эгри чизиғида плато номли ҳодиса кузатилиб, у ўзлаштиришнинг ўсишида ёки тушишдаги салбий ҳолатларини намоён қилади (горизонтал чизик). Биринчи расмда у 3-4 машқларда акс этган.

Кўникмаларни шаклланишида унга асосий босқичлар ажратилади — аналитик, синтетик ва автоматлаштириш. Баъзи тадқиқотчилар таништирув босқичини ҳам киритадилар.

Аналитик босқичи — онгли, лекин бунда ҳам хатти-ҳаракатларни моҳир бажарини етарли эмас, мақсад — алоҳида ҳаракатларни эгаллаш,

уларнинг бажарилиши усулларини таҳлил қилиши. Кераксиз, ортинча ҳаракатларни бажариши эҳтимоли мавжуд, бунда одам ўзини эркин тутмайди, назорат даражаси паст.

Синтетик босқичи – ҳаракат элементлари бир-бирига бирлашиб, уйғунланади, алоҳида операцияларни бирлашуви юз беради, осонроқ ҳаракатлар мураккаблари билан алмашинади, назорат ўзгаради.

Автоматлаштириши босқичи – конкрет вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳаракатларни бажаришида эғилувчанлик юз беради. Ҳаракат характери оқли бошқарилади. Ҳаракатлар аниқ, тез, бир-бирига мос тушади. Назорат сенсор ва ақлий сингтез даражасида амалга оширилади.

Инсон томонидан эғалланган кўшикма ва малакалар янги кўшикмаларни шаклланишига таъсир кўрсатади.

Қонуниятлар:

1. Кўшикманинг ҳосил бўлишининг потенцис жараёни. Бу машқларнинг эгри графигида намоён бўлади. Юқориди келтирилган расмда буни кўриши мумкин.

2. Кўшикмаларнинг кўчиши. Ижобий кўшикмалар янгиларини шаклланишига таъсири кўчини дефислади. Кўшикмалардаги салбий таъсир эса штегрференция деб аталади, бунда эски кўшикма янгисини шаклланишига халақит беради.

3. Кўшикман ш прогрессив ва регрессив - кўшикма узоқ вақт миқдориди хизмат қилиши учун ундан фойдаланиши лозим. Акс ҳолда деаутоматлаштириши юзага келиб, зарур ҳаракатлар ўз тезлиги, янгливи, аниқлиги ва автоматлаштирилган ҳаракатларни таъминловчи хусусиятларини йўқотади.

Озгина одатлар ҳақида.

Одатлар – бу шундай хатти-ҳаракатларки, улар ўз-ўзидан, автоматик тарзда юз беради. Одатларни инсоннинг маданий ва ахлоқий ҳуқиқда аҳамияти катта.

Фаолиятнинг асосий турлари – бу меҳнат, ўқиш, ўйин.

1) Меҳнат – бу шундай фаолиятки, унинг натижасида моддий ва маънавий қадриятлар юзага келади. Меҳнат – мавжуд бўлишининг асосий шарти у инсониятни ривожлантиради. У алоҳида шахсининг психик ривожланишига таъсир кўрсатади. Таълимда меҳнат тарбияси ҳақида Дистерверг шундай деган: « Ўқувчини меҳнат қилишига ўргатиш, уни нафақат меҳнатни севишига, у билан шундай уйғунлаанишига кўшиштириши, токи меҳнат унинг вужудига сингиб кетсин.»

2) Ўқиш – бу меҳнат фаолиятига тайёргарликнинг ўзига хос босқичи бўлиб, у шунингдек ўқувчиларининг асосий фаолият туридир. У билимларни

эгаллашга қаратилган бўлиб, унинг натижасида зарур кўникма ва малакалар эгалланади ва ўқувчилар мақсадни англайдилар. Бугунги кунда ривожланган давлатларда инсон ҳаётининг 20% дан 30% гачасини ўқишга бағишламоқда.

Инсон ўқшдан амалий фаолиятга ўтишда ўз устида доимий ишлаганида, шунингдек ўқув фаолиятини мустақил давом эттирган тақдирдагина давр талабига жавоб бера олади. Демак, бугунги кунда таълимнинг асосий вазифаси ўқувчида кўникма ва малакаларни эгаллаш орқали ўз устида ишлашни, мустақил амалга оширишни шакллантиришдир.

Ушбу вазифани амалга оширини мустақил Республикамининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз аксини топган (1997 йил). Бу борада Президентимиз: «...бизга рақобатбардор, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи Фозил Инсонлар керак»-деганлар. Дастурнинг асосий вазифаси баркамол авлодни тарбиялашдир.

Инсон ривожланишининг ҳар қайси даврида бирор бир фаолият унинг психик ривожланишини белгилайди.

2. Мактабгача ёшдаги болалар учун бундай фаолият ўйиндир. Ўйин орқали бола воқеликни англайди, одамлар билан муносабатда бўлади. Бола ўйинлари доимо катталар хатти-ҳаракатларини, фаолиятни ва муносабатларини акс эттиради.

Болалар ўйинлари катталар билан муносабатда юзага келади ва ривожланади. Илк ўйинлар функционал ўйинлар бўлиб, унда предметлар ёрдамида бола предмет хусусиятлари ва уларга таъсир этини йўллариини очади. Бу ўйинлар асосида конструктив ўйинлар пайдо бўлади, улар орқали бола предметларни нима учун хизмат қилишни биладилар ва улар асосида нимадирни яратишни истайдилар.

Сюжетли-ролли ўйинларда (3-4 ёшда) бола одамлар орасидаги муносабатларини эгаллайдилар. Бунда ўйинлар доимий-гуруҳий характер кашф этади. Ўйинларини доимий ўйнаш орқали бола жамиятдаги маълум вазифаларни бажара бошлайди. Бугунги кунда жамиятимизда ёш авлодни ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаш муаммоси устида изланишлар олиб борилмоқда. Қонунлар ҳам мактабгача тарбия ва умумтаълим мактабларида ўзига хос тарада ўйини шаклида ўргатилиши мумкин. Шундай қилиб, маълум манқларда ўйини асосида бола илк бора фаолият субъектига айланади. Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти доимо инсонни ҳаёти жараёнида мавжуд бўлади. Катта одамда ўйин завқ олишнинг бир кўринишидир. Масалан, қайта-қайта шахмат ўйинида ютқазган киши ўйинни давом эттирмайди, чунки бундан у завқ олмайди.

Ва, ниҳоят инсон ҳаётининг ҳар бир даврида бирор бир фаолият етакчи бўлади. Етакчи фаолият деганда, психологияда шундай фаолият тунунладики, унда ўша даврда инсонда сифат ўзгаришлари юз беради (ролли ўйини мақтабгача ёнда, ўқини кичик мақтаб ёнида, ўқини ва меҳнатда мулоқот ўсмир ёнида, ўқув-касб таълим фаолияти ўсмирлик даврида).

Қайтариш учун саволлар

1. «Шахс» ва «Он» тунунчаларига боғланган ҳолда фаолиятнинг моҳиятини тунунтиринг?
2. Инсон фаолияти ҳамда ҳайвон ҳуқ-атвори формали орасидаги фарқ нимадан иборат?
3. Фаолият структураси схемасини тасвирлаб, унинг компонентлари орасидаги боғлиқликни тунунтиринг.
4. Ички ва ташқи хатти-ҳаракатлар ривожлангани жараёнида қандай муносабатда бўлади?
5. Одат, малака ва кўникмаларга тавенф беринг ва содиритинг.
6. Кўникмаларни юзага келиши эгри чизини таҳлил қилинг.
7. Ўқувчиларда салбий ва исобий одатларни таркиб тилишини маълум мисолларда тунунтиринг.
8. Ўқув фаолиятининг билим, кўникма ва малакаларини асосий тавенфини беринг.
9. Ўйин, ўқини, меҳнат фаолиятига умумий характеристика беринг.
10. Инсон ҳаётида етакчи фаолиятининг роли нимадан иборат?

VI БОБ. Мулоқот

РЕЖА:

1. Мулоқот ҳақида тушунча.
2. Мулоқот маълумот алмашиш сифатида.
3. Мулоқот биргалиқдаги узаро таъсир сифатида.
4. Мулоқот одамларни узаро идрок этиш сифатида.
5. Педагогик мулоқот.

Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ кишилар орасидаги аффектив баҳоловчи характерда ва билиш буйича маълумот алмашишдан иборат бўлган узаро таъсир этишидир.

Мулоқотнинг тизимида узаро бир-бирига боғлиқ жиҳатлар ажратилади: коммуникатив, интерактив ва перцентив.

Мулоқотнинг коммуникатив жиҳати бу мулоқотдаги индивидларни узаро маълумот алмашинишидир.

Мулоқотнинг интерактив жиҳати бу – индивидлар мулоқотда нафақат билим ва гоълар, балки ҳаракатлар буйича ҳам узаро таъсирини ташкил этишдан иборат.

Мулоқотнинг перцентив жиҳати мулоқот жараёнида узаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишидир.

1. Мулоқот маълумот алмашиниш сифатида. (Мулоқотнинг коммуникатив жиҳати).

Ҳар қандай маълумотни белгилар, аниқроғи белгилар тизими орқали билиш мумкин.

Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Булар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва новербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникациядир.

Вербал коммуникацияда инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ – инсон томонидан қўлланиладиган товушлар сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. У жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади.


Мулоқотни коммуникатив акт сифатида қўйидагича тасаввур этиш мумкин:

Коммуникатор, адресант	- мулоқот субъекти сифатида омида намоён бўлади.
Рецепиент, адресат	- бу маълумот кимга узатилмақда
Маълумот	- нима узатилмақда
Код	Қандай воситалар асосида
Мақсад	Нима учун узатилмақда
Алоқа канали	Овоз, хат, эфир орқали алоқа
Натижа	Нимага эришилади

Нутқ универсал коммуникация воситаси бўлиб, у орқали узтилиши лозим бўлган маълумот узининг мантиқий мазмунини сақлаб қолади. Нутқнинг учта функцияси мавжуд:

Сигнификатив (умумлаштириш, фикрни узатиш); ҳис туйғуларини узатиш ҳамда продага зўр бериш (одамларга таъсир кўрсата олиш).

Нутқни пайдо бўлиши ва амалга қўлианишинини қуйидаги схемада кўриш мумкин.



2- схема. Фикрни пайдо бўлиш модели ва нутқни юзага келиши.

Матълумки, нутқнинг ўзига хос турлари мавжуд — ташқи, ички, оғзаки, ёзма, монологик, диалогик, актив(фаол), пассив ва ҳ.к.

Коммуникатив жараёнда ўзаро муносабатга киришувчиларни бир-бирларини тушунишлари жуда муҳимдир. Бунда нутқнинг қуйидаги муҳим хусусиятлари пайдо бўлади:

Мазмундорлик, тушунарлик, ифодалик, таъсирчанлик.

Буюк француз ёзувчиси Агтуан Сент Экзюпери (1900-1944): «Мулоқот — бу шундай наъма, у орқали инсон лаззатланади» деб ёзган эди.

Сўзнинг моҳияти ҳақида Сявдий (1210-1292): «Ақлимисан ёки аҳмоқ, каттамисан ё кичик, буни бирор сўз айтмаганингча била олмаймиз» деган эди.

Халқимизда шундай иборатли ибора бор: «Инсон ақлу-фаросати = унинг нутқини аниқлигида намоён бўлади».

Новербал коммуникацияга — белгиларнинг оптик-кинетик тизими кириб, уларга жестлар(қўл ҳаракатлари), мимика(юз ҳаракатлари) ва пантомимика(қўл-оёқ, тана ҳаракатлари) кириди.

Жестлар — инсоннинг қўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати, бирор бир объекта муносабати ва ташқи оламга йўналганлиги ифодаланади. У ёки бу халқларда жестлар турлича қабул қилинади. Италияликлар ва французлар ўз мулоқотларини жестларсиз тасаввур эта олмайдилар. Ўзбек халқида нутқда жестлардан қўл фойдаланиши яхши одат сифатида қабул қилинмайди. Лекин шунини ҳам таъкидлаш лозимки, новербал коммуникация оғзаки нутқда айтилмаётган фикрларни ифода этиш имконини беради.

Мимика — инсон юз ҳаракатларини бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, тасаввурлари, хотиралаши, талжжуби ва ҳ.к. намоён бўлади.

Пантомимика — инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотлар шунини кўрсатдики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7 % ни, товушлар ва интонация 38% ни, нутқсиз мулоқот эса 55% ни ташкил этади.

Публиций айтганидек биз: «Овоз билан гапирамиз, тана билан суҳбатлашамиз».

Новербал коммуникациянинг бошқа белгилар тизимини кўриб чиқайлик.

Параллелистик ва эстранингвистик белгилар тизими — бу локализация тизими бўлиб, у овоз сифатида уни дианазони нуқтадаги паузалар, йўтал, йиғи, қулғу нуқт тэмшида намоён бўлади.

Мулоқот жараёнида мулоқотта иштирокчиларни бир-бирларига нисбатан жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, аудиторияда жойлаштириш мулоқот учун жуда поқудайдир. Айниқса семинарлар жараёнида ўқитувчи ва докладчи мулоқоти вақтида қолганлар мунозарада фаол иштирок этиш имкониятига эга эмасдилар.

Семинарларни ёки шу каби суҳбатларни «Т» шаклида жойлаштирилган стол-стулларда ўтказиш ҳам фойдали, лекин думалоқ шаклда жойлаштирилган стол-стулларда мулоқотлар жуда самаралидир.

Визуал мулоқотда «кўз контакти» белгилар тизими ҳам қўлланилади. Ушбу тизим педагоглар, раҳбарлар иш фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қизиқарли белгилар тизими сифатида мулоқот жараёнида гул, фототасм ва бонқаларнинг фойдаланиши мумкин. Охтимоқ гуллар орқали ишончлар маълум бир маълумотни узатиш имкониятига эгалар.

Бу ҳол ўз тарихига эга.

Гуллар тили қадимда Шарқда пайдо булган. Уни аёллар яратишган. Ўз юзларини очиш имкониятига эга бўлмаган аёллар, ўз ҳисларни ва кайфиятларини гуллар орқали ифодалашга ҳаракат қилганлар. Ассоциация сифатида пайдо булган белгилар қатий одатларга айланган. Масалан, азалия гули — соғинч, ёлғизлик, гнацинт гунчаларнинг сони учрашув кунини, қунгироқ гуллар сони учрашув вақтини аниқлатган.

XIX асрда гуллар тили Франция, сўнг Англия ва бутун жаҳонга тарқалган. Аста-секин гуллар тили билан ранглар тили ҳам юзага келди. Жумладан, Европанинг кўп давлатларида спёх ранг дўстлик, ҳашаматлилик, тўкишлар рамзи бўлса, Японияда — гам, оғриқ белгиси бўлган. Ҳар қайси ранг маълум ҳолат, кайфият маъноси аниқлади. Жумладан, қизил ранг — ҳаёт, севги; пушти — ёшлик; сариқ — бахт, қуён, тўй, хурсандчилик; яшил — тинчлик, хотиржамлик; кўк — ишонч, вафо; қора — таптанаворлик, қайғу; оқ — поклик, беғуборлик рамзи сифатида тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг байроғи ҳам ўз рамзига эга; ҳаво ранг мовий осмон ва тинч сув, ер ва осмон рамзидир. Ҳаво ранг Амир Темури даврининг асосий белгисидир. Оқ ранг — кенглик, тозалик, қизил ҳаёт ва она тунроқ, яшил табиат, ҳаёт уйғониш рамзи сифатида ўз ифодасини тошган.

II. Мулоқот ўзаро биргаликдаги ҳаракат сифатида (мулоқотнинг интерактив жиҳати)

Мулоқотнинг ушбу характеристикаси инсоннинг ўзаро хатти-ҳаракатлари биргаликдаги фаолиятлари билан характерланади.

Инсонларни ўзаро фаолияти ва мулоқоти ижтимоий назорат асосида юзага келиб, у ижтимоий нормаларга суянади.

Ижтимоий назорат ўзаро ҳаракат жараёнида мулоқотта қирқувчиларни маълум ролларини ифода этишда намоён бўлади.

Рол – ҳуқуқ-атворнинг норматив қўлланиладиган намунаси бўлиб, у ҳар бир одамни жамиятдаги ўрнидан келиб чиқади. (масалан, ўқитувчи – ўқувчи ролни, врач ва касал ролни, ота ва бола ролни, раҳбар ва ходим ролни ва ҳ.к.).

Ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг қуйидаги турлари мавжуд – кооперация ва конкуренция (рақобат).

Кооперация (ҳамкорлик) – фаолиятни ташкил этиш формаси бўлиб, маълум кишилар гуруҳи биргаликда битта ва турли бир-бир билан боғлиқ фаолият жараёнларида иштирок этадилар.

Конкуренция (рақобат) – икки ва ундан кўп биргаликда ҳаракатланаётганларнинг ҳолати бўлса, унда бир мақсадни қўллаётган, бир-бирига қарама-қарши ҳаракатланаётганлар назарда тутилади. Бунда ўзаро ҳаракат жараёнини бузилиши шахслараро муносабатларда низо, можорани)

юзага келтиради. Низо, можоро уш юзага келтирувчи омилга (турли қараш, қадрият, мотив) мазмунга (шичан ёки шахсий), эффе́ктта (таъсир) қараб турлича бўлиши мумкин. Низолар гуруҳ ичида ва гуруҳлараро бўлиши мумкин.

Албатта қарама-қаршилик ривожланишининг (мезониларидан) бир томонидир. Унинг ўзига хос ипобатга олиниши лозим бўлган сифати мавжуд, бу : инсонлар билан мулоқотдан қониқмаслик, фикрлар қарама-қаршилиги, шахсий ва гуруҳий нормалар орасидаги номуносивблик бўлиши мумкин.

Инсондаги ахлоқий барқарорлик низо вақтида ахлоқий қарор қабул қилиш имконини беради.

Низони бартараф этиш – муносабатларнинг ривожланиши ҳолати бўлиб, инсон бу характери бўйича низоsiz эмас, балки низога тайёр бўлиши лозим. Зеро, инсон низони тўғри қабул қилиш ва унга пешвоз чиқиши лозим. Низолни вазиятларнинг ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамияти мавжуд.

III. Мулоқот инсонларни бир-бирини идрок этиш жараёни сифатида

(мулоқотнинг перцептив томони)

Кўн ҳолларда инсонларни бир-бирларини идрок этишлари «ижтимоий перцепция» сифатида намоён бўлади. Аммо, мулоқотнинг ушбу жиҳати ҳақида гап кетганида ижтимоий перцепция ҳақидагина эмас, балки шахслараро перцепция ҳақида гапириш лозим.

Рус психологи А.А. Бодалев «инсонни инсон томонидан идрок этилиши»га синоним равишда «инсоннинг бошқа инсонни билиши» иборасини қўллайдди. Инсон жамиятда шахс сифатда қабул қилингани сари, мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л. Рубинштейн айтганидек: «Биз инсонни ташқи ҳулуқ-атворига қараб уни ўқиймиз».

«Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади» - деб ёзган эди Л.С. Виготский.

Инсонни инсон томонидан идрок этилишида энг камда икки киши жазб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. Демакки, ўзаро идрок жараёнида иккала томон бир-бирининг аҳтиёжлари мотивлари ва йўналишларини билишлари ва ўзларини қарама-қарини томон ўрнига қўй олишлари лозим. Ўзини бошқа инсон таҳлил қилишнинг ўз ичига идентификация ва рефлексияни киритади.

Идентификация -- бу инсоннинг бошқа одамни англаш орқали тушуниш усулидир.

Идентификация ва эмпатия ўртасида катта узвий боғлиқлик мавжуд.

Эмпатия -- инсонни бошқа одам томонидан тушунилишининг ўзига ҳос усулидир. Бунда инсонни эмоционал муаммоларига ёнданиши тушунилади. Бу бошқа одам ҳиссиётлари ва кечнималарига ҳамдард бўла олинди. Бир томондан объектни тушуниш, уни ўрнига ўзини қўя олиши муҳим бўлса, иккинчи томондан унинг ички ҳиссиётларини тушуниш унга ҳамдард бўла олиш ҳам муҳимдир.

Униси ҳам буниси ҳам катта аҳамиятта эга.

Инсонларда мулоқот жараёнида мени қандай тушунишар экан? деган савол ҳам мавжуд бўлиб, бундан ўзаро ҳаракатлар натижаси ўз ифодасини тонади.

Бу ҳодиса рефлексия дейилади. Ижтимоий психологияда «рефлексия» деган ҳаракатланаётган индивидни ҳаракат жараёни ҳамда, мулоқотда қандай қабул қилиниши тушунилади. Бу энди бошқа одам мени қандай тушунар экан, деган саволга жавобгина олиши эмас, балки иккиланган жараён бўлиб, унда чуқур ўзаро аке, инсонни ички дунёсини тушуниши ва унга таъсир этишидир.

Инсонни инсон томонидан идрок этилишида йўналтиришнининг роли каттадир. Бу айниқса, номатълум инсон ҳақида илк фикрларни олинда муҳимдир. Бу борада А.А. Бодалевнинг ўтказган тадқиқотлари инҳоятда аҳамиятлидир. Икки гуруҳ талабаларига бир инсон расми берилади. Биринчида расмда берилган инсон жиноятчи деб, иккинчи гуруҳда эса расмдаги киши йирик олим деб эълон қилиниб, уларга портретни ёзма ифодаланган вазифаси берилади. Биринчи ҳолатда қуйидаги характеристикалар берилади: кўзларни ичига кириб кетгани, ички алам, қасосдан, узун даҳан бошлаган иши, жумладан жиноятни якунига етказиш кабилар эканлиги қайд этилади.

Иккинчи гуруҳда ичига кирган кўзлар фикрининг чуқурлиги ҳақида гапириб, бунда узун даҳан — қийинчиликларга бардошлилик, продалилик сифатида баҳоланган.

Психологияда одамларни одамлар томонидан идрок этилишининг «эффектлар» билан боғлиқ бўлган хусусий жиҳатлари ҳам аниқланган.

Уларга: орсол (ёруғлик), «янгилик ва бирламчилик» ва стереотипизация эффектларини кириштириш мумкин.

«Ореол» (нур) ёруғлик эффекти шундай хусусиятки, бунда инсонга у ҳақида тасаввур қилинган сифатлар яхлит образ сифатида қабул қилиниб, ҳақиқатда мавжуд бўлган хусусиятларни кўришга ҳалақит беради.

«Бирламчилик ва янгилик» эффектларда инсонни идрок этишда илк маълумотларнинг қайта тикланиши ва у ҳақидаги маълумотлар олдингиларга нисбатан аҳамиятлилиги қайд этилади.

Юқорида айтылган эффектларни стереотипизация ўзига хос ҳолда тўлдириб туради. Стереотип — ўзига хос тасдиқланган инсон ёки ҳолатнинг образи бўлиб, у мулоқот жараёнида қандайдир қисқа фикр, хулосаларга асос солади. Масалан, ўқитувчиларни ҳаммаси ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилса, бухгалтерларни ҳаммаси вазифани вақтида бажаради ва ҳ.к.

Стереотипизациянинг ўзига хос салбий томонлари мавжуд. Zero, у айниқса этник гуруҳларда тарқалган бўлиб, кўп ҳолатларда кичик этник гуруҳларни таҳқирланишига сабаб бўлади. (Масалан, шу кунгача ҳам Америкада қора таъли кинилар ақлий ривожланиши паст деган қарашлар мавжуд.)

Мулоқот жараёнида инсонга таъсир ўтказишнинг психологияк усуллари мавжуд бўлиб, уларга юқиш (таъсирланиш), уқтириш, иймони комиллик, танқидчанлик киради.

Юқини (таъсирланган) – оғирлаш билмаган, англамаган ҳолда индивидларнинг ҳаракати, ҳолати бўлиб, унга саросима мисол бўла олади. Саросима маълум бир эмоционал ҳолат бўлиб, у маълумотнинг етарли , тушунарли эмаслиги ёки жуда кўпчилиги натижасида ижтудга келади.

Катта шов-шув оммавий саросимага 1938 йилнинг 30 октябрида АҚШ нинг Эл Би Си телерадиокомпаниясининг Г.Уэлсинг «Дунёлар уруши» китоби бўйича тайёрланган эшиттиришдан кейинги ҳодисаларни мисол тариқасида келтириши мумкин. Бунда тахминан 1 миллион 200 минг киши марсиликларнинг Ерга қилини мумкин бўлган ҳатти ҳаракатларини ўйлаб, оммавий психоз ҳолатига тушганлар.

Уқтириш- шундай таъсир усулики, унда мақсадга қаратишган таъсир инсонга инсон томонидан амалга оширилади.

Иймони комиллик – инсонни мустақил фикр юритини ва бир фикрга келини бўлиб, бунда маълумот қабул қилувчи маълумот қабул қилибгина қолмай, унга ўз фикри, қарашини ва ҳулосаларини киритилади. Иймони комиллик бу ақлий таъсир, уқтириш эва эмоционал продавий таъсирдир. Иймони комиллик азалидан халқимиз орзуси, маънавиятининг бир қисми бўлиб келган. Бу гоё буюк мутафаккирлар Абу Наср Фаробий,

Алишер Навоий кабиларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Тақлидчанлик инсонларни жамоадан ташқарида бир-бирига таъсир этиш механизми бўлиб, албатта бунда жамоанинг роли ҳам инкор этилмайдди. Уни ўзинга хос хусусияти шундаки, инсонлар фақат хусусиятларигагина эмас, балки хатти-ҳаракатга тақлидин ҳам намоён қиладилар. Тақлид болалик даврига хос хусусият бўлиб, у борлиқни биланш, англаш ва ўзлаштириш сифатида намоён бўлади. Бунда болаларда тўғридан-тўғри нусха кўчириш мотивланган тақлидчанлик кузатилади. Кўп ҳолларда катталарда тақлидчанлик таъсирининг бошқа усулига ўтмаган ҳолларда ишлатилади.

Педагогик мулоқот – педагогик таъсирининг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим-тарбия жараёнида профессионал мулоқати бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув тарбиявий таъсир ўтказилади.

Бунда икки ёқлама мулоқот юзга келини лозим. Унинг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади.

Педагог ўқувчилар билан мулоқотта кичиниши жараёнида улардан ҳурмат кутади. Ўқувчилар ҳам ўқитувчидан ҳурмат ва ишончини талаб этадилар. Бу педагогик таъсирда самарали йўл бўлиб, тажрибали педагоглар болани ўз-ўзини ҳурматлашга асосланган ҳолда муносабатларни ташкил

этадилар ва ва шу орқали мустақкам ўзаро муносабатларни амалга оширадилар.

Афсуски, бугунги кунда мактабларимизда матъмурнй-буйруқбозлик усуллари тез-тез учраб турмоқда. Бу ҳақда Президентимиз И.А. Каримов «Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи хукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтирган нарсаин талаб қилади. Принцип ҳам тайёр « Мени айтганим айтган, деганим деган» ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда тажрибамизда унга рноя «тмаймиз» деб жон кўйдирганлари бежиз эмас, албатта.

Матъмурнй буйруқбозликдан воз кечиб, педагогик ҳамкорликка ўтиш учун ўқув тарбиявий жараёнининг муаммоларини ҳал этишининг энг самарали йўлидир.

Мулоқотнинг ўзинга хос даражалари мавжуд. Психологияда у учта : макро, мезо ва микро даражалардир.

1. макро даражада (катта) – инсонлар билан мулоқот қилиш барча одоб-ахлоқ нормаларига сунган ҳолда амалга оширилади.
2. мезо даражада (ўрта) – мулоқот матълум мавзу асосида кечади. (масалан аскияда матълум мавзудан чекинамаслик)
3. микро даража (кичик) – мулоқотнинг оддий формалари, савол-жавоб тариқасида юз беради.

Мулоқот турлари:

- шахслараро (инсон-инсон)
- шахсий-гурухий (гурух-гурух) (масалан, хоккей ўйини)
- оммавий коммуникация (радио, телевидение, рўзномалар ва журналлар).

Қайтариш учун саволлар

1. “Мулоқот” тушунчасини ёритиб, уни инсон шаклланишида ролинини тушунтириб беринг.
2. Мулоқотнинг асосий функцияларини айтинг.
3. Педагогик мулоқот деганда нимани тушунасиз?
4. Вербал ва повербал нутқ воситаларини айтинг.
5. Нутқ функциялари нимадан иборат?
6. Идентификация деганда нимани тушунасиз?
7. Рефлексия моҳиятини очиб беринг.
8. Стерсонтишизация нима ва уни мулоқотдаги роли нимадан иборат?

VII БОБ. Шахе

Режа:

1. Шахе ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик.
2. Шахе структураси.
3. Шахснинг асосий назариялари.
4. Шахснинг намоён бўлиши.
5. Шахе шаклланиши ва ривожланиши.

Шахе мавзуси психологияда энг долзарб ва доимо инсонларда қизиқниши уйғотадиган мавзулардандир.

Аввало, «индивид», «шахе», «индивидуаллик» тушунчаларини кўриб чиқайлик.

Индивид – алоҳида олинган одам бўлиб, у ўз ичига биологик, физиологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни жамлайди.

Инсон индивид бўлиб туғилиб, шахс бўлиб шаклланади.

Индивид бўлиб туғилган инсонни шахсга айланиши учун нималар зарур?

Бунинг учун қуйидаги шартлар зарур:

1. **Ижтимоийлик.** Инсон шахс сифатида аввало мўл ҳаёт шарт-шароитда, яъни инсонлар жамиятида шаклланади. Хўш, мн инсонлар жамиятига хос бўлмаган шарт-шароитда қандай намоён бўлади?

XX аср бошида хинд психолог-врачи Рид Сикс бир қишлоқ яқинида инсонга ўхшаш тўрт оёқлаб юрувчи икки сирли жонивор мавжудлиги ҳақида маълумот олади. Уларни кузатишга муваффақ бўлишади. Қўнларининг бирида Сикс бошчилигидаги овчилар бўрилар уясида бўри болалари билан бирга икки қизчани, бири саккиз, иккинчиси бир ярим ёшли, чиқаётганини кўришади. Сикс қизчаларини ўзи билан олиб келиб, тарбияламоқчи бўлади. Улар тўрт оёқлаб югуришар, одамлардан қўрқишар, яширинишча уришишар, кечалари увиллашар эди.

Кичиги – Амала – бир йилдан сўнг вафот этган. Каттаси – Камала – жа ўн етти ёшгача яшади. Тўққиз йил давомида Камала бўриларга хос хатти-ҳаракатларни унутиши ва инсонга хос одатларини эгаллашга ўргатилади, лекин жуда шонилганида у тўрт оёқлаб ҳаракатланар эди. Лекин Камала қийинчилик билан фақатгина 40 тагинна сўзини ўзлаштирди.

Демак, инсон психикаси фақат инсонга хос ҳаёт тарзидагина юзага келар экан.

1

2. Онгга эга бўлиш (атрофдаги билимларни эгаллаш, фаолият мақсадини шакллантириш, муносабатларга хис-туйғуларни киритиш).

3. **Фаоллик.** ш. фаолиятида олдинга қўйилган мақсадга эришишга йўналганлик. >Инсон Homo sapiens (онгли инсон) сифатида юқори ривожланган нерв тизмига эга бўлиб, ўта фаолдир. <Инсоннинг шахс даражасидаги фаоллиги инсонларни буйсуқдиришга, ўз мақсадларига эришиш мақсадида фойдаланишга, ўз фаолиятини ўзгартиришга қодирдир. > Хўш, инсон фаоллигининг омили нима? Инсон фаоллиги қандай пайдо бўлади?

4. Инсонни фаолликка ундовчи нарса **эҳтиёждир.** Аввалом бор бу, маънавий, маданий эҳтиёжлар ва ўз-ўзини ривожланиши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлардир. >

Эҳтиёж – инсон онгида қандайдир предмет ва ҳодисаларга нисбатан заруриятни аке эгтиришидир. Психологияда қуйидаги асосий эҳтиёжлар ажратилади – табиий, моддий, маданий, маънавий, ижтимоий. > Табиий ва моддий эҳтиёжларини қондирилиши инсон ва ҳайвонларнинг мавжуд бўлишини татминлайди.

Ижтимоий эҳтиёж бу- баҳо олишга нисбатан эҳтиёжни. Бирон бир гуруҳ аъзоси бўлишга ҳаракатини, шунингдек раҳбар ва буйсуқувчи муносабатларининг аҳамиятчилигини ўз ичига олади.

Маданий ва маънавий эҳтиёжлар инсон учун зарур ҳисобланиб, уни ҳар томонлама ривожланишини, маънавий бойлиги ва ахлоқий гўзаллиги учун хизмат қилади. Меҳнатга бўлган эҳтиёж, эстетик завқланиш ва бошқа ҳодисалар инсон ҳаёти ва ривожланишида етакчидир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларидан бири – меҳнат қилиш эҳтиёждир. Усиз инсонни нормал ривожланиши мумкин эмас. Меҳнат асосида инсон шахс сифатида таркиб топади.

Шахс тушунчасига психолог-олимлар томонидан берилган қатор (50 га яқин) тавсифлари мавжуд.

Шулардан мисоллар келтирамыз:

«Шахс – ижтимоий муносабатларининг субъекти ва объектидир»
(А.Г.Ковалёв)

«Шахс индивидлараро муносабатларининг субъекти сифатида»
(А.В.Петровский)

«Шахс – жамиятда ўз ўринини англовчи фаолиятга қодир аъзосидир»
(К.К.Платонов)

«Шахс – фаолият субъектидир»
(А.Н.Леонтьев)

«Шахе – ташқи хатти-ҳаракатларни ўзгартирувчи ички шароитлар йиғиндиси»

(С.Л.Рубинштейн)

Жуда кўнлаб таъриф ва тушунчалар орасида америкалик психолог Г.Олпорт (1897-1967)нинг таърифи эътиборга моликдир: «Шахе – бу ҳаёт жараёнида шаклланувчи индивидуал ўзига хос психофизиологик тизимлар – шахе хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, у асосида ушбу инсонга хос тафаккур ва ҳулиқ-атвор юзага келади».

Шундай қилиб, шахе бу – жамият аъзоси бўлиб, у индивиднинг психофизиологик тизимининг динамик ташкил этувчиси бўлиб, бу унинг хатти-ҳаракати ва тафаккурини белгилаб беради.

Индивидуаллик – бу инсоннинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари бўлиб, улар асосида инсонлар бир-бирларидан фарқ қиладилар.

«Индивидуаллик – бу ўзига хосликка эга бўлган шахсдир»⁵

Бу шахсни атрофдагилардан фарқлаб турадиган нарса бўлиб, унга: ақлининг, хис-туйғунининг, прода ва бошқа хусусиятларини ўзига хослини фаолиятида намойиш бўлиши киради. У инсонни ижодий қобилиятлари, уни ижтимоий фаолигини, оригиналлигини ва ҳ.к.ни намойиш қилишига имкон беради.

ШАХС СТРУКТУРАСИ

Шахе структураси ўз ичига: темперамент, йўналганлик, характер, қобилиятлар каби ўзаро муносабатдаги компонентларни киритади.

Бундан ташқари шахе структурасига психик жараёнлар ва психик ҳолатлар, табиий ва ижтимоий ўзаро боғлиқ хусусиятлар киради.

Барча Россия психологлари шахе структурасидаги етакчи компонент деб йўналганликни оладилар.

Энди кенг тарқалган ва маълум шахе структураси ҳақидаги фикрларни кўриб чиқайлик.

А.В.Петровский шахе 3 та таркибий структурасини ажратди:

1. Индивиднинг ички тузилмаси (интраиндивидлик) – у инсонни темпераменти, характери, қобилиятини тузилишида ўз аксини тониб, у зарур, лекин шахе психологиясини биши учун етарли эмас.


2. Шахсини реал мавжуд бўлиши уни предметлар билан фаолият жараёнидаги муносабатини ўз ичига олиб, инсонни маълум характеристикаларини «фазо»да индивидни органик тапасидан ташқарида излаш лозим бўлиб, у шахсининг интериндивид тузилмасини ташкил этади.

⁵ Ковалёв А.Г. «Психология личности». М.: 1970, 20-стр.

3. Индивид усти (метаиндивид) тузилма марказида инсонни фаолият жараёнида инсонлардан мулоқот жараёнида бошқаларга таъсир ва бошқалардан олинадиган таъсир сифатида намоён бўлиб, у персона равишда намоён бўлади.

Шундай қилиб А.В.Петровский ўз структурасига ўч тузилмани киритган; бу: шахс индивидуаллиги, уни шахслараро муносабатларда намоён бўлиши ва бошқа инсонларга таъсир эта олиши бўлиб, шахс доимо шу учунда намоён бўлиши ва индивидлараро, ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши лозим.

С.Л.Рубинштейн бўйича шахс структураси қуйидаги кўринишга эга:



А.Г.Ковалев бўйича шахс структурасининг кўриниши қуйидагича:

2 – схема

Инсон йўналганлиги, атрофга бўлган муносабатда намоён бўлади. У ўз эҳтиёжларини қизиқишларини, ақлий ва назарий йўлланмани олади. Етакчи йўналганлик шахсни психик фаолиятини белгилайди.

Имониятлар ўз ичига қобилиятларни киритиб, улар фаолиятини таъминлайди. Турли қобилиятлар ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирига таъсир этади.

Характер ижтимоий муҳитдаги хулқ-атвор услубини белгилайди. Унда инсонни маънавий ҳаётини мазмуни ва формаси намоён бўлади. Характер тузилишида иродавий ва ахлоқий сифатлар ажратилади.

Машқ тизими. Ўз-ўзин бошқаришни юзаги келтиради ва у ҳаёт ва фаолиятда намоён бўлади.

К.К.Платонов бўйича шахс структураси қуйидаги схемада ўз аксини тошган бўлиб, у динамик функционал мавжуд бўлган 4 та тизимани ўз ичига олади:

3 схема

Йўналганлик тизимаси.

Шахснинг ахлоқий сифатлари ва муносабатларини бирлаштиради. Бу ҳодисаларнинг даражаси, кенглиги, интенсивлиги, барқарорлиги ва мавжудлигига ажратилади. Йўналганлик формаларида муносабатлар ва ахлоқий сифатлар мавжуд

Ижтимоий тажриба тизимаси

Ўз ичига билим, кўникма, малака ва одатларни киритади ва улар билан олиш натижасида орттирилади. Ўқини йўли билан шахсий тажрибада билим, малака ва одатлар таркиб тонади.

Акс этини тизимаси (психологик)

Алоҳида психик жараёнларни индивидуал хусусиятларини киритиб, улар ижтимоий ҳаёт жараёнида шаклланади.

Биологик боғлиқлик тизимаси

Шахснинг тиологик хусусиятларини бирлаштиради ва бунда жинс ва ёш хусусиятлари ажратилади.

К.К.Платонов шахс структурасидан кўриб туришибдики, у 4 та тизимани шахс структурасида ажратади:

1-чи тизилма – ижтимоий-боғлиқ хусусиятлар ва ахлоқий сифатлар.

2-чи тизилма – шахснинг тайёргарлиги (билим, малака, кўникма ва одатлар)

3-чи тизилма – шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари, билиш жараёнлари (сезги, идрок, тафаккур, ҳаёл, хотира, диққат).

4-чи тизилма – биологик шартлашган хусусиятлар бўлиб олий нерв фаолияти, темперамент қобилият.

Бундан ташқари ўз шахс структурасига К.К.Платонов 2 жиҳатни (шахснинг умумий хусусиятлари) – бу характер ва қобилиятни киритади.

Шахс йўналганлиги – бу барқарор мотивлар йиғиндиси бўлиб, шахс фаолиятини белгилайди.

Шахс йўналганлиги қизиқишлар, дунёқарани, эътиқод, интигани ва идеалда характерланади.

Қизиқиш — билиш эҳтиёжини намоён бўлиш формаси бўлиб, у янги фактлар билан танишшига, ҳамда борлиқни аниқ, чуқур ва тўлиқ ахс этишга ёрдам беради.

Субъектив қизиқини эмоционал тонда намоён бўлиб, у билиш жараёнида орттирилади. Қизиқинини қондирилиши интилишини сўндирмайди, аксинча янги янада юқори даражадаги билими фаолиятини қондирадиган қизиқинини юзага келтиради. Қизиқини ўз динамикасида фаолиятини амалга оширадиган йўналганликни юзага келтиради.

Қизиқиш бевосита, объектининг қизиқарлиғи билан юзага келган ва бевосита фаолият максалдига эришини воситаси сифатида юзага келади.

Қизиқинининг барқарорлиғи унинг давомийлиғи ва интенсивлиғида намоён бўлади. Қизиқинини доимийлиғи ва барқарорлиғи фаолият жараёнида қийинчиликни енгиндан далолат беради. Қизиқинининг кенлиғи ва торлиғи қизиқинининг мазмуни ва шахс ҳаётидаги ўринини кўрсатади.

Дунёқараш — инсонни қарашлари тизими бўлиб, унда инсонни атрофдаги дунёга қарашини ва бу дунёда ўзининг ўринини англаш, кишиларга бўлган муносабати, ҳаётий позицияси, идеаллари, эътиқодлари, қадриятлари ва принциплари намоён бўлади.

Дунёқараш бу ахс этиш бўлиб, унда оламиш умумий тушуниш намоён бўлади ва у ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний, эстетик ва илмий-назарий йўналганликни аниқлайди.

Эътиқод — инсонни англаган эътиёжи бўлиб, у фаолиятта ундайди.

Идеал — бу намуна, интилишларнинг энг юқори чўққиси. Идеалларни шакллантирини ёни аклудин тарбияландаги асосий вазифалардир.

Интилиш — бирламчи қизиқини, эҳтиёжини хиссий кечирилиши, объектта интилишидир. Интилиш динамик тенденция сифатида хошиш, майли сифатида намоён бўлади.

ШАХС МУАММОСИНИНГ АСОСИЙ НАЗАРИЯЛАРИ

Шахс муаммоси психологияни тадқиқ этиш тарихида учта даврга ажратилиши мумкин:

Бу фалсафий-адабий, клиник ва тажриба. Фалсафий-адабий давр антик файласуфларнинг қарашларидан бошланиб, ўз ичига Шарқ мутафаккирларининг фикрларини қамраб олади (Ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Бобур, Умар Хайём ва ҳ.к.) ва XIX асрнинг бошигача давом этади. XIX асрнинг биринчи ўн йиллиғида фалсафий қарашлар билан бирга шахс муаммосига психиатр врачлар қизиқишлари юзага келди. XX асрнинг

биринчи ярмида шахс муаммосига профессионал психологлар эътибор бера бошладилар. Экспериментал тажриба даври психолог-олимлар А.Ф.Лазурский, Г.Айзенк, Г.Олпорт, Р.Кеттел ва бошқалар номи билан боғлиқдир.

XX асрнинг 30-йилларида психологияда шахсни фаол дифференциал тадқиқ қилиш бошланди. Бунинг натижасида 50 га яқин йўналишлар юзга келди. Шахс назарияларини замонавий классификацияси қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Психодинамик назария, шахсни ва уни ҳуқ-атворини уни психологик, ички, субъектив характеристикаларидан келиб чиққан ҳолда изоҳлашда ифодаланади.

2. Социодинамик назарияда асосий ўрин ҳуқ-атворининг детерминациясига ажратилади ва бунда ташқи омиллар эътиборга олинади.

3. Интеракционистик шахс назарияси ички ва ташқи омилларини ўзаро таъсир омилига асосланади.

4. Шахсни экспериментал (тажриба) назарияси, тажриба асосида аниқланган омилларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга қаратилгандир. Ушбу назарияга структурали назариялар ҳам кириб, ундаги асосий муаммо шахс структураси ва унинг тушунчаларидир.

5. Экспериментал бўлмаган назария ўз муаллифларининг ҳаётий тасаввурларига, кузгитуклари ва тажрибаларига асосланиб, тажрибага суянмасликка асосланади. Бу назария гуруҳига динамик назария кириб, унинг асосий мавзуси – шахсни ривожлантиришда ўзгартириш, яъни унинг динамикасидир.

Бу классификация асосида энг кенг тарқалган назарияларини кўриб чиқайлик.

1. Америкалик психолог Г.Олпорт «сифатлар назарияси»га асос солади. Ана шу назария асосида Р.Кеттел тажриба тадқиқотларини ўтказиб, шахсни фактор тахлифини, шахс сифатларини аниқлайди ва қатор тестларини (Кеттелнинг 16-факторлик тести) ишлаб чиқади.

2. «Сифатлар назарияси»га альтернатив равишда «ижтимоий ўқув назарияси»ни юзга келади. Ушбу назарияни асосини ягона хатти-ҳаракат ёки хатти-ҳаракат тўлими ташкил этади. Шахсни ҳуқ-атворига атрофдаги инсонларнинг ижтимоий таъсири мавжуддир.

3. З.Фрейд томонидан ишлаб чиқилган психоаналитик назарияга асосан инсонни ички психик хусусиятларини изоҳлаш муҳимдир. З.Фрейд инсонни ўз-ўзини англашни муз бўлагига (айсбергга) ўхшатади. Инсон қалбида юз бераётган энг аҳамиятсиз нарсагина шахс учун муҳимдир ва у англанади. Қолган хатти-ҳаракатларни инсон тушуниш, англаш

инкошнатиға эга эмас. Фрейд фикрича шахс структураси уч асога эга: У «Мен», «У (оно)», «Ўта-Мен», - онгизлик бўлиб, унга қизиқишлар, мотивлар ва эҳтиёжлар киради.

«Мен» - онглилик, «Ўта-Мен» - онгистлик ва онгости ҳолатида мавжуд. «У (оно)» - завқланиш принципиға асосан ҳаракатланади. «Мен» реалистик принципиға ва «Ўта Мен» идеал тасаввурларига суянади.

4. Гуманистик (инсоншарварлик) психологиясининг вакиллари ҳам ўзига хос шахсга ёндашувиш тавсия этадилар. Ушбу назария тарафдорлари шахсни ўз ҳаётидаги реал воқеаларни қандай қабул қилиш, тушуниш, тушунтириш билан қизиқадилар. Улар шахс феноменологиясини психологиянинг афзал кўрадилар. Ушбу назариянинг тарафдорлари америкалик психологлар А.Маслоу ва К.Роджерслардир.

5. Россия психологлари томонидан (А.Н.Леонтьев, Л.И.Божович) шахс психологиясини тадқиқ қилиш бўйича қатор изланишлар олиб борганлар. Хусусан, Л.И.Божович, Л.С.Виготскийнинг етакчи фаолият ва ижтимоий вазиятнинг ривожлантириш назариясига асосланиб, болаши борлиққа бўлган муносабати ва ички позициясини ўзгича фаолият ва шахсларга муносабатга асосланиб ёш даврларига бўлиб тадқиқ қилади.

Ушбу позиция шахснинг асосий характеристикаси бўлиб, уш ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

А.Н.Леонтьев ўзининг шахснинг ривожланиши ва структураси концепциясида асосий ўринни фаолиятга ажратади.

Унда шахснинг асосий характеристикаси сифатида унинг мотивацион сифати олиниди. Шахс фаолиятининг тури қанчалик ранг-баранг бўлса, шахс шунчалик маънавий бой бўлади.

Охириги ўн йилларда шахсни синтезлашган яхлитлигини кўриб чиқниш йўналишлари турли назария ва ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинди.

Ушбу концепциялардан бири америкалик психолог Э.Эриксон назариясида ўз аксини топган. Ушбу назарияда генетик намоён бўлишни эпигенетик принципиға асосланиб, ёш даврларини туғилгандан то умриши охиригача таҳлил қилинган. Э.Эриксон шахс ривожланишида 8 та ҳаётний психологик инқиروزларни кўриб чиқади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Ишонли ва ишонмаслик инқирузи (ҳаётнинг биринчи йили давомида).

2. Автономия ва уят ҳолида иккиланиш, шубҳаланишга қарама-қаршилиқ (2-3 ёшлар орасида).

3. Айбни хис қилишга қарши ташаббусни намоён бўлиши (3 дан 6 ёшгача бўлган давр).

4. Тўла қийматга эга бўлмашлик комплексига қарши меҳнатсеварликни намойиш бўлиши (7-12 ёшгача).

5. Индивидуал комформизмга қарши, шахсий-ўз-ўзини англаши (12-18 ёшгача).

6. Шахсий психологик яққаланишга қарши муомалалик (20 ёшга яқин).

7. Ўз-ўзини ўйлашга қарши ёки келажак авлод ҳақида қайғуриши, гомхўрлик қилиш (30 дан 60 ёшгача).

8. Қайғуришга қарши кечирилган умрдан қониқлиши (60 дан катта).

Э.Эриксонни концепциясига асосан шахсий таркиб топшиши бир-биридан сифат жиҳатидан фарқли даврларини босиб ўтти билан боғлиқ бўлиб, бунида инсонни ички дунёси билан уни борлиққа бўлган муносабати тубдан ўзгаради.

Э.Эриксон ўз концепциясида шахс ривожланишида икки бир-бирига қарама-қарши : нормал ва аномал турларини тасвирлайди. Қуйида Э.Эриксоннинг инсонни шахс сифатида шаклланиши концепцияси схемаси келтирилади.

1 — Таблица

Э.Эриксон бўйича шахс ривожланиши босқичлари

№	Ривожланиш босқичи	Ривожланишнинг нормал чизиғи	Ривожланишнинг аномал чизиғи
1.	Илк гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача)	Одамларга ишонч, ўзаро муҳаббат, боғланиш, ота-онани тан олин, мулоқатда бола эҳтиёжларини қондириш	Опиани болага нисбатан ёмон муносабати натижасида инсонларга ишончсизлик, муҳаббатни йўқолиши, кўкрак сугидан эрта чиқиб кетиши, ёлғизланиши.
2.	Кечки гўдаклик (1 ёшдан 3 ёшгача)	Мустақиллик, ўзинга ишонч. Бола ўзинга мустақил, алоҳида шахс сифатида қарайди, лекин ҳали ота-онасига боғлиқ	Ўзида иккиланиш, улт хиссини хис қилиш, ўз қобилиятларидан шубҳаланади, ҳаётга мослашмаганини хис қилади.
3.	Илк болалик (3 ёшдан 5 ёшгача)	Қизиқувчанлик ва фаоллик, катталарга тақлид қилиш, фаол ҳаёт, ролли хатти-ҳаракат	Инсонларга нисбатан бефарқлик, ташаббусни сусайиши, бошқа болаларга нисбатан ҳасад, беқарор-

			лик, роллнй-жннсснй хатти-харакатнн сусайнши
4.	Ўрта болалик (5 ёшдан 11 ёшгача)	Меҳнатсеварлик, бурч хисси ва муваффақиятга эришиница иштиқини, билим ва коммуникатив қобилиятларни ривожланиши. Реал вазифаларни бажариши. Мақсадга йўналтирилган ўйин, предметли ҳаракатлар, тез ўзлаштириши	Шахснй камчиликларни хис қилиш, пассив меҳнат вазифаларидан қочини, комформлик, қулларга хос хатти-харакатлар
5.	Жисмоний стилини, ўсмирлик ва ўсиришлик (11 ёшдан 20 ёшгача)	Ҳаётнй ўз-ўзини англаш, келажакка режалар тузиш, қандай бўлиши? Ким бўлиши? каби саволларга фаол жавоб қидирини. Ўқини. Жннсснй стилини. Дунёқарашни шаклланишини. Ҳуруҳда сардорликка иштиқини	Ролларда иккиланиш, келажак ҳақида фикрларни араланишини, ўз-ўзини тушунириб олган ҳаракат. Меҳнат фаоллигининг сусайини. Жннсснй ролли хатти-харакатларда тушунмовчилик, дунёқараш ва ахлоқий нормаларда тушунмовчилик
6.	Эрта етуклик (20 ёшдан 45 ёшгача)	Одамларга яқинлик. Одамларга иштиқини, ўзини одамларга бағишлани хисси, хоҳиши. Болаларни туғилишини ва уларни тарбиялаш. Сенги ва иш, шахснй ҳаётдан қониқиши	Одамлардан қочини, айниқса яқинларидан. Характерда қийинчиликлар, тушунарсиз муносабатлар, психик ўзгаришлар, буида ташқи босимни хис қилини
7.	Ўрта етуклик (40-ёшдан 60 ёшгача)	Ижодкорлик устида ижоднй ишлаш, атрофдагиларни ижодкорликка ундаш. Етуқ, тўла ва рангбаранг ҳаёт. Оилавий ҳаётдан қониқиш. Янги авлодни тарбиялаш ва ўқитиш.	Худбинлик ва ўз-ўзига элтиборни қаратиш, ишда бесамарлик, эрта инвалидлик, ўзи ҳақида қайғуришини йўқолиши

8.	Кечки етуклик (60 юқори) ёндан	Ўтган умр ҳақида ўйлаш. Ўтган умрнинг қандай ўтган бўлса шундай-лигича қабул қилиш. Ўзидан ва ўтган умрдан қониқсин. Ўлимга тик қаран ва ундан қўрқмаслик.	Умрни бекорга ўтказганидан қайғуриши. Вақтини тез ўтаётганидан, ўзидан, бошқалардан қониқмаслик, умрни бошқатдан яшашга хоҳиш. Бу ҳаётда ҳамма нарса бетартиб эканлигидан ҳафа бўлиши. Ўлимдан қўрқини.
----	--------------------------------	--	---

Шахе ривожланишида америкалик психолог Э.Фроммининг ҳам ўз қарани мавжуд бўлиб, унингча шахе ривожланиши – бу ҳар бир инсонда мавжуд ажойиб имкониятларни тап олиниши ва ҳаётга тadbиқ этилишидир. Шахе эркин, юқоридан татавқисиз ривожланиши лозим. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек « ... ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан , онгли ҳаракат қилган инсонгина озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди.»

ШАХСНИНГ НАМОЎНИ БЎЛИШИ

Барча шахсга тааллуқли назарияларнинг асосида шахе интимоний-психологик феномен сифатида тап олинади ва у барқарор ривожланувчи хусусиятларга эгадир. Шахснинг барқарорлиги унинг ҳаракатларини кетма-кетлиги ва ҳулиқ-атворини қонуниятта асосланган характерини белгилаб беради. Энг барқарор хусусиятта туғма анотомо-физиологик лаёқатлар, нерв тузилмасининг хусусиятлари киради. Уларга темперамент, эмоционал реактивлик, экстрроверсия-интроверсия ва бошқа хусусиятлар кириши мумкин. Инсонни шахе сифатидаги барқарорлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, зарурият юзага келганда шахсни вазифага мослашувчанлиги ҳам жуда зарур хусусиятдир. Айниқса, бу жамиятда кескин ўзгаришлар юз бераётганда қараш, қадриятларин давр талабига асосан ўзгартира олиш, ўзинга хос шахснинг ижобий хусусиятидир. Агар инсон кечагидан кўра бутун бошқачароқ бўлса демак у ривожланишга. Республикамызда амалга оширилаётган таълим жараёнидаги ислохотлар инсонни ҳаётда ўз ўрнини топишни тезлаштиришга қаратилгандир.

Шахе ривожланиши ва шаклланишида ўзинга хос сифатлар мавжуд бўлиб уларга изоҳлар бериб кетамиз. Экстраверсия – инсон онги ва диққатини атрофга, ташқарига асосан ўзи атрофида бўлаётган нарсаларга

қаратилганлигидир. Экстрроверсия интраверсияга қарама-қарши бўлиб, интраверсия – бу оғир ва инсон қизиқишларини ўзига, ўз ички дунёсига қаратилганлигидир. Шахснинг намоян бўлишида йўриқ, кўрсатманинг ролш катта бўлиб, буида шахсни маълум хатти-ҳаракатлар ва **конкрет стимуллар реакциясига** тайёрлиги назарда тутилади.

Йўриқ, кўрсатмаларнинг турли турлари мавжуд – булар перцептив йўлланма (стимулга жавоб беришга тайёргарлик), назифани ситишга қаратилган йўлланма, функционал йўлланма, муқкул-най йўлланамасидир.

Ишонч – инсонни бирор-бир нарсага маълум аргумент ва фактларсиз қатъиятидир.

∠ **Рефлексия** – шахс онгини ўзига қарата олини лабқатидир.

Адаптивлик – адаптацияни енгиллаштиришга қаратилган, организмни мослашувчанлиги. Бу термин адаггги хуқ-атвор ибораси билан қўлланилини нормал ҳол сифатида қабул қилинади.

Ишонувчанлик – ҳолат бўлиб, тез қабул қилувчанлик, таъсирга кишини берувчанлиги ва уни психологияси ва хуқ-атворида маълум ўзгаришларни юз беришига сабаб бўлади.

Комформлилик – шахсий фикр, муносабат фикр ва хатти-ҳаракатга таниқи таъсирни киритиш тенденцияси) бўлиб бу тушунчадан фойдаланилинини уч модел мавжуд:

А) хуқ-атворда. Масалан: «суроҳга қўшилшиида, кўпчиликка ўхшаб ҳаракат қилишга илтилиш;

Б) муносабатда, таниқридан тадиқиқ ўтказилганда, ўзгаларнинг босими ёки таъсири натижаси билан боғлиқ бўлган муносабат;

В) шахс хусусияти сифатида.

Кўриниб турибдики комформлилик – бу боиқалар фикрини ташқари ҳолатда қабул қилиб, ичкари ҳолатда ўз фикрини тўғрилигидан қайтмасликдир.

Ўз-ўзига баҳо бериш – психологияда ўз шахсий психологик хусусиятлари ва фаиллатлари, ютуқ ва камчиликлари, шунингдек муваффақият ва муваффақиятсизликларини баҳолаш тушунлади) Ўз-ўзига баҳо бериш адекват, юқори ва паст бўлиши мүмкин. Буни шартли равишда:

$C = n$ (адекват)

$C > n$ (юқори)

$C < n$ (паст)

Буида - C – ўз-ўзига баҳо бериш, n – имконият.

Шахсда алоҳида элтиборга фрустрация хусусияти ҳам лойиш.

Фрустрация – шахсни ўз муваффақиятсизлигини чуқур эмоционал хис қилиши бўлиб, у иложсизлик, умидсизлик билан намоян бўлади)

Фрустрация – шахсни агрессив ёки апатик хулиқ-атвори сифатида кечади. Шу билан бирга шахсда толерантлик каби хусусият ҳам учрайди. Бу шахсни у ёки бу факторга бефарқлиги ёки муносабатининг мавжуд эмаслигидир. У уч турда намоён бўлади – муваффақиятсизлик, фикрловчи муносабат, пчки беҳаловатлик ва осойишталик.

Шахсининг ижтимоийлануви


Ижтимоийланиш – жараён бўлиб, у асосида индивид билим олади. қадрият ортиради. ижтимоий маъна ва сезгиранкин ҳамда мослашувчанликни намоён қилади. Ижтимоийланиш остида бола томонидан ижтимоий тажрибани ортириши, унинг ақлий, психик ва шахсий ривожланиши, таълим-тарбия остида шаклланиши, ижтимоий-ахлоқий қадриятларини ўзлаштириши, хулиқ-атвор норма ва қондаларини, дунёқарани ва эътиқодни таркиб топтириши назарда тутилган.

Ўз-ўзини аниқлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, шахс ўз ҳаётий йўлини, қадриятларини, ахлоқий нормаларини, касб ва ҳаёт тарзини мустақил аниқлаш имкониятига ҳам эга.

Шахс ўзининг психологик ҳолатини бошқариши, ўз имкониятларини ошириши, ўз фазилаатларга баҳо бериши, имкониятига эга.

Ўз-ўзини бошқариши – шахсининг ўз психологик ва физиологик ҳолати, хулиқ-атворини бошқаринидан иборатдир.

Ўз-ўзини ақтуаллаштириши – шахсни маънавий ривожланиши учун лаёқат ва қобилиятларини амалда қўлланшидир. Бу шахсининг доний маънавий ошириши ва ўз устида инланидир. А. Маслоунинг назариясига асосан шахсни ўз-ўзини ақтуалланиши ривожланишининг энг юқори чўқиқисидир, унда шахс потенциал тўла намоён бўлади. Бу А. Маслоунинг шахс эҳтиёжлари иерархиясида ўз аксини тошган.



Инсон эҳтиёжлари иерархияси (зинаяси). (А. Маслоу бўйича)

Шахснинг жамоадаги ўрни

Гуруҳ деганда психологияда инсонлар йиғиндиси тушунилиб, улар маълум умумийлик ёки умумий сифатлар асосида бириктирилади. Гуруҳда шахс маълум бир ўрнини эгаллайди. Инсоннинг ўзгалар кўзи ўнгидagi гуруҳ ички муносабатларида тутган ўрни шахс статусини дейилади. Инсонларни гуруҳда мавжуд бўлиши ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, бунда шахсларни бир-бири билан ҳамкорлик қилиши, инчан ва шахсий бир-бирини қўллаб қувватлани, психологик мослашувчанликдир. Гуруҳий фаолиятда психологик иқлимнинг аҳамияти катта. Ҳар қандай гуруҳни одатда сардор бошқаради.

Сардор — бу гуруҳнинг шундай аъзосики, унинг обрўси ва имкониятларини гуруҳ аъзолари сўзсиз қабул қиладилар ва бажарадилар.

Аmmo, гуруҳда келишмовчиликлар ҳам юз бериб туриши мумкин. Шахслараро келишмовчилик бу кишилар орасида қийин ечимга эга бўлган, бир-бирига мос тушмаслиги туфайли юзага келган муносабатдир.

Шахсни шакллантирувчи омиллар:

А) Ҳаётнинг шарт-шароити билан ўзаро муносабат (маданий, моддий ва ижтимоий)

Б) Ёш аснолда ижтимоий — тарихий тажрибаларни ўтказиш, инсон онги ва ҳуқ-атворига уни ҳаёт ва меҳнатга тайёргарлигини ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни таъминловчи тушунча, принцип ва қадриятларни шикдиршидан иборат бўлган тарбия.

В) Шарт-шароитни ўзгартириши билан шахс ҳам ўзгаради. (ривожланиш юзага келади.)

Г) Ўз-ўзини тарбиялаш — онгли фаолият бўлиб, инсонни шахс сифатида тўла намоён бўлишини таъминлайди. (ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш).

Шахсни ривожланишини ҳаракатта келтирувчи кучлар:

А) Фаолиятда ўзгарувчи эҳтиёжлар орасида қарама-қаршиликлар ва уларни қондириш;

Б). Фаолиятдаги фаоллик натижасида қондириладиган эҳтиёжлар асосида янги эҳтиёжларни юзага келиши.

Қарама-қаршиликларни енгини махсус усуллар, йўллар, ҳаракатлар, билим ва малакалар асосида, татлим жараёнида амалга оширилади.

Шахс шаклланишида етакчи ўрин — тарбияга ажратилади. Тарбия шахс ривожланишини ташкил этади, йўналтиради ва жамият талабларига мослаштирилади. Демокрит айтганидек: «Инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса тарбиядир». Бугунги кунда бизнинг вазифамиз Президентимиз

И.А.Каримов айтганларидек: «Билимга чанқоқ, пекъудодли ёшларни топиб уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялашдир.»

Қайтариш учун саволлар

1. Шахе тунунчасига тунунтирини беринг.
2. Шахе тизмидаги биологик ва ижтимоий томонларини бир-бирига боғловчи ва муносабатларини тунунтиринг.
3. Шахсининг индивидуал ривожланишига таъсир этувчи шартларини айттинг.
4. “Индивид”, “Шахе”, “Индивидуаллик” тунунчалари бир-бирига боғлиқ қарама-қарини эмаслигини тунунтиринг.
5. Шахе фавқлиғийини асосий омилни нима?
6. Инсон эҳтиёжларини бопиқарини аҳамияти ҳақида нима дейсиз?
7. Инсонувчанлик ва ўз-ўзини нионтириниши кучи нимада?
8. Шахе конформанги деганда нима тунунасиз?
9. Шахе шаклланишида ижтимоийлашувининг роли нимадан иборат?
10. “Ўз-ўзинга баҳо берини” тунунчасини изоҳланг.
11. Шахсининг фрустрацион ҳолати - бу нима?
12. Шахсининг барқарорлик ва беқарорлик хусусиятларини аҳамиятини тунунтиринг.
13. Э.Эриксон назариясини эсланг ва уни характерлаб беринг.

VIII БОБ “Диққат”

РЕЖА:

1. Диққат ҳақида тушунича.
2. Диққатнинг физиологик асослари.
3. Диққат ҳақида психологик назариялари.
4. Диққатнинг хусусиятлари.
5. Диққатнинг турлари.

Психологияда диққатдаё оdatий, шу билан бирга муржакаб ва драматик тақдирга эга бўлган тушунишни топиш қийин. Психология тарихида “юқориларга кўтарилиб, ер билан тегишган, унинг мазмунига кескин ўзгаришлар киритилган, диққат тушуничаси гоҳ психологиянинг марказидан ўрин эгалларди, гоҳ психологиядан бутунлай олиб ташланган.

Хўш диққат ўзи нима?

Диққат — бу инсон онининг маълум бир вақтда, бир объектда тўнлашини ва йўнаштирилишидир. Зарур информацияни ташланниши, ташланган дастур асосида хатти-ҳаракатларни таъминлашини ва уларни назорат қилишини диққатдир.

Билим жараёниларидан фарқли ўлароқ диққат маълум мазмунга эга эмас. У шу жараёниларда, улардан ажралмаган ҳолда, уларнинг динамикасини ва ривожланишини характерлаган ҳолда мавжуд бўлади. Диққат доимо инсоннинг амалий фаолиятига киритилган бўлиб, уларни муваффақиятнинг таъминлайди, ўқиш фаолияти ҳам ўқувчиларнинг диққатсиз самарали бўлиши мумкин эмас.

Одатда диққатни жалб қилувчи уч гуруҳ омилларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ — қўзғатувчи характери билан боғлиқ. Бунда қўзғатувчи кучли, янги, антиқа асосида йўналиш берувчи рефлекс (“Бу нима экан”) ётиши лозим.

Иккинчи гуруҳ — қўзғатувчи ҳамда инсон эҳтиёжини ўзаро муносабати олинади (бунда сабаблар ташқи омилга эмас, балки субъект эҳтиёжи, қизиқишларига боғлиқ).

Учинчи гуруҳ — диққатни жалб қилиш билан боғлиқ сабаблар билан характерланади. Бунда диққат инсон фаолиятига, мақсадга қаратилади. Шундай қилиб, диққат фаолият тизимини ташкил қилиб, унинг кечини ва жараёнини назорат қилади.

Маълум миқдорда диққат фаолиятнинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигини таъминлайди. Ишнинг муваффақиятли якуланиши

диққат ҳолатини тўхтатади. Ва аксинча, яқинлашмаган фаолият диққатининг давомийлигига асос солади.

Диққатнинг физиологик асослари

Жуда узоқ муддат давомиди психолог ва физиологлар диққатининг пайдо бўлиши ва кечини жараёни сабабларини тушунишга ҳаракат қилганлар. Аммо, лекин улар шунчаки тушувтирувчи характерга эга бўлиб, диққатининг физиологик асослари унда ёритилмаган.

Умумий тушувтирувчи характерга эга бўлган И.Н.Павловнинг диққат ҳақидаги тушуничасида берилиб, унингча диққат бу қўзғаланишнинг "оптималь" (юқори) маркази бўлиб, у беш миёда образли қилиб айтганда "ёруғ доғ" сифатида қўзғалиб юради. Ушбу қоя диққат тушуничасини ва унинг физиологик асосларини тушувтириб берди.

Диққатининг физиологик механизмини ёритилишига рус физиологи А.А.Ухтомский катта ҳисса қўйган бўлиб, унинг тушуничасига асосан қўзғаланиш нерв тизими бўйича юзекисе бўлиниб, ҳар қандай фаолият нерв тизимида қўзғаланишнинг оптималь марказини ярата олади ва у доминанта (ҳукмрон қилини) эга бўлади. Ушбу доминанта бошқаларга ҳукмрон бўлиши билан бирга, бошқа қўзғалувчилар таъсирида кучайиши ҳам мумкин.

Ушбу қобилиятни қўшимча рефлекслар сувайтириши мумкин бўлиб, бу А.А.Ухтомский томонидан доминантани диққатининг физиологик асоси сифатида баҳоланган. Лекин бунинг ўзи етарли эмас эди. Энди диққатининг нейрофизиологик асосларини топиш лозим эди. Бу ни нейрофизиологларимиз томонидан XXасрнинг 60- йилларидан бошлаб илган сурилгандир.

Замонавий нейрофизиологларнинг тадқиқотларидан шу нарса аниқландики, диққат учун зарур бўлган психик жараёнлар миё қобилишнинг уйғоқлигида юзага келади ва у қўзғалувчанлисининг оптималь даражасини таъминлайди

Диққатининг физиологик асосларини аниқлашда электрофизиологик кўрсаткичларининг роли муҳим. Булар:

- а) биохимик характердаги ҳаракат (кислород алмашилувишининг кучайиши);
- б) юрак фаолиятидаги ўзгаришлар;
- в) мускула тонусининг ўзгариши, масалан, бўйин мускулларининг тонуси ўзгариши;
- г) Тери-гальваник рефлекс - терининг электроҳаракатининг кучайиши;

д) хис-туйғунинг фаолиятининг;

ЭЭГ (электроэнцефалография - мианыннг биоэлектрик фаолиятини текшириш) үйқу ҳолатидан үйқоқликка ўгшида қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

1. Уйқу ҳолати — Дельта-ритм - секундида 1-4 тебраниш;
2. Эмоция ҳолати — Тета- ритм - 4-8 тебраниш;
3. Деярли тинчлик ҳолати — Альфа-ритм - 8-14 тебраниш;
4. Фаолият ҳолати - Бета ритм - 14-35 тебраниш;
5. Нормал бўлмаган кучли қўзғалиш ҳолати — Гамма-ритм - 35-55 тебраниш;

Н.К.Анохиннинг фикрича, мианыннг ретикуляр формациясида нерв каттакчаларини йиғилиши бир неча тизимнинг комплексини намоён қилиб, улардан бири йўналтирувчи рефлекснинг фаолиятини татъимлайди, иккинчиси - ҳимоялайди, учинчиси - озиқлантирувчи рефлексга татъир этади.

Диққатнинг контрол функцияси қайтар афферентация татъимда (Н.К.Анохин) ўзининг физиологик асосини намоён қилади.

Мианга субъект фаолияти натижасида келувчи импульслар хатти-ҳаракатдаги камчиликларни тўғирланга имкон беради. Бу сигналлар инсонни кейинги фаолиятга ундайди.

Диққат ҳақида психологик назариялари

Энг таниш назариялардан бири Француз психологи Т.Рибо (1839-1916) назариясидир. Унинг фикрича диққат кучайган ёки сусайганига қарамай доимо эмоциялар билан боғлиқдир. Т.Рибо хис-туйғу ва ихтиёрий диққатни бир-бирига беинҳоя боғлиқлигини татъикдлайди. Ихтиёрсиз диққат эса аффектив ҳолатларга боғланади.

Т.Рибонинг татъикдлашича диққат эмоционал ҳолатгагина эмас, балки организмнинг жисмоний ва физиологик ҳолатига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ушбу назарияни психофизиологик назария ҳам деб аташ мумкин. Йўланмалар назариясига грузин психологи Д.Н.Узнадзе (1887-1950) асос солган бўлиб, у диққатга йўланма берши инсонда ўз диққатини бошқариш имконини беради деб ҳисоблайди. Ва инҳоят, рус психологи Н.Я.Гальперин (1902-1988) назариясида тўхталамиз. Ушбу назариянинг асосларига қуйидагилар киреди:

1. Диққат йўналтирувчи - татъиқот фаолиятининг бир ҳолатидир. У психик хатти-ҳаракатни намоён қилиб, у ўз ўрнида мазмунга йўналтирилагандир.

2. Ҳақ функциясида диққат ушбу мазмунни назорат қилади. Инсонин ҳар бир ҳаракатида йўналтирувчи, бажарувчи ва назорат қисми мавжуд.

3. Бошқа хатти-ҳаракатлардан фарқли ўлароқ диққат алоҳида натижага эга эмас.

4. Диққат мустақил жараёни сифатида хатти-ҳаракат ақлий ва қисқарганда амалга оширилади.

5. Диққатда мезон, мўлжал, намуна асосида назорат амалга оширилади.

6. Ихтиёрний диққат бу олдидан тузилган режа, намуна асосида амалга оширилади.

7. Янги ихтиёрний диққат юзига келиши учун одамга фаоллият билан бирга унинг борлиши, натижаси, мақсадни амалга ошириши шилари тавсия этилиши лозим.

8. Барча диққат жараёнилари назорат функциясини бажариб, ихтиёрний ва ихтиёрсиз диққатда ҳам янги "ақлий хатти-ҳаракатлар амалга оширилади"¹

Диққатнинг хусусиятлари

Диққат турли одамларда, бир одамда турли вақтда, турли вазият, турли хусусиятлар ва шу билан бирга психик жараёнларини кечини билан турлича бўлади. Диққатни характерлаб ушн турли хусусиятларини ажратадилар: концентрациясини текширилиги, тақсимланлигини, ҳажми, барқарорлиги, давомийлиги ва кўчинидир.

Диққатнинг зарур хусусиятларини қуйидаги таблицада кўрини мумкин.

Диққатнинг хусусиятлари

Кучи		Кенглиги		Динамикаси	
Концент-рацияси	Интенсив-лиги	Ҳажми	Тақсим-ланлиги	Барқа-рорлиги	Давомий-лиги
Юқ.	қучилиши	кочели	болли.	турали.	оқмаслиги

Таблицадан кўриниб турибдики, диққатнинг кучини концентрация ва интенсивлик белгилар экан.

Концентрация (жамлягиллик, тўпланганлик) - диққат донмо янник объектка тўпланади (Масалан, қизиқарли китобни ўқини жараёни). Диққатнинг юқори даражадаги концентрацияси ўрганилаётган объектни чуқур ўрганилишини таъминлайди.

¹ Гильберри П. "К проблеме внимания", Хрестоматия по вниманию, - М.: 1976, 221-224 стр.

Флозиятнинг ҳар-хил турларида диққат хилма-хил интенсиивликда (кучликда) кечади. Диққатнинг интенсиивлиги турли вазиятда бир инсонда турлича кечади (масалан, талабани предметга имтиҳонлардан олдин ва кейинги диққати).

Диққатнинг кенглиги унинг ҳажми ва тақсимланишига боғлиқдир.

Диққатнинг ҳажмиши бир вақтнинг ўзида диққат марказида бўлиши мумкин бўлган объектлар сони билан характерланади. Унга асосан парсаларни тез ва чуқур тушуниши мумкин. Диққатнинг ҳажмини тахистоскоп (тахис - тез, сконео - кўраляпман) асбобида ўлчанади. У 5 ± 2 яъни 3 дан 7 та объектгача ўзига жамланга эга.

Диққатнинг ҳажмиши ўлчани бўйича ўтказилган тадқиқотларда қуйидаги натижалар намойи бўлган.

Тахистоскоп орқали 30 та сингалувчиға 20 та ажралган ҳарфлар кўрсатилгани (I-серия) бу ҳарфлар:

КЖР	БГ	ВНД	ЦАН	ЕЛХ	ПЦМ	ЗУТ
-----	----	-----	-----	-----	-----	-----

Тадқиқотда иштирок қилганлар 151 ҳарфни қайтарилган, яъни 30 та киши ўртача 5 тадан ҳарф айтган.

Диққат ҳажми қабул қилнаётган предметни маълум тизимда идрок қилишиға қараб ортади.

2 серияда 20 та ҳарфдан иборат сўзлар тавсия этилади:

БОБ	ОТ	ТОГ	БОГ	АҚЛ	СОН	СЎМ
-----	----	-----	-----	-----	-----	-----

Тадқиқот қилинувчилар 305 ҳарфни қайтардилар, яъни 30 тадқиқ қилинувчиға ўртача 10,2 та ҳарф тўғри келади. Бу биринчи натижадаен икки баробар ортиқдир.

3 серияда учта сўздан иборат гап берилади. Бунда 20 ҳарф иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК ДАВЛАТ

28 та тадқиқ қилинувчи барча ҳарфларни қайтардилар, яъни 560 та ҳарфни, фақат иккита тадқиқ қилинувчиғина 32 та ҳарфни қайтардилар.

ЎЗБЕКИСТОН – ДАВЛАТ

Шундай қилиб, 3-серияда 20 та ҳарфдан 19,7 таси тўғри қайтарилади.

Диққатнинг тақсимланиши бир вақтнинг ўзида бир неча объект, фаолият тури ва хатти-ҳаракатни диққат марказида ушлаб туриришидир. Бундай тақсимланиш бир хатти-ҳаракат аниқланган, қолганлари эса автоматлашган усулда бажарилади.

Диққатнинг динамикаси унинг барқарорлиги, ўзгариши ва кўчишида намоён бўлади.

Диққатнинг барқарорлиги диққатни узоқ муддатда сақлашиб туришида намоён бўлади. Барқарорлик ишга йўналганлик жараёнида объект ва хатти-ҳаракат характерини ўзгаришида кўринади. Масалан, ишпо ёзини жараёнида диққат ўқити, асосий мазмунини баён этиш, цитаталарини қайтарилиши билан бир қаторда барча хатти-ҳаракатлар ишпои муваффақиятли якунлашга қаратиладир.

Диққатнинг тебраниши - доимий кучсизланиш жараёнидан кейинги пайтида кучайишидир. Масалан, бирор бир нарсани такрорлаш жараёнида жуда яхши таниш материалда ҳам қандайдир янгилликлар юзага келади. Шунинг учун бир мартаба ўқити билан чегараланиши керак эмас.

Диққатнинг кўчиши - фаолият мақсадини ўзгаришига қараб диққатни бир объектдан иккинчи объектка ўтишидир. Масалан, дарс жараёнида ўқувчи диққатини доимо бир саволдан иккинчи саволга кўчишига тўғри келади. Диққатни кўчиш тезлиги диққатнинг тўнлашганлигига, дарсга бўлган қизиқишига, ўқувчи учун уни муҳимлигига боғлиқ.

Тарихда Юлий Цезар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқити, ҳам гапириш, ҳам эшитиш, ҳам фикрлаш қобилиятига эга эканлиги ҳақида маълумотлар бор. Эҳтимол бу ҳолат Цезар диққатининг кўчин хусусияти жуда яхши ривожланганлигидадир.

Диққатнинг индивидуал хусусиятлари билан ўқитувчи доимо дуч келади. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчиларининг диққатини тарқоқлигига алоҳида эътибор бериши лозим. Диққатнинг тарқоқлиги - диққатни тўплай олмаслигидир. Диққатнинг тарқоқлиги ҳақида бир ишни қилиш жараёнида кишини бошқа нарсани кўрмаслиги, эшитмаслиги, ҳаёли кўпроқ бошқа нарсаларда бўлишидир.

ДИҚҚАТ ТУРЛАРИ

Психологияда диққатнинг уч тури мавжуд: ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан сўнгги диққат турлари.

Ихтиёрсиз диққат - продага зўр бермаслик, онгли мақсадни кўзламагани ҳолда юзага келади. Кўп ҳолда янги, рангдор, ёрқин, ҳажми, ҳаракатланиши, эмоционаллитгида қарама-қарши фарқ бўлган нарсалар ихтиёрсиз диққатни юзага келтиради. Ихтиёрсиз диққат янгиликнинг юзага келтирувчи бошланғич рефлексидир, унинг асосида доминантани кўзгатувчи жараён ётади.

Ихтиёрсиз диққатни юзага келтиришга реклама, мода психологияси, тарғибот психологияси ва таълимда кўрсатмалилик қаратилагандир.

Ихтиёрий диққат - мақсад ва продага зўр беринга асослангандир. Ихтиёрий диққатда бирор-бир объектга диққат онгли равишда йўналтирилади, субъект томонидан бошқарилади, ammo бундай диққат жараёнида продага зўр берилади ва кўп энергияни талаб этади.

Ихтиёрий диққат жараёни қанча давом этини мумкин? Бундай саволга жавоб Ўзбекистон психологи М.Х.Рахманова тадқиқотларида берилган бўлиб, кичик мактаб ёшида болаларда ихтиёрий диққат 10 минутга, талабалик даврида 20-22 минутгача давом этади. Бундан сўнг чарчани, толиқини юзага келади.

Шунинг учун ушбу чарчани, толиқини камайитириш, йўқотини усулини топиш эҳтиёжи юзага келади. Рус психологи Н.Ф.Добринин ихтиёрий диққатдан сўнгги диққат конценциясини тавсия этади. У ҳам бирор бир мақсад асосида юзага келади, лекин продага зўр берилмайди. У фаолият билан ўта қизиқиб кетини натижасида юзага келади.

Ихтиёрийдан сўнгги диққатда муваффақиятли фаолият учун диққатнинг ниҳоятда тўпланганлиги билан характерланади ва у ўқув фаолиятида муҳимдир.

Диққат турларининг қиссий характеристикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

Диққат турлари ва уларни қиссий характеристикаси

<i>Диққат тури</i>	<i>Пайдо бўлиш шартлари</i>	<i>Асосий характеристикаси</i>	<i>Асослари</i>
Ихтиёрий	вазифани қабул қилиниш	Вазифага асосан йўналганлик, иродавий зўр бериш, узоқ муддатли диққатнинг тўпланганлиги толиқтиради.	Иккинчи сигнал системасини етакчи ўрни
Ихтиёрийдан	қизиқини	Мақсадга йўналганлик	Фаолият

сўнги диққат	билан юзага келган фаолиятга "кириш"	сақлаб қолинади, толиқиш бўлмайди, қизиқиш ортади.	жараёнига бўлган қизиқиши доминантасидир.
Ихтиёрсиз диққат	кучли қўлагатувчи асосида юзага келади.	Бенхтиёрийлик, енгиллик, фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез ўтилади.	Шахсини қизиқишини намоён қилувчи ёки характерловчи доминанта.

Диққатни барқарорлиги ва интенсивлигининг шартлари нимадан иборат?

Қисқача ушбу шартларни қайд этамиз:

1. Нерв тизимининг ҳолати;
2. Объектнинг мазмуни;
3. Фаолият мазмуни;
4. Ушбу фаолият амалга ошириладиган шaroит;
5. Хис-туйғунинг намоён бўлиши;
6. Иродага зўр бериш;
7. Шарт-шaroит;
8. Қизиқиш.

Диққатнинг ilk дaвpида pивoжлaниш жapaёнини A.П.Леонтьев таъкидлашга кўра қуйидагича тасаввур этиш мумкин: бола улғайган сари диққати ортади, лекин таниқ диққатни намоён бўлиши ичкига ишбатан тездир.

Бола диққатининг pивoжлaниши бoсқичлaри:

1. Ҳаётнинг биринчи ҳафталари ва ойлари. Ихтиёрсиз диққатнинг туғма, объектив йўналтирувчи рефлекс сифатида намоён бўлиши.
2. Ҳаётни биринчи йилнинг охири. Йўналтирувчи - тадқиқот фаолиятининг юзага келиши муносабати билан ихтиёрий диққатни пайдо бўлишига замин яратилади.
3. Ҳаётнинг иккинчи йилини боши. Катталарнинг иттиқий йўлланмаларига асосан ихтиёрий диққатнинг юзага келиши.
4. Ҳаётнинг иккинчи-учинчи йили. Ихтиёрий диққатнинг бошланғич ҳолатини етарли даражада pивoжлaниши.
5. Тўрт ярим - беш ёш. Катталарнинг мураккаб йўлланмасига асосан диққатни йўналтириш қобилиятини юзага келиши.

6. Беш - олти ёш. Ўз-ўзини йўналтириш асосида ихтиёрий диққатни оддий турини намойиш бўлиши.

7. Мактаб ёши. Ихтиёрий диққатнинг ривожланиши ўзга проданни жамланиши.

Фаолиятнинг маҳдум турларида диққатнинг ривожланиши шахснинг эътиборлилик каби хусусиятини шакллантиради. Зеро, И.П.Павлов Санкт-Петербург лқшидаги Колтушадаги лаборатория биноси қурилишида «Кузатувчанлик, кузатувчанлик ва яна кузатувчанлик» деган фикрни ёзиб қўйган.

Қайтариш учун саволлар

1. Диққат тушунчасини П.Я.Гальперин гипотезага асослашиб тушунтиринг.

2. Диққатнинг психик фаолиятидаги роли ва ўрни нимадан иборат?

3. Диққатни юзага келтирувчи факторлар нима.

4. Диққатнинг асосий хусусиятларини тасвирлаб беринг.

5. Диққатнинг қандай турларини биласиз.

6. Ўқувчининг дарсдаги диққатсизлиги нимага боғлиқ? Уни енгизи йўллари борми?

7. Диққатнинг барқарорлиги ва кучининг шарт-шароитлари нимадан иборат?

IX боб. Сизги ва идрок

РЕЖА:

1. Сизги ҳақиқи тушунича.
2. Сизгилар классификацияси.
3. Сизгиларда қонуниятлар.
4. Идрок ва унинг хусусиятлари.
5. Фазони, вақтин ва хатти-ҳаракатин идрок этиши.
6. Ижтимоий перцепция.

Ўзини ўраб пурган ва мавжуд бўлган барча нарса ва ҳодисалар ўзини хос хусусиятларга эга. Хусусиятлар бу предметларнинг белгиларидир. Белги бу предметни бошқаларидан ажратадиган омилдир. Хусусиятлар бевосита бизнинг онгимизда яқиниб, бунда сизги органлари кўрини, эшитиши, ҳид билиши, таъм билиши ва тери туюниши роли катта. Бу энг оддий психик жараён бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятлари физик жараёнларини сизги органларига бевосита таъсир этиши натижасида уларнинг хусусиятларини алоҳида- алоҳида намоён бўлиши сизги деб аталади.

Сизгини пайдо бўлиши учун нима зарур?

1) бунинг учун бирор бир сизги органига таъсир этувчи предмет зарур. Сизгилар ҳамиша бизнинг сизги органларимизга : кўзимиз, қулоғимиз, теримиз ва бошқа органларимизга таъсир этиши асосида вужудга келади.

Масалан, ёруғлик, ранг, овоз, терида тегиши, ҳид билиши, ишрини, аччиқ ва ҳ.к.

2) сезувчи аппарат зарур. Сизги органидан, (сизги органи) – рецентордан иборат (у сезувчи нервнинг қисми бўлиб, у орқали қўзғалниш анализаторнинг периферия қисмлари орқали марказга узатилади, миёна катта ярим шарлари пўстлогидаги махсус қисмларда психик ҳодиса сизги юзага келади).

Бу уч қисм битта қабул қилувчи аппаратни ташкил этиб, И.П. Павлов буни анализатор деб атайди.

Сизги жараёнида қуйидагиларни ажратиш лозим:

а) қўзғовчи предмет ва ҳодисаларнинг физик хусусиятлар бўлиб, улар сизги органларига таъсир этадилар.


б) қўзғалувчанлик - қўзғовчининг таъсири (физик жараён).

в) қўзғалниш - қўзғовчи таъсирида юзага келадиган физиологик жараён.

г) сезиш - ташқаридаги таъсир асосида бош миёнини махсусли сифатида юзага келадиган психик жараёнидир.

Инсон бирор бир нарсага унга таъсир этгандагина акс этади ва англайди.

Сезгининг пайдо бўлиши схемасини қуйидагиса кўрсатиш мумкин:



Сезги жараёни объектив оламни тўғри акс этинини таъминловчи ташқи қўзғатувчиларни таълаш ва энергияни қайта ишловчи сенсор ҳаракатлар тизимидан иборатдир. Рецепторлар экстрорецепторлар (ташқи органларда жойлашган рецепторлар), интрорецепторлар (ички органларда жойлашган рецепторлар) ва пропрорецепторларга (мускуллар ва боғловчи найларда жойлашган рецепторларга) бўлинади.

Сезгиларни ўта миқдорда кўплиги, ҳамда ташқи олам энергиясини онгининг ҳодисасига айланиши ҳақида аниқ фикрларни И.М.Сеченов берган. Агар инсонни уйроқлик вақтини ўта ҳисобда 12 соат деб олинадиган бўлса ва ҳар бир фаза бўйича ўрта сонни оладиган бўлсак, масалан кўриш сезгининг 5 қисмчаларга бўлсак кўз оқиғали 8000 сезги, қулоқдан ундан кам эмас, мускуллар ҳаракатидан ундан ҳам кўп сезги юзага келар экан. Бир ҳафтада у 56 мингга, бир ойда 204 мингга, 1 йилда 2 миллионга яқин сезги ҳосил бўлади.

Бу катта миқдордаги сезгилар турли сифатлар билан ассоциацияланади, идрок жараёниларида синтез бўлади, тасаввурлар юзасида мустаҳкамланиб фикрларни гуруҳига умумлашган ҳолда киради.

↳ Инсоннинг барча сезгилари қуйидаги сифатларга қараб классификацияланади:

1. Экстероцептив сезгилар - ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг сифатларининг аке этади. Улар контакт ва дистант бўлади. Уларга кўриш, эшитиш, ҳид билиш, татъм билиш ва тери сезгилари киради.

2. Интероцептив сезгилар - ички органларнинг турли ҳолатларининг аке этади (органик, оғриқ сезувчи).

3. Проприоцептив сезгилар турли ҳаракат органларининг ҳолатларининг аке этади (мускул- ҳаракат, кинетик ва муюзланат). Энди алоҳида сезги турларини кўриб чиқамиз.

Экстероцептив сезгиларга кўриш, эшитиш, татъм билиш, ҳид билиш ва тери сезгилари киради.

Кўриш сезгиси. Кўриш сезгисининг органи кўз. Кўз пардадан иборат: ташқи, томирлари ва тўр парда. Ташқи парда олди қисми билан муюз пардага, томирли парда камалак пардага ўтади. Камалак пардада тешик (тўйиш, тирикши) мавжуд бўлиб - бу қорачиқдир, ундан кўзнинг ички қисмига ёруғлик ўтади. Қорачиқ тирикшин ва камалак ортида иккиламчи бўртиб чиққан тиниқ парда - хрусталлик мавжуд. Бу ёруғликни синдирувчи аппаратдир. Учинчи парда - тўр парда марказида жойланган қолбачалардан (7 миллионга яқин бўлиб, улар кундүзги ёруғлик ва хроматик рангларни қабул қилади) ҳамда тўр парда ички қисмидаги таёқчасимон аппаратдан (123 миллион қоронғулик ва ахроматик ранглар) иборатдир. Таёқча ва қолбачаларнинг энг кўп тўйланган жойи - сариқ доғдир. Кўр доғда - нервнинг чиқиш жойида таёқча ва қолбачалар мавжуд эмас. Тўр парда ҳамда хрусталлик оралиғи ойиасимон танадан иборат. Кўриш сезгисининг физик сабабчиси - ёруғлик тўлқинларидир (турли узунлик ва тебраниш частотасидаги электромагнит тўлқинлари). 380 миллимикронгача бўлган тўлқинлар - ультрасиёҳранг, 780 миллимикрондан ортиқ тўлқинлар жа - инфракизилдир. Уларни инсон кўзи илғамайди.

Ранглар ахроматик (қора, оқ, қул ранг) ҳамда хроматик (қизил, оч қизил, сариқ, ҳаво ранг, кўк, сиёҳранг)га бўлинади.

Хроматик рангларни кўриш сезгиси қуйидаги хусусиятлар билан характерланади: а) ранг тони (тўлқин узунлигига боғлиқ); б) ёруғлиги - ушбу рангни қорадан фарқи, рангининг қандай проценти аке этади (оқ қоғоз 85%, қора бахмал - 0,03%); в) тўйинганлиги - ушбу рангни ҳудди шуидай ёруғликка эга бўлган қул рангдан фарқи.

Кўриш сезгисининг ўзига хос ҳодисалари - ранг контрасти - бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет; шапкўрлик - таёқча аппарати ёмон ишлаганда юзага келади; ранг кўрлиги - масалан, далтонизм (қизил рангни ажрата олмаслик).

Кўрнин сезгисининг маркази - миЯ катта ярим шарларининг энса бўлагидир.

Л **Эшитиш сезгиси** - овозларни сезиш (мусикий ва шовқин), органи - қулоқ. Танқи қулоқ - қулоқ чаноғи ва эшитиш бўшлиғидан иборат. Ўрта қулоқ - учта суякчага маҳкамланган қулоқ пардаси, ички юпқа парда, ички тоғай. Ўрта қулоқнинг эшитув суякчасидан иборатдир (улар ҳаво тўлқинларини қулоқ ичкарисига ўтказади). Ўрта қулоқ оғиз бўшлиғи ва бурун билан бирлашгандир. Ички қулоқ учта бўлимдан иборатдир, бу - 3 та яримшар қаналлар, қулоқ лабирингини бошланиши ва чиганоқдан иборат. Уларнинг барчаси эндолимфа билан тўлдирилгандир. Чиганоқнинг ичида - Кортнев органи мавжуд бўлиб, у мембранали толалардан иборат.

Л **Физик сабаб** - ҳаво тўлқинларининг ҳаракати бўлиб, улар овоз чиқарувчиларининг тебранини натижасида юзага келади (16-20 дан 20-22 минг бир секундига тебранини) 20-22 минг Геридан юқори овозлар ултраовушлар ҳисобланса, 16-20 дан пастки - инфратовушлардир. Инсон қулоғи ултра ва инфратовушларни эшитмайди. Эшитишнинг миЯ маркази - бош миЯнинг чақак қисми.

Эшитиш сезгиларининг сифати:

а) овоз баланчилиги (секундига тебранини миқдори):

б) овознинг кучи - штепенчилиги:

в) овоз тебери - маҳус сифат бўлиб, у таркиби бўйича ўшимча тебранинларни частота ва штепенчилиги бўйича ажратилади. Оддий товушлар тонлар, мусиқий товушлар тон ва обертоилардан иборатдир.

Л **Хид билиш сезгиси** - хидни билиш билан харктерланади. Органи бурун бўшлиғининг юқори қисми бўлиб, унда хид билиш катаклари мавжуд.

Хидлар предметлар бўйича классификацияланади - нон хиди, сирен хиди, эфир ва ҳ.к. Физик сабаби - газга ўхшаш моддаларни бурун бўшлиғига тушуши ва хид билиш рецептори катакларига таъсир этиши.

Л **Хид билиш маркази** - миЯнинг энса бўлагининг пастки қисмида жойлашган.

Л **Таъм билиш сезгиси** - аччиқ, ширин, нордон, шўрни сезиш. Органи - тилнинг устки қисми ва танглай.

Таъм билишнинг физик сабаби - сувда ва сўлакда эрийдиган моддалар. Таъм билишнинг маркази хид билиш марказига яқиндир.

Л **Тери туюш сезгиси** - температура, тактил сезгилари. Температурани сезиш - иссиқ ва совуқни тери орқали бевосита сезиш билан боғлиқ физик сабаби - терига бошқа моддаларни тегishi. Герида 250 мингта совуқ ҳамда 30 мингта иссиқни қабул қилувчи нуқта мавжуд. Тактил сезги - тегishi ва

босимни сезиши. Органи - алоҳида туюш таначалари бўлиб, улар тана бўйлаб потекисе жойлашган. Ўрта ҳисобда танада 1 кв.см.га 25 нуқта мавжуд. Бармоқлар, тил, лабда унбу нуқталар кўпроқ.

Эстизиометр приборида тактил сезги текширилганда бармоқларда бу нуқталар 1-2- мм 2 тадан жойлашганини кўрсатса, белда улар 60 мм.да аниқланади. Терн сезгисининг маркази бош мия нустилогининг энисе қисмида жойлашган.

∟ **Интероцептив ёки органик сезгилар деганда** - оч қолшин, чанқаш, соғлиқ, кассаллик, чарчоқ кабиларни организмиз ёки алоҳида органлар сезиши назарда тутилади. Рецепторлар - ички органларнинг деворларидир. Физик сабаби - ички органлардаги турли химик ва механик таъсирларга қўзғалувчанлик. Органик сезгилар дифференциялашмаган. Органик сезгининг ташқи сабаби физикавий-химик жараёнлар бўлиб, улар органларни бузилиши ёки лит етишида юзага келади. Рецепторлари - терининг сезги нервларининг учн, иплизини қоплама, ҳамда ички органлардир.

Проприоцептив ёки мускул - ҳаракат сезгилар (кинестик). Ташқи сабаб мускулларининг сусайиши, тортилиши, қотиб қолиши, шунингдек, мускулларга предметларнинг механик таъсири бўлади. Органлари мускуллар пайлар. Мускул - ҳаракат сезгилари координацияни талаб этувчи мураккаб ҳаракатларда катта аҳамиятга эга.

Мувозанатни сезиш - органик-вестибуляр аппарат бўлиб, у ички қулоқнинг бош қисмида жойлашган бўлиб, ярим доира шаклидаги каналлар ва ятолит (эндолимфада сезувчи таёқчалар) аппаратидан иборатдир.

Ташқи сабаб - тўғри ва қия тезланишлар. Вестибуляр аппарат ташани бошқаришга, мускул аппаратини импульслари ва сезувчанлиги ҳақида маълумот олишга ёрдам беради.

Сезгилар қатор характеристикалар ва қонуниятларга эга.

1. **Тезлик ва давомийлик.** Таъсир қилувчининг рецепторга таъсир қилиши ва сезгиши ҳосил бўлиши орасидаги вақт бир-бирига мос тушмайди: сезги таъсирдан сўнг 0,02 дан 0,01 секундга қадар ҳосил бўлади. Давомийлик таъсир этувчининг таъсир этини давомийлигига боғлиқ.

Сезгининг тамом бўлиши ва таъсир этувчининг ҳаракатларини тугатилиши вақти ҳам бир-бирига мос тушмайди. Таъсир тугаши мумкин, лекин сезги давом этаверади. Бундай сезгининг давомийлиги қолдиқли сезгилар дейилади. Уларнинг давомийлиги 0,05 дан 1 секундгача.

2. **Сези остонаси.** Сезгилар турли куч даражасиг эга. Сезгининг кучи таъсир этувчининг кучига боғли. Ҳар қандай таъсир ҳам сезгини юзага келтиравермайди (остона ости таъсир этувчилар). Таъсир кучи паст ва

билинар-билимас сезгини юзага келиши сезгининг абсолют паст остонаси дейилади (м-п, 6 гр. шакар 1 стакан чойда илк бор ширин бўлиб туюлиши мумкин. Таъсирнинг энг юқори катталиги таъсир этишининг давом этишига қарамий сезгининг абсолют юқори остонаси дейилади. Бундай сезгидан сўнг оғрик юзага келади.

Анализаторнинг абсолют сезирлиги сезгининг абсолют паст остонасига пропорционал тескари равишда характерланади. У алоҳида формула билан ўлчанади:

$$E = \frac{1}{P}$$

бунда E - сезирлик, P - сезгининг паст абсолют чегараси.

Таъсир кучи ўзгарини билан сезги кучи ҳам ўзгара бошлайди, лекин ҳамма ҳолларда ҳам бундай эмас. Сезги кучини аниқлаш учун эшитини сезгисини $\frac{1}{10}$ -қисмини; кўриниши $\frac{1}{100}$ ни; таъм биллини $\frac{1}{3}$ ни ва тери туюшини $\frac{1}{30}$ ни қўйиш керак. Вебер ва Фехнерларнинг қонунига асосан сезги кучи таъсир этувчи кучига логарифмик пропорционалдир. "Сезгилар арифметик прогрессияда ўзгарган ҳолда, таъсир этиш кучи геометрик прогрессияда ўзгаради".

Масалан, агар сезги кучи 1 га тенг бўлса, таъсир этувчининг кучи эса 2 бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича бўлади:

- 1 — 2 ёки 2^1
- 2 — 4 ёки 2^2
- 3 — 8 ёки 2^3
- 4 — 16 ёки 2^4
- 5 — 32 ёки 2^5

Иккинчи тахрирда бу қонун қуйидагича бўлади "Сезги таъсир этувчи кучининг логарифмига тенг". Бу қонун формуласи:

$$S = K \lg J + C$$

Бунда: "S" - сезги кучи.

"C" ва "K" - константалар.

J - таъсир этувчининг кучи .

Сезгилар учун қуйидаги хусусиятлар хос - адаптация, сенсбилизация, синестезия.

Адаптация - сезги органларини уларга таъсир этувчи стимулларга мослашини, бунда уларни акс этиляшини яхшилашни ёки ортиқча оғирликдан ҳалос этилиши назарда тутилади (қоронгулик, ёруғлик, хидга мослашини).

Сенсйбнлнзация - машқ қилини ёни анализаторларни ўзаро таъсири натижасида сезги органларини сезувчанлигини орттинидир (м-н, овоз таъсирида кўришни ўтқирлангани).

Сенестезия - бир сезгига таъсир этувчи қўзғатувчи иккинчи сезгини юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, “юмпоқ овоз”, “рангли товушлар” ва ҳ.к. ↘

Ёрқин мисол рус композитори Скрябиннинг “Оловни бўйсундирлини” ранг мусиқа асаридир. Сезгининг ривожлангани турмуш тарзи, шугулланган фаолият билан боғлиқ ҳолда ҳам бўлиши мумкин (масалан, текетил комбинатида ишловчи мутахассислар қора матони 40 дан ортиқ рангларини ажрата оладилар, ун ишлаб чиқарувчи комбинатларда ишловчи мутахассислар улни қўли билан ушлаб сифатини айтиб бера оладилар).

Бир сезгининг йўқлиги бошқа сезги органини компенсация қилади. Масалан, Ольга Скороходова - кўр, соқов, қар бўлишига қарамай “Мен оламни қандай идрок қиламан, тасаввур этаман ва тушунаман” деган китоб орқали ўзининг оламининг акс этини хусусиятларини очиб берган.

Идрок

Идрок - бу нарса ва ҳодисаларни бизни сезги органларимизга таъсир этини асосида уларни яхлит образларини юзага келиши жараёнидир.

Идрокда: а) образни шаклланиши туғани билан боғлиқ идрок жараёни; б) идрок қилинаётган предметнинг субъектив образини ажратини лозим.

Идрокнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- а) предметлиги;
- б) яхлитлиги;
- в) структураллиги;
- г) константлиги;
- д) мантиқийлиги;
- е) таплаганлиги. ↘

Предметлилик - бу объективлангирини якти бўлиб, у ташқи оламдан олшган маълумотларни ўзида мужассамлангтиради. Предметлилик перцентив жараёнларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Одатда биз предметларни ташқи кўринишга қариб эмас, уларни амалиётда қўллавилишига ҳам эътибор берамиз.

Яхлитлик - предметларни у ҳақидаги маълумотларни жамлаган ҳолда яхлит идрок этини.

Тизимлилик – биз предметларни сезгилар йиғиндиси сифатида эмас, балки бу сезгилар исосида предмет структурасини маълум бир вақт оралиғида шакллантирувчи унинг элементлари орасидаги боғлиқликни идрок этамиз. Биз ушбу сезгилар абстрактулашган умумлашган сезгилар тизимини аке этамиз.

Константлик (доимийлик) – идрок этилган предмет хусусиятларини доимийлиги (масалан, қоронғида ҳам ёруғда ҳам оқ қоғоз оқ бўлиб, қоғам 20 см, 1 м ёки 5 м ўзоқликда ҳам бир хил катталиқда идрок этилади).

Англанилганлик – англаниган ҳолда идрок этиши, яъни предметни аниқ гуруҳ, синфга киритган ҳолда умумлаштириши.


Танланганлик – кўп объект ичида бошқалар билан солиштирилганда конкрет объект “фон”дан ажратилиши.

Идрокда апперцепция ҳодисаси юзага келади (немис психологи Г.Лейбниц томонидан киритилган). Бу идрокни мазмунини олинган bilimлар, малакалар, қарашларга, инсонни атрофга бўлган муносабатига

боғлиқликдаги ифодаланади (идрокка қушимча маълумот). Масалан, тахистоскопда «педуниверситет» деб хато билан ёзилган сўз кўп ҳолларда туғри «педуниверситет» деб ўқилади.

Идрок фаол жараён бўлиб, у аниқ ҳаракатлардан иборатдир. Уни 2-схемада куриш мумкин.

Идрок жараёни



Идрокнинг классификацияси.

Идрок жарайётида илтирок этувчи анализаторларга кўра кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, кинетик ва тери туюш каби идрок турлари мавжуд. Ушунга классификация асосида материянинг мавжуд бўлиши ётиб - у вақтни идрок этиш, фазони, хатти-ҳаракатни идрок этиш турларига бўлинади.

Фазони идрок этиш - форма, катталик, объектларни жойлашини, уларнинг рельефи ва йўналганлигини идрок этишда ифодаланади.

Фазони идрок этиш кучини, тери туюш ва мускул ҳаракат органлари асосида юзага келади.

2 механизм кўзнинг фазони кўз орқали идрок этишга мосланганлиги бўлиб, бири аккомодация - кўз хрусталлигини ўзгартиришидир (яқин предметлар - бўйирилган, узоқлари ниғичкаланган) бўлиб у 5-6 метрлар оралиғида юзага келади. Иккинчиси конвергенция - кўзни идрок этилаётган предметга нисбатан ичига ҳаракатланниш. дивергенция - кўзни идрок этилаётган предметга нисбатан ичига қаратилниш. Чуқурлик бинокуляр кўришни орқали юзага келади.

Вақтни идрок этиш - объектив вақтни, уни тезлиги ва ритмининг акс этишидир.

Ҳаракатни идрок этиш - объектив фазодаги жойлашини ва ўзгаришини акс этиш бўлиб, бунда кўриниши ва кинетик анализатор муҳим аҳамиятта эга.

Ҳаракатнинг параметрларига ҳаракатнинг характери (этилиш, итариш, чўзилиш ва ҳ.к.), тури (тўғри, эгри, думалоқ), амплитудаси, йўналиши (ўнганга, чапга, тўғри настига, юқорига) давомийлиги (узқ мўддатли ва қисқа мўддатли) тезлиги (тез ёки секин) тезлигини киради.

Исонни исеон томонидан идрок этилини (ижтимоий перцепция) - А.А.Бодялев томонидан тадқиқ этилган.

Идрокнинг сифати бу тезлиги, аниқлиги, тўлалиги.

Тезлиги - идрок этишнинг бошланишидан уни аянган бўлиб, у мишдан I секунддан I секундгача чўзилиши мўмкин.

Тўлалиги - тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган идрок бўлини мўмкин.

Аниқлиги - идрок этилаётган объектни мавжуд образга мослиги.

Идрокнинг сифати ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, бунига наржа ва ходиселарин сифат, турган жойи, органик факторларга - сезги органлари ва нерв системасининг ҳолатига; субъектив факторлар - билим, тасаввур, қизиқини ва тафаккур ривожланиши билан боғлиқдир.

Идрокнинг индивидуал хусусиятлари мавжуд бўлиб унга:

а) аналитик турдаги идрок- элементларга, қисмларга диққат қилини.

б) Синтетик турдаги идрок (идрок қилинаётган объектини тўлиқ идрок этиш) тунунтирувчи тур.

в) аналитик-синтетик идрок қилиш турлари кирати.

Идрокнинг объектив ва субъектив турлари ҳам мавжуд.

Объектив тур - аниқ, батафсил, қизиқинлар яралишмаган ҳолда идрок этиш.

Субъектив - идрок қилишда ўз фикрларини ва қарашларини ҳам киритиш.

Шу билан бирга эмоционал идрок этиш тури ҳам мавжуд.

Идрокдаги алоҳида ҳодисалар - иллюзия, галлюцинация ва субсенсор идрокдир.

Иллюзия — инсон онгида бирор бир ҳодиса ёки объектга мос тунмайдиган, хотира, тасаввур ва идрок феноменини мавжуд бўлиши.

Бу потўғри идрок бўлиб ,унга контрастлар иллюзияси мисол бўла олади. Аристотель иллюзиясини ҳам бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўрга ва кўрсаткич бармоқларини крест симон тури билан (бир нўхат айлангириса, у искита бўлиб, идрок этилади.

Галлаюдинация - перцентив фаолиятини патологик бузилиши бўлиб, бунда идрок этчлаётган объекти уни мавжуд булмайд. Алаҳлаш, мастликда узини билмай валдираш унга мисол бўлиши мумкин.

Субсенсор идрок — мириа хис этиш органлари орқали етиб келадиган сигналларни инсон томонидан онгсиз равишда идрок этилиши ва қайта иншаниши.

Қайтариш учун саволлар

1. Сизгининг материяни акс этиш формаси сифатидаги ўзини хос хусусияти нимадан иборат?
2. Сизгиларнинг классификациясини беринг.
3. Сизгиларни пайдо бўлишининг принципиал схемасини тушунтиринг.
4. Сизги жараяннинг асосий хусусиятларини айтинг.
5. Вебер - Фехер қонунини психофизиологик моҳиятини очиб беринг.
6. Адаптация ва сенсбилизацияни тушунтиринг.
7. Субсенсор сезги деганда нимани тушунасиэ?
8. Идрок деганда нимани тушунасиэ?
9. Идрокнинг хусусиятларини айтинг.
10. Перцентив харакат деганда нимани тушунасиэ?
11. Иллюзияга мисоллар келтиринг.

Х боб. Хотира ва ҳаёл

РЕЖА:

1. Хотира ҳақида тушунча.
2. Хотира назариялари.
3. Хотира жараёнлари.
4. Хотира турлари.
5. Хотиранинг индивидуал фарқлари.
6. Ҳаёл ва унинг хусусиятлари.
7. Ҳаёл турлари.
8. Ҳаёл ва ижодиёт

Инсон ҳис қилган барча нарсa ва ҳодисалар исён йўқолмайди. Улар маълум миқдорда хотирада сақлаб қолинади, мустаҳкамланиб ва керак бўлганда қайта эсга туширилади.

Эсга олиб қолиш, эсга сақлаш, эсга тушириш ва унингда намоён бўладиган ақлий фаоллиг хотира дейилади.

Хотирани тажриба асосида психология фанида тадқиқ этиш XIX асрнинг 80 – йилларига тугри келади. 1885 йида немис психологи Эббингаус хотирада қолиш жараёнлари ҳақида китобини яратади.

XX асрнинг 30-йилларида Россия психологлари Л.С. Виготский, А.Н. Леонтьев, А.Н. Занков, П.И. Зинченко, А.А. Смирнов хотиранинг турли жиҳатларини ўрганадилар.

Кейинчалик оператив ва узоқ муддатли хотира муаммоси юзага келганлиги туфайли ҳамда ЭҲМ ларни тез тараққий этиши туфайли хотирани тадқиқ қилиш ишлари авж олади. Ҳозирги замон хотирани тадқиқ қилиш билан боғлиқ тадқиқотларда марказий ўрн хотира жараёнининг асосларига ажратилган. Хотира жараёнининг асослари уч йўналишда ўрганилган: психологик, нейрофизиологик, биохимик.

1. Хотиранинг психологик назариялари инсонни фаоллиги билан боғлиқ бўлган хотира жараёнларини шаклланишини тадқиқ этади. Улардан биринчиси ассоциатив назариядир. Маълум бир билимлар инсон онгида бири-кетин ўрни олиши туфайли уларда ассоциатив боғлиқлик юзага келади ва ушбу боғлиқликдаги бирор бир нарсa эсга туширилганда қолган нарсалар ҳам хотирада намоён бўлади. Ушбу ассоциацияларни уч турга бўлиш мумкин – объектларининг фазовий-вақт боғлиқлиги, бир-бирига мослиги, фарқи ва қарама-қаршилигидир. Бундан урта ассоциация келиб чиқади – бир-бирига боғлиқлик, ўхшашлик ва қарама-қаршилик.

Ассоциция назарияси бўйича хотира ассоциатив боғланишлар асосида мавжуд маълумотни сақлаш ва қайта тиклаш имкониятига эга.

2. Иккинчи психологик назария хотиранинг гештальт назариясидир. (Cestall – образ). Ушбу назариянинг асосий тўқилимоти нарсанинг ситтези, ихлтиглиги, йтғиндиси. Ушбу назарияга асосан, хотира яхлит ҳодиса сифатида таҳлил этилади .

Бихевиоризм – писон хотирасида эсла олиб қолишда такрорлаб олишнинг ажратилмайдиган диққатни қаратади.

Фрейдизм – хотирани эмоциялар, мотивлар ва эҳтиёжлар билан боғлайди.

Хотираларнинг мағлиқий назарияси (Бинс, Бюллер) хотиранинг материаллини, хотиранинг мағлиқий эсда олиб қолишиши билан боғлайди.

Феолият назарияси (А.П. Леонтьев, П.И. Зинченко, А.А. Смирнов) – фикрича, турли тасаввурлар орасидаги боғлиқлик эсда олиб қолинаётган материалнинг қандайлигига эмас, балки одамнинг у билан нима қилишига боғлиқдир. (материал хатти- ҳаракат мақсади сифатида намоён бўлади).

II. Хотира жараёнлари асослари ҳақидаги физиологик назариялардир. Вақт оралигида хотирада олиб қолиш, сақлаш ва эсга тушириш хотиранинг асослари физиологик назариясини ташкил қилади. Ҳар қандай ташқи таъсир нерв тизимида исиз ўтмайди ва қандайдир «из» қолдиради. Уларни ташқи таъсирсиз қайта тавдалантириши ҳам узига хос нерв жараёнидир. «Из» нинг физик таъсири қайта импульс ҳаракатини ентиллайди.

Вақтинчалик нерв муносабатларини юзага келиши, уларни «нанин» ва кейинчалик актуаллаштирилиши хотира жараёнлари асослари назарияси сифатида кўриб чиқилади.

Замонавий нейробиологик тадқиқотлар нейрон ва молекуляр даражада иларини сақлаш ва қайта эсга тушириш жараёнлари билан сугорилгандир.

III. Биохимик назария ташқи таъсир остида нерв ҳужайраларида юз берадиган ўзгаришларни қайд қилиш ва унда хотира жараёнида ДНК ва РНК аҳамиятини аниқлашга қаратилгандир. Дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) хотираши генетик турма ташувчи сифатида, рибонуклеин кислота (РНК) эса индивидуал хотиранинг онтогенетик асоси сифатида қабул қилинади.

Кибернетик назарияда – хотира маълумотни қабул қилиб олиш, сақлаш, қайта эсга тушириш ва унитидир.

Хотира жараёнларига эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унитини жараёнлари кирди. Эсда олиб қолиш – қабул қилинаётган предмет ва ҳодисаларни тасаввурлар сифатида қабул қилишидир. Эсда олиб

қолни — хотира, материали бўлиб, қайта эса тушириш хотира мазмунидир. Эса олиб қолниш механик ва мантиқий, ихтиёрний ва ихтиёрсиз бўлади.

Механик эса олиб қолниш табиқий боғланишлар орқали хотиралиб қолниш билан боғлиқдир.

Мантиқий эса олиб қолниш ички маънога эга бўлган боғланишларни хотиралашдир.

Бунда тафаккурни аҳамияти жуда каттадир. Педагогикани олгини қондаси бор. (Ўн Амос Коменский) « яхши тушунилган нарсадан бошқа ҳеч нарсаи ёдланга мажбурлаш мумкин эмас».

Ихтиёрсиз хотира олдиндан мақсад қўйилмаган, материал танланмаган ҳолда юз беради.

Ихтиёрний хотира мақсад қўйилиб, материал танланган ҳолда амалга оширилади.

Хотирада олиб қолнишнинг тежлиги, тўлилиги, аниқлиги ва мустаҳкамлиги шартлари нимадан иборат? Биринчидан хотирада олиб қолнишда бошқа жараёнлар хусусияти, иккинчидан махсус усулларни қўллаш, учинчидан инсонни эса олиб қолнаётган материалга бўлган мўпосабатига боғлиқдир.

1. Хотирада олиб қолнишда бошқа психик жараёнларнинг аҳамияти материал қандай қалинаётибди (қанча кўп сезги органлари иштирок этса шунча яхши); қандай тушунилаяпти (Рибников Н.А нинг тадқиқотида англанилган материал 22 марта англанилмаган материалга нисбатан кўпроқ хотирада сақланади); диққатнинг мавжудлиги; эмоционал ҳис қилиш; иродавий сифатларнинг намоён этиш.

2. Махсус усуллар — бу актив (қайта гавдалантириш) ва пассив (битта материални қайта идрок этиш)

Ўзбекистонлик психолог В.П. Ивановнинг тажрибаларида материални 4 мартаба оддий идрок этиш ва материал 52,5 % хотирада сақланган, 2 марта идрок этиш ва 2 марта қайта эса туширишда эса 75 % материал хотирада сақлаб қолинган, бир кун ўтгач хотирада биринчи усулда 27,5 %, иккинчи усулда 72,5 % материал хотирада сақлаб қолинган.

Хотира жараёнида вақтнинг аҳамияти катта. У узлуксиз ва тақсимланган бўлади. Вақтнинг тақсимланиши М.Н. Шардаковнинг тадқиқотларида ўзг аксини топган. Хотирада материални тақсимлаш ҳам катта аҳамиятта эга. Кичик материал яхлитлигича, катта материал эса бўлиниган ҳолда хотирада олиб қолниши ёки унда қўшма усулни қўллаш самаралидир (ўқини, англаш, қисмларга бўлиб ёдлаш).

Бошқа ёрдамчи усуллар (ёзиб олиш, конспектлаш, цитата кўчириш) ҳамда мнемоник усуллардан фойдаланиш (мнемонизинга – юнунча- фикрлар худоси) ҳам фойдаландир.

3. Эсда олиб қолинишган материалга шахсий муносабат – бу шахсий ийланма бўлиб, ҳар бир одамда ўзига ҳос ҳолда намоён бўлади.

Эсда олиб қолинишган материални сақлаш – хотира жараёни бўлиб, унда онг ҳаракати юзага келади. Хотирада инсон томонидан қабул қилинган барча нарса қолади ва маълум миқдори эсдан чиқади.

Қайта эсга тушириш – эсда олиб қолинган материални актуаллаштириш бўлиб, у узок муддатли хотирадан оператив хотирага ўтади. Эсга тушириш таниш ёки хотирлан, ихтиёрли ёки ихтиёрсиз бўлиши мумкин.

Таниш – бу қайта кўрганда эсга тушириш бўлиб, у қайта объектнинг идрок этиш натижасида юзага келади.

Хотирлан – қайта идрок этишсиз эсга туширишдир. У ихтиёрсиз (ассоциациялар асосида) ва ихтиёрли (продуктив вазифа юзага келганда) бўлади.

Қайта эсга тушириш қийинчиликларга дуч келганда юз беради.

Эсдан чиқариш – қайта эсга туширишдаги қийинчиликлар бўлиб, у таъсир изларни йўқотиш натижасида юз беради.

Эсдан чиқариш тўла, қисман, узок муддатли ва қисқа муддатли бўлади. Эсдан чиқаришда тормозланиш юзага келиши мумкин. Тормозланиш икки ҳилда: ретроактив (қайта таъсир этувчи) – вақт боғлиқлигини юзага келиши туфайли хотирада тормозланиш юзага келади. (масалан, тарих дарсидан сўнг адабиёт дarsi таъсирида)

Проактив тормозланиш – олдинги фаолиятни кейинги ёд олиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши.

Ретроактив ва проактив тормозланиш катта миқдорда материални ўзлаштиришда намоён бўлиши мумкин, бунда материални боши ва охири секин эсдан чиқади.

Яхши бошланган ва хотирага киритилган материал бош қисмида – проактив тормозланиш ва яхши якунланган материал охирида ретроактив тормозланиш юз бермайди. Бу Г. Эббингаус тадқиқотида ўз аксини топган.

Ушбу тадқиқотта асосан қайта эсга тушириш:

1/2 соатдан – 59 %, 1соатдан – 44 %, 9 соатдан – 36 %, 24 соатдан – 34 %, 48 соатдан – 28 %, бир ҳафтадан сўнг – 25 %, бир ойдан сўнг 21 % материал эсда сақлаб қолинганлиги кузатишган.

К.Д. Ушинскийнинг таъкидлашича, эсдан чиқиб кетгунга қадар такрорлаш зарур, "билим.ларни мустаҳкамлаш зарур, тўсилиб йўқ бўлиб кетганини тўғрилашнинг фойдаси йўқ."

Хотира тасаввурлари. — ўтмишда идрок этилган образларни эсга туширишдир. Хотира тасаввурлари идрокдан ёрқинлиги, аниқлиги тўлалиги билан фарқ қилади. Хотира тасаввурлари сезги органилари билан боғлиқ ҳолда — кўриниш, эшитиш, ҳаракат, вақт, фазо, техник, мусиқавий ва бошқа бўлиши мумкин.

Хотира турлари.

Психик фаолликта кўра хотира ихтиёрли ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин.

↳ Фаоллик мақсадига кўра — ҳаракат, эмоционал, образ ва сўз-мағлиқ хотирага ажратилади.↳

↳ Муддатига кўра узоқ муддатли, қисқа муддатли ва оператив хотира турларига бўлинади.↳

↳ Ихтиёрсиз хотира — эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш оралиғида бирор бир мақсадсиз юз бериши билан боғлиқ хотирадир.↳

↳ Ихтиёрли хотира — мақсад қўйилади, материал танланади ва махсус усуллар асосида хотирада сақлаб қолинади.↳

↳ Ҳаракат хотира — эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва эсга туширишлар ҳаракат билан боғлиқ бўлади. «Олтин қўллар» яхши хотира мисолидир.↳

Эмоционал хотира — ҳис туйғуга асосланган хотирадир. (Масялан, у матруза қилиётганда ундан, кўриқув, ишончсизликни эслаб қолади.)

Образ хотира — тасаввурлар, табиат ҳаётига боғланган хотира.↳ Масялан, рус рассоми Н.Н.Ге Петр I нинг сиройига бориб, бир кўришдаёқ хонанинг барча кўринишларини эсда сақлаб қолган.

Эйдетик хотирага (юнон. Eidos-образ,тур) эга бўлган кишилар кам учрайди. Бу хотира турнда идрок қилинган образлар аниқ ва равшан бўлиб сақланади.

Сўз-мағлиқ хотира — хотира асосида фикрлар, сўзлар, тушунчалар ётади. (педагогик фаоллиятнинг асосий хотира тури.)↳

Қисқа муддатли хотира — жуда қисқа эсга олиб қолиш ва эсга тушириши билан боғлиқ бўлган хотира.↳ Қисқа муддатли хотирада иконик хотира тури мавжуд бўлиб, у 0,1 — 0,5 секунд вақтда ўз ичига олади. Қисқа муддатли хотиранинг ҳажми 7+2 сонлар билан эсга аниқланиб, америкалик психолог олим Дж. Миллер ўзининг «7 +2 сирли сонлар» мақоласида «... бу сонлар менинг орқамдан эъза-из юради. Мен барча ишларимда уларга дуч келаман» деб ёзади. 7 сон фақат психологларни

нидан эмас, маъно, маталларда ҳам ўз аксини топади. Масалан: «Ётти марта ўчаб, бир марта кес», «Ётти киши бирини кутмайди» ва ҳ.к. Ислоҳ динида ҳам 7 совиёнига хос ифодаланган.

↳ Узоқ муддатли хотира – турли маълумотларни инсон томонидан узоқ муддатга сақлашда ифодаланган. У жуда кўп қайтарини ва эсга туширини эвазига вақтга келади. >

↳ Оператив хотира – узоқ муддат хотирада сиқланиб зарур вақтда эсга туширини билан боғлиқ бўлган хотира туридир. > (масалан, математик масалларни ечинда, оператив хотиранинг роли жуда катта)

Генетик хотира тури мавжуд бўлиб, у генотип билан шартлашган бўлиб, авлоддан-авлодга ўтади.

Хотиранинг индивидуал хусусиятлари

↳ Психологияда хотиранинг қуйидаги индивидуал турлари ажратилади – кўриш, эшитиш, мотор ва аралаш. >

- 1) Кўриш тури – кўриш орқали материални тез эслаб қолиши.
- 2) Эшитиш тури – эшитиш орқали материални яхши эсда олиб қолиши.
- 3) Мотор тури – едани қайта такрордан ёки ёзиб олинган орқали эсда олиб қолишидир.
- 4) Аралаш тури – бунда кўриш, эшитиш, кўриш-мотор, эшитиш мотор турлари ҳақида гапирини мумкин. >

Нейтрал хотира тури ҳам мавжуд. Бунда кўриш, эшитиш ва моторик турларининг аҳамияти бир ҳил бўлади.

Индивидуал фарқлар даражаси ҳақида қуйидагиларни айтиши мумкин: а) бир шеърни ёдорида турли кишиларда 10 дан 26 мартабагача қайтарини зарур бўлган; б) бир текстин ўқиб бир киши 127 та, бошқаси 45 сўзни эслаб қолган; в) шили фигураларни эслаб қолиши учун уларни 33 дан 75 мартабагача кўрлатини зарур бўлди.

Хотира сифати хотирада олиб қолиши тезлиги, эсда олиб қолиши мустаҳкамлиги, эсга туширини тезлиги билан характерланади.

Эсда олиб қолиши ва эсдан чиқарини тезлигига кўра хотиранинг қуйидаги индивидуал хусусиятлари мавжуд.

2 схема

№	Эсда олиб қолиши:	Унитилиши:	Хотира номи
1.	Тез	Тез	Тез эсда олувчи хотира
2.	Тез	Секин	«кучли» хотира
3.	Секин	Секин	«Узоқ ёдловчи» хотира
4.	Секин	Тез	«кучсиз» хотира

Хотира инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. У орқали инсон дунёқарани келгайди. Усиз билимин мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ҳаёл.

Инсонлар борлиқни англаб, унда юз бераётган нарсаларни қабул қилиб қолибгина, уни ўзгартиришга ҳам ҳаракат қиладилар. Борлиқни амалиётда ўзгартиришга олишни билши билан бирга ҳаёдан ҳам ўзгартиришни билши лозим. \

↳ Ҳаёл – онг фаолияти бўлиб, мавжуд тасаввурлар орқали янги, ҳаётида мавжуд бўлмаган образлар, объектларни яратиндир. \

↳ Ҳаёлнинг функцияси – ўтган тажриба натижаларни қайта ишлайдир. Ҳеч нарсасиз ҳаёл мавжуд бўлиши ва яратилиши мумкин эмас. ушбу тасаввурлар хотира тасаввурларидан фарқ қилади ва ҳаёл тасаввурлари деб аталади. \

...Ҳаёлнинг нерв-физиологик асослари инсон онтида ётган илгари мавжуд бўлган боғлиқликларни вақт боғлиқликлари асосида қайта ишлаш ва янги бирикмаларни яратиндир.

Ҳаёлнинг ўзига хос фаолияти хотира тасаввурларни таҳлил ва синтезида намоён бўлади. Ҳаёлнинг жараёнларига ағлотивация, акцентирлаш, схематизация, типиклаштириндир.

Агглютинация – бир неча предметларни қисмларини алоҳида бир ягона образда бирлаштириш (ёшиштириш)дир (сувиари – боши, танаси – аёл, думи - башиқ, сочи сувўтлари; Сфинкс – танаси – шер, боши, кўкраги аёл, қаноти қуш).

Ҳаёлнинг мураккаб хусусиятлари адабий образларни яратишда аке эгади. Масалан, Л.Н. Толстой «Уруш ва Тинчлик» романидаги Наташа Ростова образини икки киши характери хусусиятларини бирлаштирган ҳолда яратган, бири хотини – Софья Андреевна, иккинчиси унинг синглиси Татьяна эди.

Ҳаёл жараёнида хотира тасаввурлари катталантириш ёки кичиклаштиришда, предмет қисмларни кўпайтиришда ифодаланганини мумкин.

Акцентрлаштириш – у ёки бу хусусиятларга урғу берин орқали янги образларни яратини. Масалан, Баҳодирлар, лилипутлар, Гулшанвер образлари бунга мисол бўла олади.

Схемалаштириш - бирор бир образларни тасвирландида умумий бош хусусиятларга тўхталиш.

Тиниклантириш – бир ҳилда қайтарилувчи фактларни конкрет образда намоён бўлиши. М.Ю. Лермонтов «Печорин – бу ўша давр ёш авлодларининг камчиликларини ўзида мужассамлаштирган инсон портрети» деб ёзган эди.

А.С. Пушкин «асл ҳаёл гениал билимларни талаб этади» деб ёзган бўлса, К.Д.Ушинский «Ўқучи ҳаёл фаолияти ақлнинг маҳсули» деб айтган.

Ҳаёл турлари

Ҳаёлининг қайта тикловчи, ихтиёрий ва ихтиёрсиз (продуктив ва репродуктив, пассив ва актив) турларига бўлинади. Туш, орау, галлюцинация пассив ҳаёл турларига киради.

Тушлар – уйқуда юзага келадиган ихтиёрсиз образлар бўлиб, улар тез унутилиши ёки узоқ муддатга сақланиши мумкин. Бунда уларнинг ситуатив характерлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Орау ҳам инсон онгидаги реал ва нореал тасаввурлар билан боғлиқдир.

Актив ҳаёл инсонни ҳаётгий режаларини, хошин истакларини амалга оширишида ўз ақлини топади. Масалан, янги автомобил яратиш, ГЭС қурилиши режаси тузиш шуларга мисолдир. Репродуктив ҳаёлда аниқ реал элементни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилади. унда фантазия элементлари мавжуд бўлади. Бундай ҳаёл хотира ёки идрокка ўхшаб кетади.

Масалан, Амир Темур юришлари, бадий адабиётда табиат манзараларининг ифодаланиши шулар жумласига киради.

Продуктив (ижодий) ҳаёл – бизнинг тажрибамизда мавжуд бўлмаган образ ва объектларни яратиш билан боғлиқ бўлган ҳаёл туридир. Масалан, ихтирочи, ёзувчи янги нарса яратади.

Ижодий ҳаёл санъатнинг барча турларида ифодаланади ва асос этади.

Ҳаёл жараёни натижасида ҳаёл образлари юзага келади. Улар эртак, илмий-фантастик, мистик бўлиши мумкин. Бадий образ яратилиши жараёни маълум технологияга эга бўлиб, аввал образга асос солинади, кейин у устида аналитик иш олиб борилади, сўнг гоё амалга оширилади.

Ижодий ҳаёлда руҳланиш, илҳомнинг роли жуда катта бўлиб, у психик ва нерв қўзаланиши, диққатни максимал тўшлаш, иродага зўр берини, фикрни аниқлиги, хотирани тезлиги билан ифодаланади. Ижодий ҳаёлда интуициянинг роли мавжуд. Масалан, Бетховен шундай кучга эга эдики, қар бўла туриб ҳам, буюк «Тўққизинчи симфония»ни ярата олган.

Реал ҳаёл тез амалга ошади. Масалан, буюк келажак, Республикамиз ҳақидаги ҳаёллар бизнинг кўз олдимизда амалга ошди. Реал бўлмаган ҳаёл ҳаётда ўз аксини топмайдиган, мантқиқсиз, маъносиз образлар бўлиб, масалан Маниловнинг «Омонўпар саройлар»и унга мисолдир.

Ҳаёл инсонни барча фаолият турларида муҳим (ўйин, ўқини, меҳнат) аҳамиятга эга.

Бадний адабиётини ўқини – ҳаёлни ривожлантиришнинг энг яхши мактабидир, у ҳаёлни тарбиялашнинг кучли воситаси ҳам.

Ҳаёл бу буюк қадриятдир. Ушбу хусусиятини ёш авлодда ривожлантириш – педагогик амалиётнинг муҳим вазифасидир.

Қайтариш учун саволлар

1. Хотиранинг асосий хусусиятларини айтинг. Психологик-биохимик, физиологик ёндашувларни солиштиринг.
2. Хотиранинг асосий жараёнлари нимадан иборат?
3. Хотира турларининг асосий хусусиятларини очиб беринг.
4. Хотиранинг индивидуал тури деганда нимами тушунасан? Қандай турларин биласан?
5. Эслаб қолишнинг асосий шартлари нима?
6. Ҳаёлнинг бошқа билим жараёнлари билан солиштиринг.
7. Ҳаёлнинг турлари классификациясини келтиринг.
8. Ҳаёлнинг асосий психологик механизмлари нимадан иборат?
9. Инсоннинг ижодий фаолиятида ҳаёлнинг ролини айтиб беринг.
10. Ўқувчиларни ҳаёл қобилиятини таҳлил қилинг ва уш ривожлантириш йўллариин айтинг.
12. Орау, фантазия, тушнинг фарқи нимада?

XI БОБ «ТАФАККУР»

Режа:

- ✓ 1. Тафаккур хақида тушунича.
2. Психологияда тафаккур назариялари.
- ✓ 3. Тафаккур операцияси.
4. Тафаккурнинг маънавий шакллари.
5. Тушунича.
- ✓ 6. Тафаккур турлари.
7. Тафаккур ва масалаларни ечиш.
- ✓ 8. Мустақил тафаккурни шакллантириш.

└ Тафаккур-инсоннинг ақлий фаолиятининг юқори шакли, реал оламни аке эттиришнинг умумлашган ва бевосита усули бўлиб, объектлар орасидаги боғлиқлик, билиш жараёни, янги билимларни очиб, ижодий, муаммоси масалаларни ечишга қаратилган жараёндир. >

└ Тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари уни тил билан бевосита боғлиқлигидир. Тафаккур нутқда номоён бўлади. Тафаккур инсон ҳаёти тажрибасида сезил, идрок ва тасаввурлар асосида юзага келади, на ринвожланади. Тафаккур туфайли сезил ва идрок асосида оламни аке эттириш янада аниқ ва тўғри бўлади. Тафаккур борлиқни умумлашган холда аке эттиришидир.

└ Тафаккур ёрдамида биз предметлар орасидаги боғлиқлик ва муносабатларни яна ҳам чуқурроқ англаймиз ва очиб берамиз. >

Тафаккур биз бевосита кузатмаган нарсаларни ҳам билишимизга имкон яратади.

ТАФАККУР НАЗАРИЯЛАРИ

Тафаккур муаммоси донмо олимлар диққатини ўзига тортиб келган. Уни талқин этишда турли ёндашувлар мавжуд.

Тафаккур ассоциатив психологияда ассоциациялар билан боғланилади. Бунда ўтмишдаги идрок ва тасаввурлар ҳозирги замон тажрибасидан келиб боғланади. Ушбу назария тафаккурнинг фаолиги, унинг ижодий характерини очиб бера олмаган.

Бихевиоризмда тафаккур предмет ва реакциялар орасидаги мураккаб боғлиқликни шаклланиши, масалаларни ечиши билан боғлиқ амалий кўникма ва малакаларни юзага келиш жараёни сифатида номоён бўлади.

Гештальтпсихологияда тафаккурни масалани нитутув олдидан екинчи усули сифатида қабул қиладилар.

Психоаналитиклар ҳам тафаккур муаммосини хал этинди ўз хиссаларини қўйганлар. Улар диққатни тафаккурнинг онгсиз турларига қаратганлар ва тафаккурни мотивлар ва эҳтиёжлар билан боғлиқлигини аниқлаганлар.


А.Н.Леонтьев ўзининг тафаккур концепциясида ташқи ва ички фаолият тизимлари орасидаги аналогик муносабатлар мавжудлигига, назарий фаолиятга ташқи амалий хатти-харакатларни ва аксинча амалий фаолиятга ички тафаккур операцияларида киритган.

Тафаккурнинг фаолият назарияси болаларни ақлий ривожланишини ва таълим билан боғлиқ бўлган муаммоларни хал қилишга ўз хиссасини қўйган. У асосда И.Я.Гальпериннинг ақлий хатти-харакатларни этапма-этап шакллантириши назарияси, Л.В.Занковнинг «юқори даражадаги мураккаблик» тизимига асосан таълимни ташкил этини назарияси, В.В.Давыдовнинг ўқувчиларда тафаккурни шакллантириши назариялари юзага келган. Охириги йилларда тафаккурнинг информацион-кибернетик назариялари ҳам пайдо бўлмоқда. ЭХМда қўлланиладиган операциялар (инсон тафаккур этинида қўллайдиган операцияларга жуда ўхшайди.)

↳ **Тафаккур операциялари.** Тафаккур жараёни махсус ақлий операциялар кўринишида юзага келади. Улар асосида бунга янги фикрлар, тушунчалар, хулосалар пайдо бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:


1. **Таққослаш.** Бу фикрлан операцияси бўлиб, предмет ва хосиллар орасида ўхшашлик ва фарқлар, тенглик ва тенгсизликлар, қарама-қаршиликларни помоён бўлишида кўришади.

2. **Анализ (тахлил)** - янги предметларни қисмларга бўлиши ва уларни алоҳида хусусиятлари ва элементларини ажратини. Анализнинг схемаларини қуйидагича келтириши мумкин:



Сакраш ҳақида ўйлар эканмиз ҳаёлан уни биз — югуриш, итарилиш, учини фазаси, ерга тушиш каби қисмларга ажратибанализ (таҳлил) қиламиз.


3. **Синтез** — анализ (таҳлилга) қарама-қарши операция бўлиб, унда анализ жараёнида ажратилган бўлақлар асосида предмет яхлитланади.



Масалан югуриш, итарилиш, учини фазаси, ерга тушиш каби қисмларнинг яхлитланишида сакраш юзага келади.

4. **Мавхумлаштириш** — объектдан бирор-бир хусусиятини ақлий ажратишда номоён бўладиган фикрлаш операциясидир. Масалан, досканинг қоралиғи, ҳамда ҳаракатланиш ҳақида фикрлаш.


Мавхумлаштириш схемаси



Масалан, ойна қатор хусусиятларга эга-шаффоф, қаттиқ, тез синувчи ва х.к. биз эса уни мавхум «шаффоф» хусусиятини ажратамиз ва абстракт фикрлаймиз.

5. **Умумлаштириш** — ўхшаш, боғлиқ хусусиятларни бир тушунчага жамлаш, яъни бир турдан предметларни фикрлан бирлаштириш. Масалан, олма, олхўри, узум, нок-мева; дарахт, гул, ўт-ўсимликлар.

Умумлаштириш схемаси қуйидаги кўринишга эгадир:



6. Аммо умумлаштириш ва мавжумлаштириш - **конкретлаштириш** каби уларга қарама-қарши операцияни юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, умумлашган “уй ҳайвонлари” тушунчаси, “от”, “қўй”, “мушук” каби тушунчаларда конкретланади. Конкретлаштиришнинг мавжуд бўлмалигини ўқувчи билимида формализмнинг юзага келтиради.

7. **Классификация** - умумий, ўхшаш хусусиятга эга предмет ва нарсаларни гуруҳларга бўлиш.

Масалан, кутубхонада китобларни жойлаштириш, фанлар классификацияси.

8. **Системалаштириш** - умумий қонуниятларга асосан фикрларни гуруҳларга бўлинган предметларни тартибга келтириш, системалаштириш белгилари-хронологик, фазовий, маънавийдир.

Тафаккурнинг маънавий шакллари тафаккур жараёнида алоҳида фикрлаш операциялари асосида бизда алоҳида фикрлар ҳукм сифатида юзага келади.

Ҳукм - тугалланган фикрдир. Ҳукм - предмет ёки хусусиятнинг тасдиқланган ёки инкор этили билан боғлиқ фикрдир.

Масалан, “Тошкент - Ўзбекистон пойтахти”, “Тон сузда сузмайди”.

Ҳукмнинг қуйидаги турлари мавжуд: бирламчи (ягона предмет ҳақида), хусусий ёки қисмий (предмет ёки ҳодиса қисмига ҳос), умумий (умуман предмет ҳақида). Улар таъкидловчи, инкор этувчи, рост, ёлгон, шартли, айирувчи (предметга бир неча хусусиятдан ягонаси тегинли бўлиши), ҳақиқий, зарурий ва ҳ.к. Ҳукмлар ҳулоса йўли билан юзага келиши мумкин.

Ҳулоса - тафаккурнинг маънавий шакли бўлиб, бир неча маълум ҳукмдан ягона ҳулоса қилинади. Ҳулосалар - индуктив, дедуктив, аналогия турларига бўлинади.

1. **Индуктив ҳулоса** - бир неча бирламчи ҳукмлардан ягона ҳулоса қилинидир. Масалан, “Дарахт қиздирилганда кенгайди”, “Темир қиздирилганда кенгайди”, «Сув иситилганда кенгайди», ҳулоса- «барча жисмлар қиздирилганда кенгайди».

2. **Дедуктив ҳулоса** - умумий ҳукмдан бирламчи ҳукмга ҳулоса қилинади. “Барча металллар электр токини яхши ўтказяди: Алюминий металл”. Демак “алюминий - яхши электр ўтказувчидир”.

3. **Аналогия** - бирламчи, ягона ҳукмдан ягона, бирламчи ҳукмга чиқарилади: “Қуёшда ердаги каби элементлар мавжуд”, “Қуёшда гелий мавжуд” ҳулоса “демак, ерда ҳам гелий мавжуд бўлиши мумкин”.

Шундай қилиб, ерда гелий элементи очилган.

Айрим ҳодисаларни тушунишни учун фанда қўлланиладиган, лекин уларнинг тўғрилиги старли даражада асослаб берилмаган тахминий фикрлар фанда гипотезалар (фаразлар) дейилади. Амалиёт ва фанга қарши бўлмаган ва амалиётда ўз тасдиғини тошган гипотезалар назарияга айланади.


↳ **Тушунча.** Тафаскур жараёнида тушунчалар пайдо бўлади, улар ўзаро боғлиқлик ва муносабатларни янада яқинроқ, чуқурроқ англашга имкон беради. Бирор бир предмет ёки ҳодисанинг тушунчасини билиш - бу бир неча ҳукмга эга бўлишидир. >

↳ **Тушунча** - миянинг олий маҳсули, ақлий образи умумлашган шаклдир. >

Тушунчалар предметли (конкрет) ва абстракт (мавҳум) турларига бўлинади. Тушунча ичига кирувчи объектлар миқдори тушунча ҳажмини таъкил этади. Ҳажмига кўра тушунчалар ягона ва умумийга бўлинади. Тушунчалар илмий бўлмаган, оддий, ҳаётий, илмий, кенг ва тор бўлиши мумкин.

Тушунчаларни оғзаки шаклда ифодалангани аниқланишидир (хусусиятини тури ифодаланади). Масалан, от - нутқнинг қисми бўлиб, предмет белгисини билдиради ва ким? нима? сўроғига жавоб беради. Тушунчалар тарих ривожланишини асосида инсон онгида юзага келади.

Тушунчалар сўзлар ёки сўзлар гуруҳида ифодаланади. Улар сезги, идрок ва тасаввурлар асосида юзага келади. Уш қуйидаги схемада кўрини мумкин:



Тушуниш - мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, асл муносабат ва боғлиқларни очишдир. Тушуниш предметни тасвирлаш, у ҳақда ҳукм чиқариш асосида юзага келади. У ҳодисанинг тўғрилиғига ишончини юзага келтиради.

Тафаккур жараён сифатида. Тафаккур мураккаб жараёндир. У ниямадан бошланади? Тафаккур муаммони фазият юзага келишдан бошланади. У янги мақсадлар юзага келганда, эски воситалар ва усуллар старин бўлмаганда пайдо бўлади. Бундай вазиятлар муаммони вазият деб аталади.

Муаммони вазият - фикрлан масаласи юзага келиб, у ақлий фаолият билан боғлиқ бўлса, ҳамда уни ечинда инсонда поаниқлик, эски усуллар ўз самарасини бермаса юзага келади. Муаммони ечини жараёнида инсон гинотезини олдинга суради, янги масалани ечини дойиҳасини. Ушбу этапдан инсон ўз тафаккурининг схемасини шакллантиради, мантқан фикрлайди. Муаммони вазият бу инсон учун тушунарлик, илгари учрамаган, уни ҳавотирга солувчи вазиятдир. Муаммони ечини бу “хатолар” усули ҳамда “вазифани ечини стратегиясини» ечиб чиқиндир. Бунда инсон унга таниш ва нотаниш барча усулларни қўллаб тўсатдан муаммони ечинини мумкин. Вазифани ечини стратегиясини ишлаб чиқинда инсон маҳдум асосга ёнидади, уни ечини тўсатдан, дақиқадаги “инсайт”, “сруелик” сифатида намоён бўлади.

Тафаккурда интуиция ҳодисесининг ўрни мавжуд. **Интуиция** - мураккаб вазиятларда тўғри йўналишни олиши, тўғри ечимини топиши, ҳодиса йўналишини ва ечимини олдиндан кўра олишини.

Кейинги йилларда муаммони ҳал етишида “онга ҳужуман татсири эгини” (брейнсторминг) методидан фойдаланиши кенг қўлланилмоқда. Ушбу метод ижодий гуруҳда ишловчи кишилар ақлий фаолиятини фаоллантиришига қаратилгандир. Инсоннинг ақлий фаолиятини аниқлашида биз тез-тез “ақл”, “интеллект” каби тушунчаларни қўллаимиз.

Ақл-фаросат - бу борлиқни назарий эгаллашининг олий формаси бўлиб, у инсоннинг фикрлаш қобилиятида намоён бўлади.

Интеллект - умумий билим қобилияти бўлиб, инсонни билимини эгаллашга тайёргарлиги ва бунда ақлий хатти-ҳаракатларни намоён қилишида фойдаланади.

Тафаккурнинг асосий механизмлари. Тафаккур жараёнида объект янги алоқаларга киришади ва янги тушунчаларни кашф етади, бунда объектедан янги мазмун намоён бўлади, уни янги қирралари, янги хусусиятлари очилади. Айтилган асосий тафаккур механизми “синтез орқали анализ қилиш” деб аталади. Янги хусусиятларни анализ қилиш объектларни синтез асосида амалга оширилади. Миянинг аналитик-синтетик фаолияти уч зиснадан иборат - аввал “Синтез-1” (тадқиқ қилинувчи объектин бонқа объект билан солиштириши), сўнг “анализ” (объектнинг хусусиятларини намоён қилиш) ва ушбу асосда “Синтез-2” (қўйилган

вазифани ҳал этиш). Шундай қилиб, тафаккур механизми “Синтез-1 - анализ - “Синтез-2” сифатида ифодаланиши мумкин.

Тафаккур турлари.

Инсон тафаккури қуйидаги турларга бўлинади.

Мураккаблигига қараб у - оддий (жавоб дарҳол тайёр) ва мураккаб (жавобини излаш, уни ечиш, ундан сўнг эса жавобдир).

Аслигига қараб - ихтиёрий (савол қўйилади, жавоб эса продага зўр бериш орқали берилади) ва ихтиёрсиз худди Архимед қонуни ёки Менделеев таблицасининг топилиши (очилиши).

Умумлаштириш даражасига кўра - конкрет - предметли - ҳаракат, предметли - кўрғазмасли - образли турларга бўлинади.

Абстракт, мавҳум тафаккур абстракт туншунчалар суянади. Масалан, “ $x+5=10$ ” тенгликни ечиш.

Тафаккур назарий бўлиши мумкин, бунда “Бу нима?”, “Нега у рўй беришти?” деган саволларга жавоб беришга қаратилган.

Амалий тафаккур “Бу ҳодисани қандай ўзгартириш мумкин?”, “Бу мақсадга эришиш учун нима қилиш керак?” деган саволларга жавоб топишда намоён бўлади.

Ва ихтиёрт, тафаккур репродуктив ва ижодий бўлиши мумкин.

Репродуктив тафаккур - бу стандарт тафаккур бўлиб, унда қайта мантиқлар асосида эгалланган усуллардан масалани ечишда фойдаланилади.

Ижодий - янгиликни очиб билан боғлиқдир. Репродуктив, ижодий тафаккуриш ўрганувчи фан эвристика фани деб аталади.

Тафаккур турлари таълим характериға боғлиқдир.

Қуйидаги таблицада биз буни келтирамиз.

Таълим тури	Таълим олувчи нима қилади	Қандай тафаккур тури шаклланади
Алгоритмик таълим	Дарслик ёки ўқитувчидан нусха олинади	стандарт репродуктив тафаккур
Туншунтирувчи-ифодаловчи, йўналтирувчи	Ярим мустақил фикрлаш, яъни ўқув материалларини ўзлаштириш Репродуктив, ярим мустақил тафаккур	Репродуктив, ярим мустақил тафаккур
Муаммони излашни	Мустақил равишда янги туншунчаларни синтез қилиш	Продуктив тафаккур

“Қадрлар тайёриши миллий дастури” (1997 йил) таълим муассасалари олдига мустақил фикрловчи шахсни шакллантириши муаммосини қўйгандир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиши кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўнича яхши тушунамиз. Лекин афсуски, амалда, таърибамизда унга рўя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган эғиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак, ammo, билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаши ҳам катта бойлик”⁶.

Ҳозирги замон олий ўқув юр்தларининг вазифаси ёш авлодин мустақил фикрлашни ўргатишидир. Албатта фикрлашида ҳам индивидуал фарқлар мавжуд. Фикрлашни билиши - бу инсоннинг ақлидир.

Ақлнинг қуйидаги сифатларини ажратили мумкин:

1. Мазмундорлик (бойлиги, чуқурлиги, ҳукмга бойлиги).
2. Фикрлаши кенглиги (кенг ва тор) фикрлашининг кенглиги ва чуқурлиги назария ва амалиётнинг узвийлигига боғлиқдир. Амалиёт, ҳукмининг тўғрилиги мезонидир.
3. Фикрлашининг мустақиллиги - умумий таърибани қўллаш олин, шахсни фикрга эга бўлиши, таърибага муносабат билдирили.
4. Ақлий танаббускорлиги.
5. Ақлий эгилувчанлиги, вазифани стандарт ечиндан қочили.
6. Ақлнинг танқидийлиги, ўз ишини аниқ баҳолаш олин, уни ўлчани.
7. Ақлнинг маҳсулдорлиги.
8. Фикрнинг кетма-кетлиги.
9. Тафаккурнинг тезлиги.

Ақл ҳақида айрим олимлар ва арбобларнинг фикрлари келтирамаиз.

“Ургу ақл эгалари ўз одилларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари ортдан эрганадилар” (Вашингтон Иршинг).

“Ақл - бу яхши танқил этилган билимлар тизимидир” (К.Д.Ушинский).

Юқорида айғиб ўтилган барча сифатлар ёш ўзгарган сари ўзариб боради. Ижодий инда фикрлашининг мустақиллиги ва танқидийлиги зарур бўлиб, у ақлий фаолиятнинг продуктивлигини таъминлайди.

⁶ И.А.Каримов. Бариямоқ авлод орқуви. Т.: 1998, 16- бет.

Қайтариш учун саволлар.

1. Тафаккур бошқа ҳиссий биллиг жароёнларидан нимаси бизан фарқ қилади?
2. Иисон тафаккурининг моҳияти нимадан иборат?
3. Тафаккурининг субъективлиги нимада намоён бўлади?
4. Масала деганда нимаши тушунасиз?
5. Масала ечиши усулларини солиштиринг ва тушунтиринг.
6. «Интуция», «Гипотеза», «Режа», «Стратегия» тушунчаларини шохланг.
7. Ақлий фаолият бу нима?
8. Таҳлил, синтез, умумлаштириш, хулоса, классификация ва системалаштиришга мисоллар келтиринг
9. Таҳлил ва синтез моҳиятини тушунтиринг
10. Ўқувчи ўқув материалани тўғри тушуниганини қандай текшириш мумкин?
11. Тафаккурининг асосий турларини таҳлил қилинг
12. Дўстларингизнинг тафаккур хусусиятларини тавсифланг.
13. Ақлини- мустақиллиги ва танқидийлигини тарбиялаш йўллари борми?
14. Ушбу тушунчага изоҳ беринг: «Мустақил тафаккур ҳам катта бойликдир».

РЕЖА:

1. Мотив ва мотивация.
2. Мотивациянинг психологик назариялари.
3. Ҳис-туйғу ва эмоциялар.
4. Инсоннинг олий ҳислари.
5. Ҳис-туйғу назариялари.
6. Ирода
7. Ирода назариялари.
8. Ирода ҳусусиятлари.

Маълумки, мотив – инсон ҳуқ-атворининг ички барқарорлигидир. Мотивация эса ҳуқ-атворини психологик ва физиологик бошқаринишнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббус, йўналганлик, таъкидлотчилик, қўллаб-қувватлаш кирadi.

Мотивировка деганда инсон ҳуқ-атворини тушутириши бўлиб, унда «Нима учун?», «Қандай мақсад билан?», «Қандай маънода?» каби саволларнинг мотивацияга боғлиқлигидир.

Инсон эҳтиёжлари, мақсади, натижи, қизиқинлари шахсий ҳолатлардир. Эҳтиёж – бу организмни нормал мавжуд бўлиши билан боғлиқ ҳолатдир. Америкалик психолог А.Маслоу «Инсон эҳтиёжларини иерархия тизимларини қуйидагича тавсия этади:

1. Физиологик эҳтиёжлар- очлик, чанқан, жинсий ҳоҳиш.
2. Ханфислик эҳтиёжи- ўзини ҳимояда сезиш, қўрқувдан ҳоли бўлиш.
3. Ҳурматда бўлиш эҳтиёжи- муваффақиятга эришиш, обрўга эга бўлиш.
4. Билим эҳтиёжлари- кўн билишга интилиш, тушуниш, тадқиқ қилиш.
5. Эстетик эҳтиёжлар- гўзалликка. Тартибга интилиш.
6. Ўз-ўзини астуаллаштириш, ўз қобилиятларини намойи қилиш, ўз шахсини ривожлантириш эҳтиёжи.

Инсон мотивлари орасида муваффақиятга эришиш мотиви – муваффақиятсизликдан қочиниш мотивидан устун бўлиб, муваффақиятга эришиш мотиви шахсининг барқарор ҳусусиятидир.

Мотивациянинг бир неча психологик назариялари мавжуд.

1. Қарор қабул қилиш назариясида таъкидланишича, инсон олин тафаккурга, ирода ва ҳағти-ҳаракатни таълаш имкониятига эга.

Демак, инсон ҳулиқи мотивининг асоси ақл, онг ва инсон худасидир.

2. Инстинктлар назариясида (З.Фрейд, У.Макдуголл) – биологизатор нуқтаи назар мавжуд бўлиб. Унга асосан инсонга, ҳайвонларга хос инстинктлар бириктирилган.

XX асрнинг 20-йилларида инстинктлар назарияси ўрнига инсон ҳулиқ-атворини биологик эҳтиёжлар билан боғловчи концепция юзага келади.

3. Ҳулиқ-атвор мотивацияси назарияси ва олий нерв фаолияти назарияси XX аср бошида пайдо бўлиб, ҳулиқ-атвор «стимул-реакция» схемада кўриб чиқилади. И.П.Павлов ва унинг издошлари (Н.А.Бернштейн, П.К.Анохин) ҳулиқ-атвор динамикаси функционал системаи моделини ишлаб чиққанлар.

4. Мотивацияга когнитив ёндашув назарияси- инсон ҳулиқ-атворини тушутиришда унинг онги ва билими билан боғлиқ феноменларга алоҳида эътибор берилади. (Л.Фестингер – когнитив диссонанс назариясининг асосчиси) Ушбу назарияга асосан инсонни олам ва ўзи ҳақидаги билимларни бириктиришига интилади. Ўзаро дисбаланс юз берганда ҳулиқ-атворининг кучли мотиви юзага келади. Д.Аткинсоннинг мотивациянинг умумий назарияга асосан маълум даражада инсон ҳулиқ-атворини қўлаб-қувватлаш зарурдир.

5. Фаолият назарияси (А.Н.Леонтьев)га асосан мотивларни юзага келтирувчи кучлар эҳтиёжлардир. Бундан шундай қонуният юзага келадик, мотивлар ривожланиши фаолият кенглигининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у предмет фаолиятини ташкил этувчисиدير.

Ҳис-туйғу ва эмоциялар

1. Инсоннинг эмоционал ҳаёти, унинг ҳис-туйғулари , қувонч-ташвиши, хурсандчилиги азал-азалдан инсонлар эътиборини ўзига тортиб келган.

Ҳис-туйғу бу нима? Бу –борлиқни ўзига хос акс этиши бўлиб, унда инсоннинг оламга субъектив муносабати акс этади.

Ҳис-туйғу – психик жараён бўлиб, унда инсонни борлиққа ўзининг шахсий. Ички субъектив муносабатини акс этади.

Эмоциялар – оддий психик ҳолат бўлиб. У инсонни организмни умумий ҳолатида юзага келади ва эҳтиёжларни қондириш жараёнида мавжуд бўлади. Ҳис-туйғу психик жараёнига бўлиб қолмай, психик ҳолат ҳамдир. У хусусият билан характерланади: а) қониқши ёки қониқмаслик

ҳолатини мавжуд бўлиши; б) ижобий ва салбий ҳислар; в) нерв кескинлигини юзага келиши ва бу кескинликни юмшатиш.

Эмоционал ҳолатларнинг 4та хусусияти мавжуд: 1) шахсни объектга ижобий муносабати; 2) салбий муносабати; 3) иккиламчи муносабат (севиш ва нафратланиш, хурсанд бўлиш ва қайғуриш).

Ҳис-туйғуни юзага келтирувчи сабаб- стимуллاردир. Фаолигига кўра ҳислар стеник (кучли) ва астеник (кучсиз) турларга бўлинади.

Стеник ҳислар инсон фаолигини оширувчи, уни умумий энергиясига асос солувчи ҳислардир. Улар қувонч, кўтаринкилик ва ҳ.к.

Астеник ҳислар (пассив) – тинчлик, хотиржамлик, ўқинч, инончсизлик ва ҳ.к. Бефарқлик, бепарволик ҳолати апатия деб аталади. }

Ҳисларнинг ташқи ифодаланиши.

↳ Ҳислар ташқи жиҳатдан намоён бўлиб, улар хатти-ҳаракатларда, юзди намоён бўлади. Уни ташқи ифодаланганлик ёки экспрессия деб аташади.

Экспрессия – ҳисларнинг специфик намоён бўлиши бўлиб, у овозда, мимика, пантомимика, юришда, йиғи, кулгуда намоён бўлади.

Мимика- инсонни юз тузулишида ифодаланиши бўлиб, унда идрок этилаётган нарсага нисбатан муносабат акс этади.

Пантомимика – тана, жасдларни ифодаланиши бўлиб, } психолог Р.С.Янкселевич тадқиқотида Э.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романида инсонлар табассуми ва юз ифодаланиши 85 та кўз қараш ва 97 та табассум намоёнлиги аниқланган. }

Ҳислар турлари .

↳ Ҳислар мазмунига ва қўғалувчанлигига қараб бўлинади. Ҳислар қўғалувчанлиги тезлигида, кучи ва давомийлигида намоён бўлади. Тезлик кучли, секин; кучига кўра кучли ва кучсиз; барқарорлигига кўра барқарор ва беқарор бўлади. Куч ва барқарорлик чуқурлигига кўра тасаввурлар, фикрлар, интилишларга бой бўлади. ~

Ҳақиқий севиш – бу чуқур ҳисдир.

Кучи, тезлиги, барқарорлигига кўра қуйидаги эмоционал ҳолатлар ажратилади.

1. Кайфият- эмоционал ҳолат бўлиб, у кучсиз ва ўртача барқарорликда бўлади. Кайфият хусусияти- инончлик, уни юзага келтирувчи сабабни баъзан инончлигидир. У- кўтаринки, ёмон, ғазабли, яхши ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

2. Кўтаринкилик – эмоционал ҳолат бўлиб, у бирор бир мақсадга интилганда юзага келади. У қисқа муддатли ва давомли бўлиши мумкин.

3. **Кучли ҳошиш-истак** – давомли ва барқарор, кучли эмоционал ҳолат бўлиб, у маълум хатти-ҳарикатга интилишида намоён бўлади.

4. **Аффеқтлар** ўта кучли тез пайдо бўлувчи ва қисқа муддатда эмоционал ҳолатда кечувчи (**ғазиб, нафрат, қотиб қошиш**) ҳолатдир. Аффеқтлар ирода сусайганда, одамни ўзини ушлай олмаганда юзага келади. Аффеқтда одам ўзини англамайди деган фикр нотўғридир. Фақат бетоб кишиларгина англамасликлари мумкин. Аффеқтив ҳолатни олдини олиш учун уни пайдо бўлишига асос яратмаслик керак.

Қадимдан бир ўғит бор : «Жаҳонинг чиқишидан аввал ўнгача сана». И.С. Тургенов, мунозарада асабийланиб аффеқтив ҳолатга тушган кишини тилини оғиз бўшлиғида 10 мартаба айлантиришини тавсия этади. Ушбу тавсияларни асосида диққатин бир жойга тўшлаш, ўзини совишти ҳолатига олиб келиш ётади.

5. **Стресс** – эмоционал ҳолат бўлиб, кескинлик вазиятида юзага келади. (англизча Stress- кескинлик). Стресс хавф олдида, жисмоний ва психик зарарда, тез ечим топа олмаганда пайтда юзага келади. Стресс ҳолати инсон фаолиятига салбий таъсир этиб, уни смирини мумкин – бу ҳолат дистресс деб аталади.

Ҳислар мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

А) **Ахлоқий ҳислар** – улар жамият ахлоқ тамонларига бўйсиниш ёки бўйунмаслик билан намоён бўлади. Улар ахлоқли ва ахлоқсиз бўлиши мумкин. Уларга ватанпарварлик, миллий гурур, миллий тилга ҳурмат, тарих, маданият, миллий қадриятларга ҳурмат, мустақиллик идеалларига содиқлик, табиатга ҳурматда намоён бўлади. Бу ахлоқий бурч ҳисси – меҳнатга, ҳалқига, конституцион мажбуриятларга муносабатдир.

Бу ота-онага, опа-сингил, ака-укага муҳаббат, бу эркакни аёлга севгиши, бу инсонни онгли, ақлли, иродасини кучли мазмун билан тўлдирувчи ҳислардир.

Ушбу гуруҳга уят ва виждон ҳисси ҳам киради.

Виждон – ички баҳоловчи «овоз» бўлиб, у яхши ёки ёмон деб баҳо беради.

Уят – ички номутаносиблик ҳолати бўлиб, у ҳаловатсизликда, ноқулайликда ифодаланади.

Б) **Интеллектуал ҳислар** – инсон томонидан билиш фаолияти жараёнини ҳис этиш ҳолатидир. Бу ҳис ҳайрат, қизиқиш, ишонч, қувонч, гурур, ингиликка ингилишидир.

В) **Эстетик ҳислар** – ижобий ҳислар бўлиб, гўзал предметлар улар орасидаги муносабатни акс этиш билан ифодаланади. Ушбу ҳислар табиат инсонлар, фоллят, ҳаётдан баҳраманд бўлганда юзага келади. Бу бирор бир

гўзалликдан баҳраманд бўлишидир. Ахир, Н.Г. Чернышевский «Гўзаллик – бу ҳаёт» деган эди. Чўқур эстетик маънони билдирувчи ҳислар объект ёки предметга инсбатан юзага келиб, уни сифати – кўтаринкилик, гўзаллик, нафосат, эстетик кечималар билан боғлиқ бўлади.

Г) **Практик ҳислар** (يونونчада praxis – иш, (фаолият), фаолият натижасида юзага келиб, иш жараёнида ўзгаради, ишни муваффақияти, қийинчилиги, тугулланганлигига боғлиқ бўлади. ♪

А.Н. Лук 70 дан ортиқ инсон ҳисларини ажратди.

Эмоционал ҳолатларга боғлиқ бир неча назариялар мавжуд. Улардан иккитасини келтирамиз.

Бирини Джеймс – Ланге ва иккинчисини Кеннон – Бард назариялари ҳисоб қиламиз. Г. Лангеге асосан эмоция оралиқ жараёнларини субъектив аке этиши бўлиб, у ихтиёрлий характерга эгадир ва организмда юзага келади деб таъкидлайди. Аввал ташқи стимуллар таъсирида организмда ўзгариш юз беради, сўнг эмоция юзага келади. «Биз интелланганимиз учун хайра бўлаемиз, қалтираганимиз учун қўрқамиз, кулганимиз учун хурсанд бўлаемиз» дейди ушбу назария асосчилари.

Кеннон ва Бард назариясида эмоция сигналларини қайта тиклаш ва уни организмда аке этишидир.

Америкалик психолог Йоркес Додсоннинг қонуниятига асосан эмоционал қўзғалувчанлик билан инсонни ижобий фаолияти орасида эгричиликни қўнғироқсимон боғлиқлик мавжуд. У бўйича, оптимал қўзғалувчанлик даражасидагина инсон фаолияти маҳсулдор бўлиши мумкин экан.

Ирода

Ирода – бу қийинчиликларни енгини, қўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилган, оқидандан ўйланган, оингли хатти-ҳаракатни амалга оширирилидаги ҳаракатда намоён бўладиган инсон фаолиги ҳисоб қиламиз. Иродавий жараёнлар хатти-ҳаракат, фаолият билан боғлиқдир. Ҳаракатлар ихтиёрлий ва ихтиёрсиз (инстинктив ва рефлектор) бўлиши мумкин.

Иродавий жараён ҳаракат интиқиллар билан узвий боғлиқдир. Ҳаракатлар ихтиёрлий ва ихтиёрсиз бўлиши мумкин.

Ихтиёрлий ҳаракатлар англанилган ҳаракатлар бўлиб, у қўзғалувчанликда, мақсадда, воситаларда, иродавий зўр беришда, ўзаро ҳаракатда юзага келади.

Ирода икки функцияни бажаради: қўзғалувчанлик ва тормоқлаш. Инсонни психик бошқарувчанлигини бузилиши **абудия** деб аталади.

Ирода турлари.

Оддий продавий акт, мураккаб продавий жараён ва экстернал латлар билан боғлиқ продавий жараён ажратилади.

Оддий продавий жараён — мақсадлиги аниқлаши ва дарҳол вазифани аниқ;

Мураккаб продавий жараён қуйидаги тизимга эга:

А) **интилишни англаш** — қизиқиш, ва ҳоҳишига бўлинади.

Б) **мақсад ва воситаларни танлаш**. Мотивлар кураши (мақсад ва аниқани танлаш жараёни).

В) **қарор қабул қилиш**. Бундан сўнг кейинги этап бошланади.

Г) **қарорни бажариш, ижро этиш**. Батзаин қарор англашилган ҳолда жаридмаслиги мумкин.

Ирода назариялари.

Психологияда шахснинг продавий характеристикаларини ажратили ва таълимига алоҳида тиббор қаратилади. Кейинги йилларда тарқалган инсандиёга асосан инсон хулқ-атвори фаоллик, инсоннинг ўзи эса билим ва онгли танлаш имкониятига эга эканлиги билан кўриб қилади. Нерв фаоллигини тадқиқ қилувчи физиология (Н.А. Бернштейн, К. Анохин) бу нуқтаи назарияни қўллаб қувватлайди.

В.М. Селиванов иродани инсон хулқ-атворини онгли бажарилиши деб интитиради ва уни олдиндан кўра олиш ва ташқи тўсиқларни енгилда бодалайди. Психологлар инсонларни масъулияли вақтда ўз хатти-раатларини ташқи кучларга ёки ўзларига боғлай олишларига қараб икки рга ажратадилар. Бу жараён « назорат локализацияси» деб аталади. Назорат локуси» америкалик психолог Ю. Роттер томонидан киритилган.

Назоратнинг ташқи локусида (экстернал) масъулият ташқи бабларга боғланади. Масалан, вазифани бажармадим, чунки қўшнилар қиб қолинди.

Назоратнинг ички локусида (интернал) масъулият шахсий хатти ракатларда боғланади. Масалан, унитиб қўйиш, диққатсизлик, билиятнинг сустлиги:

Шундай инсонларнинг хусусиятларини солиштирайлик.

Назорат локусига боғлиқлигига кўра инсонлар хусусиятлари таблицаси

Назоратнинг ташқи локуси	Назоратнинг ички локуси
1. Шахсий имкониятларига ишончсизлик.	1. Ўзига ишонч
2. Харакатларда бетартиблик	2. Тартиб

3. Ўз имкониятлари даражасидаги инсин кейинга қолдириши	3. Мақсадга интилишида қатъийлик
4. Беқарорлик	4. Барқарорлик
5. Хавотирланмиш	5. Қиринимлик
6. Шубҳаланувчанлик	6. Ўз-ўзини таҳлил қилиши
7. Агрессивлик	7. Кўнгли очилди
8. Конформизмлик	8. Мустақиллик, ўз хатти-ҳаракатларига қатъий масъулият

Ирода сифатлари.

А) Ирода кучи — кучли, кучсиз, кучли қатъийлик, мардонлик, чидамлик.

Кучсиз ирода бу абулликдир.

Б) Аҳлюқий ирода — продавий интинин сабаби, тамойили ва қабул қилинган қарори билан характерли.

В) Ироданинг мустақиллиги- ташаббускорлик, масъулиятни инглиш, инсинлар фикрини таҳлил қила олиши. Мустақил бўлмаслик - бу негативизм, қайсарликдир.

Негативизм — инсини бошқа инсонларга нисбатан намойишкорона қаринлиги, маслаҳатларини очик тан олмаслиги.

Қайсарлик — бу мотивланштирилган қаринлик.

Демак, кучли ироданинг психологик хусусияти — бу принципиаллик, танқидийлик, доимийлик, қатъийлик, қарор қабул қила олиши.

Ўқувчиларда иродани ривожланштириши воситалари бу — бўйсунини, тақлид қилини, ихтиёрлий ҳаракатларини катталар назоратида бажариши, иродани тарбиялашдир.

Қайтариш учун саволлар

1. «Мотив», «мотивация», «мотивировка» тушунчаларини изохланг.
2. А.Маслоуининг инсон эҳтиёжлари иерархиясини эсланг.
3. Мотивациянинг қандай назарияларини биласиз?
4. Мотивацияни бошқа билмиш жараёнлари билан боғлиқлигини тушутиринг.
5. Хис-туйғу билан шахсининг билиш жараёнлари ва шахс хусусиятлари орасидаги боғлиқлик нимадан иборат?
6. Хис-туйғунинг физиологик асоси нимадан иборат?
7. Хис-туйғулар қандай сифатларга кўра классификацияланади? Хис-туйғуларини асосий функцияларини ва эмоционал ҳолат турларини айтинг ва тавсифланг.

8. Шахнинг эффе́ктив ҳолатларига мисолавр келтиринг.
9. Шахнинг ахлоқий, эстетик ва интеллектуал хислари деганда нимани тушунасан?
10. Ироданинг билни жараёнлари билан боғлиқлиги нимада?
11. Қатъийликни қайсарликдан, марданкии кўзбўямачиликдан фарқи нимада?
12. «Назорат локуси» нима? Ички ва ташқи назорат локусини тушунтиринг.

ХIII боб. Маъруза : «Темперамент»

Режа:

1. Темперамент ҳақида тушунча.
2. Темпераментнинг физиологик асослари.
3. Темперамент турлари ва уларнинг психологик характеристикаси.
4. Темпераментнинг ўзгарувчанлик муаммоси.

Темперамент (يونонча. Temperamentum – сифатлар муносабатига берилган, бунда tempero – керакли муносабатларни аралаштираман) – инсон психик фаолиятининг динамик хусусиятлари, жумладан темиш, тезлиги, ритми, интенсивлиги жиҳатидаги характеристикасидир.

Темперамент – ҳар бир инсоннинг алоҳида умумий таъсифи бўлиб, перв тизимнинг асосий таъсифидир ва у индивиднинг фаолиятига алоҳида тус беради.⁷ Бундай изоҳни И.П. Павлов берган.⁸

Артур Ребернинг катта психологик изоҳни дунда берилган ана бир изоҳни келтираман: «Темперамент – шахс тизимининг аспекти бўлиб, у маълум моделларга эмоционал муносабат билдириши, кайфият ўзгариши, кучли ҳис-туйғунинг намоён бўлиши, қўзғалувчанлик билан характерланади. Темперамент туғма асога эга эканлигини туғилга чақалоқларни қўзғалувчанлигида, кучли овоз, ёрқин ранг, жисмоний таъсир каби стимуллارга бўлган жавоб реакциснда кўриши мумкин»⁸

Шундай қилиб, темперамент - бу шахснинг индивидуал хусусияти бўлиб, у психик жараёнларнинг динамикасида намоён бўлади.

Темперамент сифатлари, бу шундай психиканинг индивидуал сифатки, улар психик фаолиятнинг оқимини ифодалайдилар. Психологик жиҳатдан темперамент эмоционал қўзғалувчанликдаги индивидуал хусусиятларда ифодаланиб, у инсоннинг умумий қўзғалувчанлик тезлиги, кучи ва барқарорлигида намоён бўлади. Улар турли мазмунда, вазиятга қарамай, нисбатан ўзгармас доимий бўлиб, улар темперамент турини ифодаловчи мотив ва фаолият мақсадларида мавжуд бўлади.

Юқорида айтилганлардан шундай нарса аён бўладики, эмоционал қўзғалувчанлик турли одамларда қўзғалиш кучи, тезлиги ва барқарорлигига кўра турлича бўлади. Шундай одамлар борки, уларда қўзғалиш тез юзага келади, кучли ва барқарор бўлади. Ва унга тескари қўзғалувчанликка эга бўлган кишилар ҳам бор. Бу ҳолатлар айниқса, ҳис-туйғулар юзага

⁷И.П. Павлов. Собр. Соч. Т. книга 2 страница 103.

⁸ Большой толковой психологический словарь Артура Ребера. Т. 2 Изд. Вега; Аст-м. ;2000 г страница 345

келайтган ихтиёрсиз хозатларда яққол намоён бўлади. Танқи жиҳатдан қўзғалувчанлик юз тузилиши, мимика, пантомимика, турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бу хозатлар диққат, прода, нутқ тезлигида ҳам ўз ифодасини топади.

Темперамент хақида таълимот ilk бора юнон табиби Гипократ (эрамиздан аввалги 460-356 йиллар) томонидан яратилган бўлиб, унинг таълимотига асосан "темперамент" тушунчаси пайдо бўлди ва темперамент турларининг номлари сақланиб қолди.

Бу қадимий гуморал (суюқликка асосланган) назария бўлиб, у темперамент хусусиятларни организмдаги суюқликлар билан боғлайди.

Гипократ фикрича инсон организмда тўрт хил суюқлик манжуд:

Сафро (юнон *chole*) *холер*

Қон (лотин *Sanguis*) *санг*

Қора ўт (юнон *melaine chole*) *мелане*

Шилимшиқ (юнон *phlegma*) *флегма*

Ҳар бир суюқлик ўз хусусияти ва ўрнига эга.

Сафро хусусияти — қуруқлик. Унинг ўрни организмда қуруқликни сақлаш.

Қоннинг хусусияти — иссиқлик. У организмни иситади.

Қора ўт хусусияти — намлик. У организмдаги намликни сақлашга хизмат қилади.

Шилимшиқнинг хусусияти — совуқлик. У организмни совутишга хизмат қилади.

Гипократ фикрича инсон организмда мана шу тўрттадан битта суюқлик устуворлик қилади. ушбу суюқликлар муносабати юнон терминологиясида «красис» деб аталиб, (арланма, қоришма) таржима қилинганда «темперамент» тушунчаси юзага келади.

Гипократ назарияси асосида 4 та темперамент турлари хақидаги таълимот юзага келди ва темперамент турларига асос солинди. Унга асосан сангвиник (сангвиник лотин *Sanguis* — қон), холерик (юнон *chole* — сафро, сариқ ўт), меланхолик (юнон *melaine chole* — қора ўт), флегматик (юнон *phlegma* — шилимшиқ) турлари юзага келди.

Темпераментга тааллуқли Абу Али Ибн Сино қарашлари (980-1037 й) ҳам жуда қизиқарлидир. У темпераментга табиий ва психологик тушунтириш беради. Ибн Сино таълимоти Гипократ таълимотига асосланган бўлиб, унинг фикрича темперамент бир-биринга қарама-қарши сифатлар муносабатида юзага келадиган хусусиятдир. Улардан бирининг устуворлиги темперамент турини юзага келтириб, бунда организмдаги 4 та

сувоқликдан бири устувор бўлади. Абу Али Ибн Сино фикрлари темперамент ҳақидаги таълимот тарихида ўзини хос аҳамиятга эга.

Илк бора темперамент хусусиятларининг психологик тавсифи немис файласуфи И. Кант («Антропология» 1789 й) томонидан берилган бўлиб, унинг фикрлари, ғояларида темперамент ва характер сифатларининг аралашиб кетиши намоён бўлади. И.Кант ҳам ўз ғояларида гуморал назария асосчиларига суянади.

Гуморал назария яқинроқ фикрларини П. Ф. Лесгафт (1837-1909) илгари суриб, у асосан темперамент турларини намоён бўлишини қон алмашишини билан боғлайди.

Бунда у темперамент турлари қон томирларини диаметри, юрак формаси ва тузилишига боғлиқ дейди. Унинг фикрича, қалин қон томирларига эга бўлганлар холериклар, тор қон томирликлар меланхоликлар ва ҳ.к. дир.

Темпераментни тадқиқ қилишнинг иккинчи йўналишини конституционал назарияга боғлиқдир. Унинг асосчиси Э. Кречмер (1888-1964) бўлиб, у темперамент тишларини морфологик конституцияга қараб аниқлашга эътиборин қаратди. Унга асосан, масалан, конституциянинг астеник тини узун ва тор кўкрак қафаси, узунчоқ юз тузилиши, суяк мускулларга эга бўлиб, Кречмерга асосан, улар пинзонд темпераментга хос бўлиб, улар ҳис-туйғуга берилувчан, совуққон, ўз ички дунёси билан банд, хатти-ҳаракатлари чегараланган кишилардир.

Бошқа конституционал турига — никкик тури киритилиб, унга асосан бу турдагилар кенг кўкрак, гавдали, думалоқ каллали, қорни чиққан бўлиб, уларда донмо кайфият кўтаринкилиги очкилик, атрофдагиларга киришимлилик, табиийлик, юмшоқлик намоён бўлади.

Э.Кречмернинг хатоси шундаки, у конституционал хусусиятларни шахс психик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Морфологик назарияга америкалик психолог У. Шелдоннинг (1898-1974) ҳа концепциясини киритиш мумкин бўлиб, унга асосан темперамент уч соматик конституцияга эга: эндоморф, мезоморф ва эктоморф.

Эндоморф турга — юмшоқлик, думалоқ тана тузилиш, суяк ривожланган суяк ва мускул тизими, севги ва комфортга ишлувчанлик, хис-туйғуга берилувчанлик, секин характерлини хосдир. У висцеротоник темпераментдир.

Мезоморф турга — қатъийлик, бешафқатлик, қатъий хатти-ҳаракатлар, суяк, мускул тизимининг яхши ривожланганлиги, кучлилик, атлетик тана тузилиши, севги иштёқларига қизиқиш, таваккалчилик,

фаолилик, қўрқмаслик ва агрессивлик хосдир. Бу соматотоник темпераментидир.

Эктоморф турга — нозиклик, муқуланиш намоён бўлмаслиги, кам киринимлик, одамовилик, ёлғизликка интилиш, юқори реактивлик хосдир. Бу церебротоник темпераментидир.

Морфологик ва гуморал назария тарафдорларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, темперамент хусусиятларни тавсифлашда ҳеч қачон организм тўқилиши устувор қилиб олиш мумкин эмас. Улар ҳеч қачон бирор бир хусусиятни ифода этиб бера олмайди.

Темперамент ҳақидаги илмий назарияга И.П. Павлов (1948-1936) таълимоти асос солган бўлиб, у нерв тизимининг типологик хусусиятларини — олий нерв фаолиятининг таълимотида ифодалаб беради. Олий нерв фаолиятида И.П. Павлов қуйидаги нерв жараёнларини ажратди.

- А) қўзғалиш ва тормозланиш кучи бўйича;
- Б) оғир, вазминлиги кўра;
- В) ҳатти-ҳаракатчанлигига кўра.

Нерв тизимининг кучи нерв катасларида физиологик модданинг қўйилишига қараб ангиқланиб, унга асосан кучли нерв тизимининг турида — моддалар захирасининг қўйилиши ва кучсизда — камлиги кузатилади.

Нерв тизимининг кучи қўзғалиш жараёнига боғлиқ бўлиб, у тормозланишда ифодаланади.

Нерв тизимининг оғир, вазминлиги қўзғалиш ва тормозланишни бир хилда ифодалаш қобилиятида намоён бўлади. Нерв тизимида оғир, вазминлик қўзғалиш ва тормозланишни бир хилда кучли ёки кучсизлигида ва сингиллик қўзғатилишини тормозланишда ошиб ёки камайиб кетилишида ифодланади.

Нерв тизимининг ҳаракатчанлиги (мобиллиги)

Тезлик билан қўзғалиш ҳолатидан тормозланиш ва тормозланиш ҳолатидан қўзғалиш ҳолатига ўтишда намоён бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган сифатларга асосланиб, И.П. Павлов олий нерв фаолиятининг асосий турини ажратади, улар Гиппократ темперамент турларига мос келади.

1. Кучли, оғир вазмин эмас. (қўзғалиш тормозланишдан устувор). Тез қўзғалувчан тур. У холерик турга хос.
2. Кучли, оғир вазмин, ҳаракатчан тур. Жонли тур. Сангвиник турига хос.
3. Кучли, оғир вазмин, босиқ, секин ҳаракатланувчан. Флегматик турига хос.
4. Кучсиз тур. Меланхолик турига хос.

Шундай қилиб И.П. Павлов таълимотида асосан темперамент олий нерв фаоллигининг инсон ҳағги-ҳаракатида намоён бўладиган индивидуал хусусиятлар.

Темперамент турларнинг психогик характеристикаси.

Темпераментнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар (В.С.Мерлин бўйича):

А) сезиғтивлик – тағқи таъсирларга маълум миқдордаги психик жавоб бериш кучи. (кучли ҳис-туйғу)

Б) реактивлик – эмоционал реакция кучи, эмоционаллик, таъсирчанлик, таассуротга берилиш.

В) фаоллик – тағқи оламга таъсир этиш фаоллиғи.

Г) реактивлик ва фаоллик муносабати.

Д) таъсирга жавоб теми – психик жараёнлар ва таъсирлар кечини тезлиғи. (ақл тезлиғи, нутқ тезлиғи ва ҳ. к.)

Е) пластиклик – эғдувчанлик, берилувчанлик.

Ж) ригидлик – инертлик, ҳуқ-атвор иккиланувчанлиғи.

З) экстравертлик – инсон реакциясини тағқи таъсирга боғлиғлиғи.

И) интровертлик – инсон реакциясини ички образлар, фикрлар, ўтмиш ва келжакка боғлиғлиғи.

К) эмоционал қўзғалувчанлик – эмоционал жараёнларнинг кечини ва тағқи ифодаланлиғи.

Юқорида келтирилган сифатлардан келиб чиқиб, темперамент турларига психогик характеристика қуйидаги жадвалда беришган.

Асосий сифатлар	холерик	сангвиник	флегмати к	Меланхолик
1.Сезиғтивлик	Паст	Паст	Паст	Юқори
2.Реактивлик	Юқори	Юқори	Паст	Паст
3.Фаоллик	Юқори	Юқори	Юқори	Паст
4.Реактивлик ва фаоллик муносабати	$p > f$	Оғир вазмин	$f > p$	Паст фаоллик ўрта реактивлик
5.Реакция тури	Тезлашган	Тезлашган	Секинлашган	Секинлашган
6. Пластиклик	-	+	-	-
7.Ригидлик	+	-	+	+
8.Экстравертлик	+	+	-	-
9.Интровертлик	-	-	+	+
10.Эмоционал қўзғалувчанлик	Юқори	Юқори	Паст	Секинлашган

Г. Айзенк шахсининг иккита асосий ўлчовини белгиллаган .
Экстраверсия — стабиллик, интроверсия ҳамда невротизм —
стабиллик. Бу назария қуйидаги схемада тарзида кўриш мумкин.



Энди темиррамент турларни батафсил психологик характеристикада тўхталасак:

1. Санвиник.

Юқори реактивлик, бесабаб ҳаҳолаб қилини мумкин, арзимаган нарса қатиқ жаҳдини чиқариши қўзатилади. Барча нарса фаоллик ва интилиш билан муносабат билдирради. Унинг юзидан кайфиятини билиш мумкин. Диққатин тез тўплайди. Паст сензитивлик. Ҳис-туйғуга берилади. Паст овоз, паст ёруғлик қўзғатувчиларни илғамайди. Юқори фаоллик жуда харакатчан, фаол, узоқ вақт ишлаб чарчамаслиги мумкин, ишига иштиёқ билан киришади. Тартиб интизомли. Тез харакат қилади, тез гапирради, фикрлар тезлиги жуда юқори. Одамлар билан жуда тез киришади, янги одамлар, вазият, ҳолатга тез қўникади. Экстраверт. Тез ишга киришиши ва тез совиши мумкин. Бир йўналишда узоқ ишлаб олмайди. Ваъда бериб, баъзан бажра олмаслиги мумкин. Йиғлаб туриб, қулиб юбориши мумкин. (Н.В. Гоголнинг «Ўлик жонлар»ида Чичиков, Ноздрёв образлари.)

2. Холерик.

Паст сензитивлик, юқори реактивлик ва фаоллик. Реактивлик фаолликдан юқори, шунинг учун, қўтилмаганда портловчан, қизиққон, бетоқат. Эгилувчан эмас, регид. Қўчли қатъийлик мавжуд, диққатнинг

кўчинда қийинчиликлар мавжуд. Юқори тезликда исхик темпага эга, экстраверт. Тез қўзғалувчан, у мимика жестларида ифодаланади. Қатъий тез, инсонларга нисбатан шигдувчан.

(Амир Темура, А.В Суворов, Петр I) .

3. Флегматик.

Паст сезитивлик. Кучени эмоционаллик. Куддирин, жаҳлини чиқарин ва хафа қилини қийин. Қанишоқ мимикага эга. Ҳаракатлари ифодасиз. Ишчан. Фаоллик реактивликдан устувор. Сабр-бардонли, ўз-ўзини бошқара олади. Нутқи секин, ригид, диққатин секин тўплайди. Бир нидан иккинчи ишга секин ўтади. Янги иш, вазиятта секин кўникади. Иш бошласа қатъий ва бир йўналишда иш қилади.

(М.И Кутузов)

4. Меланхолик.

Юқори сезитивлик, юқори ҳис-туйғуга берилувчанлик. Уятчан, тез хафа бўлади. Мимика ва жестлари ихсин намоён бўлмайди. Суст фаоллик. Ўа-ўзинга иншонч йўқ, арзимаган нарсалардан туинқулликка тушади. Қатъий эмас, тез чарчайди, ишчан эмас, диққати тез бузилади. Ригид, интроверт.

(П.И. Чайковский, Н.В. Гоголь).

Шуни айтиш лозимки, темперамент бир гуруҳ ҳусусиятларини ўнда бирлаштиради. Ҳар бир инсон темпераментда ўзинга хос такрорланмас ҳусусиятлар мавжуд. Бир инсонда бир неча темперамент ҳусусиятларини кўриниш мумкин.

Масалан, холерикда флегматик ва меланхолик ҳусусиятлари, сангвиникда холерик ва флегматик ҳусусиятлари намоён бўлади.

Лекин бир характер ҳусусиятларининг устиворлиги асосида одамни у ёки бу тинга киритиш мумкин.

Шуни айтиш мумкиниси, темперамент ҳусусиятлари ҳам ташқи таъсир, ҳаёт жараёнида, тарбия таъсирида ўзгариши мумкин. Ҳар бир темпераментда ижобий ва салбий ҳусусиятлар мавжуд. Ижобийларини ривожлантириш, салбийларинини эса бошқарин лозим. Масалан, холерикда ўзини ушлаб тура олиш ҳусусияти, сангвиникда бошланган ишни охирига етказини, флегматикда фаоллигта тез кириша олиш, меланхоликда қатъийлик ва ҳ. к. каби сифатларини ривожлантириш лозим.

Ривожлантиришини биринчи йўли темперамент ҳусусиятига хос фаоллигтин танлаш. Иккинчи йўли қўйиладиган талабларини индивидуаллаштиришидир.

Лекин энг асосий йўли бу – фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириши бўлиб, бунда темперамент хусусиятларини билши жараёнлари, мулоқат ва хатти-ҳаракатда намоён бўлиши ҳисобга олинади. Бу ҳақда батафсил Е.А. Климов⁹нинг ишида таъкидлаш мумкин.

Қайтариш учун саволлар

1. Темперамент хусусиятлари нимада ва қандай намоён бўлади?
2. Нерв тизими хусусиятлари ва темперамент орасидаги фарқ нимада?
3. Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино темпераментга қўйган хиссаси қандай?
4. Темперамент турларига мисол келтиринг (адабиёт, кинофильм, шахсий кузатув).
5. Турли темперамент хусусиятига эга бўлган кишиларга характеристика беришг.
6. Турли темперамент хусусиятига эга бўлган кишиларини нин услуби қандай бўлади?
7. «Бу киши темпераментли» деган иборани қандай тушунасан ва уни қўллаш тўғрими?
8. «Темперамент»нинг этнопсихологик хусусиятларини кўрсатиб беришг.
9. Фаолиятнинг индивидуал услубини темпераментга боғлиқлигини очиб беришг.

⁹ Климов Е. А. Индивидуальный стиль деятельности. Психология индивидуальных различий. Тексты. М.: 1982 г

XIV боб. Характер

Режа:

- ✓ 1. Характер хақида тунуича.
- 2. Характер муаммосини ўрганиш тарихидан.
- ✓ 3. Характер тузилиши.
- ✓ 4. Характер турлари.
- 5. Характер акцентуацияси.
- 6. Характерни шаклланиши.

↳ **Характер** – шахснинг барқарор индивидуал хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, у фаолият ва мулоқотда юзга келади ҳамда шахсга хос ҳуқ-атвор усулларини намойи қилади. 7

↳ **«Характер»** термини фанга ilk бора қадимий юнон олимидан файласуф Теофраст томонидан киритилган.

↳ **«Характер»** сўзи юнонча «чизиқ», «белги», «сифат», «хусусият» маъносини билдиради. Бу сўз «харассо» феълидан келиб чиқиб, уни учламоқ, чизмоқ, қирқмоқ деб таржима қилиниши мумкин)

Ҳаётий тижриба несида характер тунуичасини икки маънода тунуичини мумкин: кенг ёки умумий махсус, ўзига хос маънода.

Кенг ёки умумий маънода инсон характери деганда унинг хатти-ҳаракати ва ҳуқ-атворига таъсир этувчи индивидуал яққол намойи бўлган ва сифат жиҳатдан турлича бўлган белгилари тушунилади.)

Тор ёки махсус маънода олинган характер деганда шахснинг иснхик тузилиши назарда тутилб, у инсоннинг иродаси ва йўналганлигида намойи бўлади.

Йўналганлик – бу инсоннинг характерли хусусияти бўлиб, фаолиятига таъсир этади ва борлиққа исбатан танланган муносабатида акс этади. Ўзини хос иснхологик тузилишини инсон курашда таркиб тоштиради ва бу эва ўз ўрнида инсондан иродавий кучин талаб этади.

Ҳаётда бу кўп, «кучли характер», «характерли киши», «кучсиз характерли» деган терминларини эштанамиз ва буида иродага урғу берилади.

Характерни ўрганиш тарихи қадимларга бориб тақалади.

Теофраст (эр. ав. 372-287 йиллар) – қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг шогирди ва дўсти бўлиб, у ёлғончи, маҳмадона, ҳасис, миғмов кишиларнинг 31 турига тавсифнома беради. (Афина жамиятининг салбий аъзоларига).

Жан де Лабрюйер (1645-1696 й) — француз ёзувчиси, артистик публицистика устаси ўзининг «характерлар ёки бизнинг асримизнинг ахлоқи» китобида юқори табақа кишиларига сатирик баҳо беради. Бунда у банкирлар, сандогарлар, амалдорлар ва аъёнларга 1120 хил характеристика беради.

XVIII асрда яшаган швейцариялик ёзувчи Лафатер И.К. (1741-1801 й) физиогномикага доир ёзилган машҳур «Физиологик парчалар» трактатида ўзининг физиогномикага доир таълимотини асослаб беради.

Физиогномика — инсоннинг ўзига хос жиҳатларини юз қомат, таниқ кўриниш орқали тасвирланган ҳақидаги таълимот бўлиб, уни кенг миқёда оладиган бўлсак, у қузатилаётган ҳодисаларни таниқ жиҳатдан ифоҳлаш санъати, воқеъаниқин таниқ формаларда тушунтириш ҳақидаги таълимотдир.

Физиогномистларнинг фикрича, характер бу тақдирнинг белгиси, бу тақдирни азалдир.

Француз психологи, биринчи француз лабораториясининг директори (1889 й) Рибо Т.А. (1839-1916 й) инсон характерларни икки гуруҳга бўлади: ҳиссиётни кучли, сезгирлар, (ювон, беозор, эмоционал) ва продалилар (бевосита фаол ва ўта фаол) характерлилар.

XX асрда немис психологи Э. Шпрэнгер (1882-1963 й) характернинг 6 типини ажратади: 1) амалиётлар (иқтисодиёт, хўжалик, худбинлар); 2) назарийетчилар (интеллектуаллар, яқка, амалий фаолиятда ёрдамга муҳтожлар); 3) эстетлар — ҳаётдан лаззатланадиганлар; 4) диндор кишилар; 5) ҳокимиятга интилувчилар, доҳийлар; 6) ижтимоийлар — жамият манфаатлари учун яшовчилар.

Рус психологи А.Ф. Лазурский (1874-1917 й) илмий изланишлари характерология ва шахс классификациясига бағишланган бўлиб, у одамларни 3 гуруҳга (даражага) ажратади:

— паст даража — самарали, фаол, фикрловчи, ҳисоб-китобли худбинлар;

— ўрта даража — назарийетчилар, олимлар, идеалистлар, ҳукмдор, тadbиркорлар;

— юқори даража — жамоатчилар, интеллектуаллар, ҳокимиятда маълум мазмуни кўра оладиган, гўзаликка интилувчилар.

Рус психологи А.П. Нечаев (1929 й) ўзининг «Инсон характери» китобида оғир вазмин, серҳаракат, интилувчан характерга эга бўлган кишиларни аниқлашга интилган. Характернинг моҳиятига доир конституционал назарияда (Шелдон, Кречмер) инсон характерининг тана тузилишига қараб аниқлашга интилишлар бўлган. (атлет, астеник,

инкик) ammo шу вақтгача характер классификацияси аниқ тизимга эга эмас.

1. **Характер тизими.**

Инсон характерининг тизимини ўрганишнинг асосий вазифаси характер ҳусусиятларини маълум тизимга солиш ва улар орасидаги боғлиқлигини аниқлашдир.

Характер ҳусусиятлари бу шундай индивидуал ҳусусиятларки, улар инсоннинг маълум вазиятдаги ҳуш-ақволини кўра олиши, аниқлашига ёрдам беради. Инсонни борлиққа бўлган ҳаётий муносабатига кўра унинг характер йўналганлигини кўйидагича гуруҳлаш мумкин:

А. Жамиятга бўлган муносабат. атроф оламдаги нарса ва ҳодисаларга муносабат. (масалан, ватанпарварлик, ватанга муҳаббат, тилга, келажакка, она тушроққа муҳаббат).

Б. Меҳнатга муносабат.

В. Бошқа одамларга муносабат.

Г. Ўз-ўзига муносабат.

А. Жамият, оламдаги нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабат: бу авваломбор ватанпарварлик, ватанга бўлган муҳаббатдир. Инсон алоҳида ватанпарварлик ҳисларини туғилган, яшаган ерларига инсбатан намоён қилади. бу муҳаббат ўз халқининг тарихий ўтмиши, унинг бой маданияти, тили, унинг норлоқ келажакига инсбатан ифода этилади. Бу муҳаббат Республикаимизни мустақилликка эришини билан янада мустаҳкамроқ, ёрқинроқ бўлиши лозим.

Б. Меҳнатга бўлган муносабат: меҳнат - ҳаёт асоси, меҳнатга бўлган муносабат – меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишчанлик, меҳнатда пенхик қондирилганлик ҳолати, меҳнатдан қувонини, меҳнат қилишига эҳтиёж сезиш ва қарама-қарши сифатлар – меҳнатга юзаки муносабат, дингаслик ва ҳ. к.

В. Бошқа кишиларга муносабат: бу очкилик ва дилкашлик, қарама-қарши сифатлар – юзакилик, манманлик.

Бу сезирлик, тезкорлик, қарама-қаршиси – ўз қобиғида ўраниб олган одамовилик. Ва ниҳоят, бу мулоимлик ва берилган ишни вақтида бажариш тезкорликдир.

Г. Ўз-ўзига бўлган муносабат: ушбу муносабат асосида инсоннинг ўзига ва бошқаларга инсбатан кўплаб характер асоратлари шаклланади, улар ўз ўрнида шахс учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Буларга инсонни ўз-ўзига берган баҳоси, ўз устида ишлари эҳтиёжи киради. Бу авваломбор камтарликдир.

Қамтарлик қуйидаги қисмларини ўз ичига олади: 1) ўз-ўзини намоён қилиши, ўзини кўрсатишга салбий муносабат; 2) ўз имкониятлари чегарасини биланиш; 3) эҳтиёткорлик, сезgirлик, бировини дилини бесабаб оғриғмаслик; 4) ўз имкониятлари, муваффақиятлари сабабини яхши шарт-шароитлар билан боғлаши.

Қамтар киши жуда оддий, табиий, баяндоарвоз гапларини ёқтирмайди, ўз хусусиятини биллади ва ўз кучига бўлган ишончини йўқотмайди.

Қамтарликдан ўз-ўзини баҳолаш олмамлигини, ўз-ўзига ишончини йўқлигини ажрата олиш лозим.

Батан одамларда ўз-ўзига юқори баҳо бериши, ўзини севиш, тақаббурлик, манманлик каби сифатларини ҳам кузатиши мумкин.

Инсонни зарур сифатларидан бири ўз-ўзига тақлидий қараш — бу доимий ўз устида ишлашга ундовчи асосий омилдир.

Инсонни ўзига бўлган муносабати характеристикасида мустақиллик ва тақлидчанлик маҳим ўрин эгаллайди.

Мустиқиллик — инсоннинг ижобий характер сифати бўлиб, у масъулиятчилик, ўз-ўзига ишонч билан боғлиқдир. Бу сифат ижодий иш билан машғул бўлган кишиларга хосдир.

Тақлидчанлик — ўз фикри ва хатти-харакатларини бошқа кишилар хатти-харакатларидан кўчиришга мойиллик. Яхши одатларга тақлидчанлик барча кишилар учун зарурдир. Кўр-кўрона тақлидчанлик, айниқса ёмон одатларга тақлид қилишга олиб келиши мумкин.

Мустиқил одамлар ўз олдларига қўйилган мақсадларга қатъийлик билан эришадилар. Мақсадни аниқлиги ва юксаклиги характер сифатларни шаклланиши учун жуда зарурдир.

Инсоннинг продавий характер сифатлари — бу фаоллик, қатъиятчилик, жасурлик, оригиналлик, танаббускорлик, ўз-ўзига ишониш, тартиб-ишқомиллик, чидамлик, матонатчилик ва ҳ. к.

Ушбу продавий сифатларга қайсарлик қарима-қарши бўлиши мумкин.

Қайсарлик жуда паст ва англанилмаган мотивация билан ажралиб туради.

«Мен қақдай истасам, шундай қилдим», бу тафаккурнинг торлиги, бошқаларга талабчанлиги, ақли фикрларга берилишнинг ўзига нисбатан наслигидан далолат беради. Одатда характер тизмида баъзи сифатлар устивор бўлади.

Характер тузилишини бир бутулиги аниқликда, мақсадга эгалликда, оригиналлик ва динамикада намоён бўлади. Характерининг асосий хусусиятларидан унинг аниқлигидир. Аниқлик бир ёки бир неча сифатларини устиворлигида намоён бўлади. Масалан Ҳамза характерининг

асоси бу ақл ва эҳтирос ихтилофлари ҳамда ҳаётдан қўрқинидир. Аммо намोён бўлмаган сифатлар ўз ёриқчилигини йўқотади.

Бир бутунлик — ички бутунлик. сифатларда қарама-қаринликларнинг мавжуд эмаслиги, йўналганлик ва фаоллиг ўртада боғлиқлик, англаш ва хатти-ҳаракатлардаги узвийликдир.

Характер мураккаблиги — бу турли туман қизиқишларини оғи ва фаолиятга фаол татбиқ кўратинишидир. Масалан, М.В. Ломоносов характеридаги мураккаблиги бунга мисол бўла олади. (Турли илмий қизиқишларга эгаллик, ишда чидамлик ва қатъиятлик, кучли эҳтирос ва эмоционаллик, руҳий юмшоқлик лирика билан алмашишини).

Оригиналлик — индивидуал ўзига ҳослик бўлиб, у жуда кам ҳолларда учрайди.

Характернинг динамик ҳолати — характери маълум ўзгарувчанлиги, бу табиқи ва ички сабаблар ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатни ўзгарганлигида намоён бўлади.

Жўшқинлик — характеридаги маълум ўзгарувчан сифати бўлиб, у табиқи ўзгаришлар ҳамда ўз устида ишлаш натижасида юз беради. Жўшқинлик ҳақида гапирилганда унинг бўйсунувчанлигига алоҳида тўхташни лозим.

Ҳаётини воқеаларга боғлиқ ҳолда характер инсонларини оғида ва фаолиятида, маълум қисмида унинг табиқи кўринишида намоён бўлади.

Характер бутун кучи билан инсон фаолиятининг хулқ-атворида ифодаланади. Хулқ-атвор деганда ахлоқий ва юридик баҳога эга бўлган хатти-ҳаракат тушунилади. Характер инсон нутқида, унинг балоқчилигида, темнида, таслигида, кўпсузлигида, эмоционаллигида намоён бўлади.

Маҳмадонагарчилик, қўл сўзлаш инсонни ўз-ўзига ишончида, ўзини намоён қилишида, ўзини севишида, худбинлигида ва шу билан бирга одамларга ёқинида иштилин учун хизмат қилади.

Индимаслик ўзининг гапирётган гапига бўлган масъулиятда, «гапирдинг тутилдинг, индамдинг қутилдинг» деган мақолдан фойдаланишига, ўз фикрларини яширишига иштилинда намоён бўлади, батыан у қўрқув, шубҳаланишида ҳам ифодаланади.

Характер мимика, пантомимика, қўл ҳаракатида ҳам намоён бўлиб, масалан юздаги ажишлар ёни билангина эмас, балки жаҳл чиққанда, кулганда ҳам пайдо бўлади.

«Қўз — қалбнинг кўзгусидир» деган халқнинг ибораси бор. Улар айёр, ёрқин, ўйноқ, совуқ, маъюс ва ҳ.к. бўлади ва у бу борада А.Н. Толстой: «Шундай одамлар борки, уларнинг кўзларини кулади. Бундай одамлар айёр ва худбин бўлади. Шундай одамлар борки, уларнинг фақат оғзи

кулади – улар кучсиз, қатъийтендирлар ва бу искаля кулгу ҳам жуда ёқимсиздир» деган эди.

Характер ташқи кўринишида ҳам намоён бўлади. Масалан, манманлик, баланддарвозлик кўкракни олдинга чиқариб, бошни тик тутиб доришда кўринади.

Хатто инсоннинг кийими, унинг ранги, кийимларнинг айрим қисмлари унинг характери ҳақида нималардир дейиши мумкин.

Инсонни ташқи белгиларидан характерини аниқлаш – графология, хиромантия каби йўналишларда ҳаракат қилиниди.

Графология – (يونونча grapho – ёзма, logos – таълимот) – ёзув шакли ҳақидаги таълимот, у орқали психик ҳолатни аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди.

Хиромантия – (يونونча chei – қўл, mancheia – фол очмоқ) қўلнинг чизиқлари, қадоқлари орқали инсон характерини аниқлаш, тақдир ҳақида фол очини.

Характер акцентуацияси (урғу бериш) – бу характер сифатларини бирортасини кучайтириш, урғу бериш бўлиб, бунинг натижасида маълум психологиялик позик ташловчанликни намоён қилинади ва шу вақтнинг ўзиде бонқи характер сифатлари барқарор бўлиб, қолаверади. (А.Е. Личко)

А.Е.Личко қўлаган тизимда П.В. Ганнушкин, Ч.Е.Сухарова классификацияси ва К. Леонгарднинг катталарда характер акцентуацияси турларига асосланади.

Аmmo А.Е.Личконинг тизими ўзининг икки хусусият билан ажралади. Биринчидан, у махсус ўсмирларга мўлжалланган. Икинчидан, у психологияни, яъни характер ва унинг акцентуациясини патологияк ўзгаришларини барча норманинг хилларини ҳисобга олади.

А.Е. Личко қуйидаги акцентуация турларни (II турлар) ифодалайди:

1. **Гипертим турлари** – ушбу турдаги ўсмирлар ҳаракатчан, киришимли, шўх бўладилар, улар бор жойда доимо шовқин сурон бўлади. Умумий қобилиятларини асосида улар барқарорлик, тартиб-интизомсизликни намоён қиладилар, бир текис ўқимайдилар. Кайфиятлари доимо яхши. Уларда тез-тез катталар билан келишмовчиликлар пайдо бўлиб туради. Уларнинг қизиқишлари турли-тумандир, лекин улар юзаки ва тез ўтадигандир. Ушбу турдаги болалар ўз қобилиятларига ортиқча баҳо берадилар, ўзларини кўрсатишга интиладилар, мақтанчоқлар, бонқаларда ўзлари ҳақида яхши фикр уйғотишини истайдилар.

2. **Циклоид тури.** Юқори даражада асабийлашувчан, апатияга мойил. Улар уйда ёлғиз бўлишга интиладилар. Нохушликларни бондан оғир

кечирадилар. Ўзларида мавжуд камчиликлар ҳақида гапирилганда асабийланидилар. Уларнинг кайфиятлари тез қўтарилиб, тез наётга тунади.

3. **Лабил тури.** Ушбу тур кайфият жиҳатидан жуда ўзгарувчан ва оқдидан айтиб бўлмайдиган хусусиятларга эга. Уларни кайфиятини ўзгартиришга хаттоки жуда арзимас турли сабаблар таъсир кўраётгани мумкин. «Уларнинг ҳаммаси жиддий мунаффақиятсизлик ва ноҳушиликларсиз ҳам камгин, хафя, маънос бўлиб қолишга мойиллар.» (А.Е. Личко). Уларнинг кайфияти ҳулиқ-атвор билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам улар кайфиятларидан келиб чиққан ҳолда келишакларини гоҳ ёрқин, гоҳ аксинча тасаввур қиладилар. Бундай ўсмирлар кўпинча психологик ёрдамга муҳтождилар. Улар атрофдагиларни уларга бўлган муносабатларини яхши ҳис қиладилар.

4. **Астенонервотик тури.** Ушбу тур шубҳаланувчан, тажавв, қайсар, тез чарчовчи, асабийланидигандир. Айниқса, қийин ақлий иш уларни толиқтиради.

5. **Сензитив тури.** Уларга сезгирлик ҳосидир. Ушбу ўсмирлар катта давраларни, таваккалчиликни, ҳаракатчанликни ва шўх ўспиринларни ёқтирамайдилар. Уларга уятчанлик ҳос бўлиб, кўп ҳолларда улар одамови кинилар каби қабул қилинадилар. Улар фақат ўзларига яхши таниш кинилар, болалар билан очиқ муносабатда бўладилар. Улар бўйиспнувчан бўлиб, ўз ота-оналарига жуда боғланганлар. Ўспиринликда «қониқмаслик комплекси» юзага келиши мумкин. Улар маъзулият ҳисси, ўзига ва атрофдагиларга бўлган аҳлоқий талабларни эрта англайдилар. Ўз қобилиятиданги камчиликларини мураккаб фаолият турларини танилаб тўлдирадилар.

Ушбу ўсмирлар дўстларини танилашда ўта талабчан, дўстга боғланган, ўзларидан катта дўстларини ҳурмат қиладилар.

6. **Психоастеник тури** ушбу ёшларга илк интелектуал ривожланиш, ўйловчанлик, ўз-ўзини таҳлил қилиш, бошқа одамларга, уларни хатти-ҳаракатларига баҳо бериш ҳосидир. Улар ишдан кўра сўзда ўткирлар. Улардаги ўз-ўзига бўлган ишонч қобилиятсизлик билан, асоссиз фикрлар – тезкор ҳаракатлар билан намоён бўлади.

7. **Шизоид тури.** Уларнинг ёрқин намоён бўладиган сифати одамовчиликдир. Улар ўз тенгдошларидан кўра катталарга интиладилар. Улар ўз дунёси, ўз оламида янайдилар. Уларда одамларга нисбатан ташқи бефарқлик мавжуд. Бундай ўсмирлар ҳамдард бўла олмайдилар. Уларнинг ички дунёси фантазияга тўла, улар доимо ўзларини ушлаб тура оладилар, ўз тенгдошларига кўпинча ёқмайдилар.

8. **Эпилептоид тури.** Бу ўемирлар ёнанида жуда йнглоқи бўлиб, катталарни қийнайдилар. «бундай болалар ҳайвонларни қийнанин, ўзларидан кичкиналар устидан кулинни ёқтиришади, булар болалар эрасида сардорлини эмас балки, ҳоким бўлинига интиладилар.» (А.Е. Личко). Уларни турнига қаҳрлилик, ўзини севни ва ҳукмдор бўлишлик мансубдир. Улар бошқараётган болалар гуруҳнига террористик тартиб-низиом, бўйсунувчанлик мансуб.

Ўта қаттиқ тартиб интизиом тизимида улар ўзларини балаид тутадилар, шу билан бирга «Раҳбарга ёқни, батанида ўзинга мос мансаб ёки ҳурмат элтиборга эга бўлинига эга бўла оладилар.» (А.Е. Личко).

9. **Истероид тури.** Ушбу турининг асосий хусусияти — худбинлик, ўзинга бўлган муҳаббатдир. Уларга театраллик, талаккалчилик хосдир. Бундай болалар ўз олдидарида ўртоғини мақсаганини кўтара олмайдилар. «диққат элтиборни тортиш, мақтовлар эшитиш, улар учун аҳмиятли эҳтиёждир.» (А.Е. Личко). Диққат элтиборни тортиш мақсадида улар шовқин кўтаришлари, жанжал бошланлари мумкин. Қўп ҳолларда сардорликин эллай олмай, ноформал обрўга эга бўлмай мағлуб бўладилар.

10. **Беқарор тур.** Кўпинча уларни иродаси, оқим билан юрувчи деб характерлайдилар. Бундай ўемирлар ўйин-кулуга, байрамларга интиёқманудирлар. Уларда жиддий, шу жумладан касбий қизиқишлар мансуд эмас, улар ўз келажаклари хақида ўйламайдилар.

11. **Конформлилик тури.** Ушбу гуруҳга кирувчи болалар тўғридан-тўғри бўйсинишига мойиллар. Уларни асосий ҳаётий шиори «Ҳамма каби бўлиш...». Улар мослашувчан ўз манфаати йўлида дўстини ҳам сотишдан қайтмайдиган ва шу билан бирга ўз хатти-ҳаракатларига оқлов ҳам топадилар.

Характерни шаклланиши маълум ижтимоий муҳитда юз беради. Характер жамиятадаги тарбиянинг акс этилишидир. Авваломбор бола характерни оила, ота-онига боғлиқдир. Мактабдаги таълим-тарбия стакчи аҳамиятга эгадир. Характерда ўз-ўзини тарбиялаш ҳам муҳимдир.

Характерни тарбиялаш йўллари — бу одат ва тақлидни шакллантиришдир.

Характерни шакллантиринида меҳнатни роли жуда катта. Характерни шаклланишининг асосий шарти уни чиниқтиринишдир, бунида можороли вазиятларининг роли ҳам каттадир. Ва инҳоят, ҳаёт жараёнида характерни қайта тарбиялаш муаммоси ҳам вужудга келади.

Ўзбек халқи ўзининг азалий миллий гурур, ватаншарварлик, ўз тарихи, тили, анъаналарига бўлган чуқур ҳурмат, ўз тарихини ҳурматлаш каби характер хусусиятларни сақлаб қолган. Бугунги кунда ёш авлодни

тарбиялашда ўзбек халқига хос бўлган меҳнатсеварлик, доводорлик, дилқандлик, ҳушчақчақлик ва инсонийлик каби ғазилатларини шакллантирини таълим-тарбиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Қайтариш учун саволлар

1. Характерга тушунча беринг ва уни инсон ҳаётидаги ролини изоҳланг.
2. Характер асослари нимадан иборат?
3. Шахе структурасида характернинг ролн нимадан иборат?
4. Ўзбек халқининг характер ҳусуниятларини айтинг.
5. Характерни стақчи фазолият билан боғлиқлигини ва уни турли ёш давларда ифодаланшини тушунтиринг.
6. Характер шаклланишида оила, маҳалла, ўқув муассасаси, тенгдонларнинг таъсирини тушунтиринг.
7. Характерни тарбиялашнинг асосий усулларини ажратинг.
8. Характер акцентуацияси дегаида нимаини тушунасиз?

Режа:

1. Қобилиятлар ҳақида тунунча.
2. Қобилиятлар тизими.
3. Қобилиятнинг сифат ва миқдор характеристикаси.
4. Лаёқатлар, қобилиятлар ва инсонларнинг индивидуал фарқлари.
5. Қобилиятларни ривожланиши.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (август 1997 йил) татлимнинг узлуксиз ўзбек моделига асос солиб, унинг асосий вазифаси компл шахсни шакллантиришидир.

Дастурининг муҳим вазифаларидан бири татлим олувчиларнинг ақлий индивидуал хусусиятлари ва қобилиятларини таркиб топтириш бўлиб ҳисобланади.

Қобилиятлар муаммоси психология фанида қизиқарли ва маълум даражада тадкиқ қилинган муаммолардан биридир. Бу муаммо юзасидан қадимдан то шу кунга қадар олимлар изланишлар олиб борганлар. Инсоннинг инкониетларини ўрганишга Шарқ мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино), Россия психологлари (Б.М.Тешлов, Б.Г.Липанев, Н.В.Күзмина, С.Л.Рубинштейн, А.Г.Ковалев, В.Н.Мясишев), Фарб олимлари (А.Бине, Т.Симон, Ф.Гальтон, В.Штерн, У.Олпорт, К.Роджерс) кабилар катта хисса қўшганлар. Ушбу муаммо устида Ўзбекистон психолог олимлари (Э.Ғозиев, Р.Ғайнутдинов, М.Г.Давлетшин, Б.Р.Қодиров, В.А.Токарева ва бошқазар) ҳам изланиш олиб борганлар.

Маълумки, турли кишиларни бир хил шароитларга ва вазиятларга қўйилганда улар турли муваффақиятларга эришадилар. Бундай пайтларда “қобилиятлар” тунунчасига суянамиз ва муваффақият асосини қобилият деб тунунтираимиз. Бу тушунчадан баъзи одамларни янгиликни бошқалардан кўра тезроқ ва яхшироқ ўлаштираганларида ҳам фойдаланамиз.

Қобилиятлар ўзи нима? “Қобилиятлар” психологияда кенг ва анчадан бери фойдаланилганлигига қарамай турли адабиётларда турлича талқин этилади. Агар барча тунунчаларни бирлаштириб, мўъжаз классификацияни фараз қиладиган бўлсак, “Қобилият” тушунчаси узок муддатнинг ривожланиш жараёнида юзага келганига амин бўламиз.

“Қобилиятлар - инсон руҳиятининг хусусияти бўлиб, у барча психик жараёшлар ва ҳолатларнинг йиғиндиси сифатида тушунилади”.

Ушбу тушунчанинг камчиликлари нимадан иборат? Бу тушунча асосчиси Христиан Вольф (1679-1754) ҳисобланади. унинг назариясига кўра барча психик hodисалар қобилиятлар категориясига киритилган. Бундай ёндашувда муайян қобилиятлар тизимини аниқлаш мумкин эмас эди. Қобилиятларини иссон ҳаётидаги аҳамияти ҳам аниқланмаганди. Шунинг учун бу тушунча психологияда кенг тарқалмади.

XVIII - XIX асрларда “Қобилият бу умумий ва махсус билим, малака ва кўникмалар йиғиндиси бўлиб, у турли фаолият муваффақиятини таъминлайди. Янги қарашлар юзасга келади.

Ушбу тушунча тўғримикин? Унинг камчилиги нимада?

Амалиётда биз маълум қобилиятга эга бўлган, лекин етарли билимга эга бўлмаганини туфайли ўзини намоён қила олмаган кишиларни биламиз.

Юқорида айтилган фикримизнинг далили сифатида ёш В.Суриковни (рус расоми) Санкт Петербург расомчилик Академияси ўқинишга қабул қилмаганда, у бир йил икона чизни устaxonасида расомчилик кўникмаларини эгаллайди ва келаси йилга худди ўна имтиҳондан йиқитган домдалар уни Академияга ўқинишга қабул қиладилар.

Альберт Эйнштейн ўрта мактабда ўқиб юрганида ўртача ўқувчилардан бўлиб, унинг тевизалигини намоён қилувчи ҳеч нарса бўлмаган.

↳ Қобилиятлар билимлар, кўникмаларда эмас, балки уларни эгаллаш динамикасида яъни билим, кўникмалар қандай шароитда тез, чуқур ва осон эгалланишида намоён бўлади. Бу тушунчадан бугунги кунда ҳам фойдаланилади. >

Ва шайхонт, яна бир тушунчани кўриб чиқамиз. “Қобилият - бу билим кўнишма ва малакаларни намоён бўлиши эмас, балки уларни тез ўзлаштирилиши ва уни амалиётда самарали қўлланилишидир” >

Ушбу тушунчанинг янглиги ва тўлилиги нимада? >

Ушбу тушунчада қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларга тенглаштирилмай, уларга nisбатан иссоннинг муносабати, билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш енгиллиги, тезлиги ва чуқурлиги, ҳамда уларни маълум бир фаолиятни енгил ўзлаштирилишида ва шу фаолиятнинг муваффақиятли бажаришида намоён бўлади.

Шундай қилиб, қарама-қаршиликларни енгини ҳамда ҳақиқатни излаш оқибатида олимлар қуйидаги хулосага келдилар. “Қобилиятлар - шахсини индивидуал психологик хусусияти бўлиб, унга билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирилишининг тўлиқлиги, тезлиги, енгиллиги, чуқурлиги, ҳамда турли фаолиятни ўзлаштириш ва уни муваффақиятли

бажаринга боғлиқдир”¹⁰ Бу тушунчани психологияга йирик Россия олими Б.М.Теплов (1896-1965) киритган бўлиб, у бугунги кунда кенг тарқалгандир.

Юқорида айтиб ўтилганидек Б.М.Теплов қобилиятларнинг умумий назариясини ишлаб чиқишга ўз хиссасини қўйган Б.М.Тепловнинг фикрича “Қобилиятлар” тушунчаси ўз ичига уч қолни қамраб олади: “Биринчидан, қобилиятлар деганда бир одамни бошқасидан ажратиб турадиган индивидуал психологик хусусиятлар тушунилади.....

Иккинчидан қобилият деганда ҳар қандай индивидуал психологик хусусиятни эмас бирор бир фаолиятни муваффақиятли бажарилишини таъминловчи хусусият тушунилади.

Учинчидан “Қобилиятлар” одамнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларига тенглаштирилмаслиги лозим”

Б.М.Тепловнинг фикрича қобилиятлар доимий ривожланишидагина мавжуд бўлиши мумкин.

Ривожланмаган, амалиётда қўлланилмайдиган қобилият вақт ўтishi билан йўқолади.

↳ Энди замонавий психологияда қобилиятларнинг классификациясини кўриб чиқамиз. Психологияда табиий ва махус инсоний қобилиятлар ажратилади.↳

↳ **Табиий қобилиятлар** - бу одрок, хотира, тафаккур ва бошқа оддий психик жараёнида намоён бўлши қобилиятдир. Улар инсон ва ҳайвонларда табиийдир. Инсонда ижтимоий муҳитга мослаша олиш қобилияти мавжуддир. Бу умумий ва махус ақлий қобилиятлар, шунингдек ва мангидан фойдаланганда, шахслараро, предметлараро муносабатларда намоён бўлади.

Умумий қобилиятлар инсонни турли фаолият йўналишларда муваффақиятнинг таъминлайди.

Махус қобилиятлар инсонни бирор-бир махус фаолият йўналишидаги муваффақиятнинг таъминлайди ва унинг намоён бўлиши учун махус лаяқат бўлиши лозим.

Бундай қобилиятларга мусиқавий, математик, техник, адабий-иждоий, педагогик ва бошқалар кирди.✓

Психологик адабиётларда махус қобилиятларни ривожлантиришга доир қўнлаб тажрибавий ишлар қилинган. Уларга хос бир печа ишларда тўхтаймиз.

¹⁰ Б.М.Теплов “Способность и одаренность” // хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. М.: 1981, 32-стр.

Музыкавий қобилиятлар В.М.Теллов томонидан ўрганилиб, “Психология музыкальных способностей” китобида кенг очиб берилган.

Унда Музыкавий қобилиятлар замида индивидуал-психологик хусусиятлар комплексини ётиб, улар наҳада музыкавий шакллантиришга хизмат қилади деб кўрсатилиб ўтилади.

В.М.Телловнинг фикрича, музыкавийликнинг асосий намоян қилиб турадиган нарсаси музикави хис қилиш, шунингдек музикави эмоционал хис қила олишлик музыкавий қобилиятнинг асосий мазмунидир.

В.М.Теллов музыкавийликни тизимини кўриб чиқса ва қўйидагиларни кўрилади: музикави эшитиш хусусияти, музика ритми ва музикавий хотира.

Математик қобилиятлар ўстида В.А.Крутецкий ишлаган. Жумладан у “Математик қобилиятлар психологияси”¹¹ монографиясида математик қобилиятлар ва уларнинг тизимини кенг ёритиб берган.

Ушбу идрок, тафаккур, хотира-ҳаёлининг индивидуал хусусиятларини аниқлаб, уларни математик фаолиятда намоян бўлишини (математик ўқлатиришида) тадиқ қилган.

Математик материални ўқлатиришида идрокнинг аҳамиятини аниқлаган В.А.Крутецкий қобилиятни ўқувчиларда ўзига ҳос материални “ички” аналитик-синтетик таҳлил қилиш, қайта ишлаш хусусияти, “жойида” масалани тизимини идрок этиб, уш асосий муносабатларини очкилар деб ҳисоблайди. Математикага алоҳида истафоди бўлган ўқувчилар ўзига ҳос “математик иқд” билан характерланадилар - улар борлиқини магнций ва математик мазмунини топа оладилар, улардаги магнций ва математик категорияни аниқлайдилар, қўнича ходисаларни математик муносабатлар нуқтан-назарияси орқали қабул қиладилар. J

Тасвирий санъатга ҳос қобилиятларни В.И.Кириенко ўрганган. Унинг “Тасвирий фаолият қобилиятлари психологияси”¹² китобида тасвирий қобилиятнинг психологик таҳлили берилган. Тасвирий фаолиятда идрокнинг хусусиятларини ўрганиш жараёнида В.И.Кириенко тасвирий санъатда қобилият ходисаларни яхлит ва синтетик кўринишида идрок этишида намоян бўлиб, у баъдий талантининг асосий мазмуни эканлиги ҳақидаги хулосага келади.

Тасвирий фаолиятдаги қобилиятлардан бири пропорцияларга баҳо беришидир. Яна бир тасвирий қобилиятларнинг характерли томони ранглар муносабатини баҳолай олиш ва перелектив қисқарттиришларга баҳо беришидир.

¹¹ Теллов В.М. “Психология музыкальных способностей”. Изд. АПН РСФСР. М - Л. 1947 год.

¹² Кириенко В.И. Психология способностей к изобразительной деятельности. Издательство АПН РСФСР М.: 1959

Перепектив қисқартиришларга баҳо бериш – тасвирий санъатнинг асосий вазифаларидан биридир ва уни тўғри ҳал қилиниши тасвирий санъатдаги қобилиятларнинг асосий куринишидир.

Бадиий ижодиёт жараёнида куриш тасаввуллари муҳим аҳамиятга эги. Бирор бир материални олиб уни англанилган ва мақсадга йуналтирилган ижод орқали баддий образ юзага келади ва предметнинг узига хос хусусиятлари намоён бўлади.

А.Г.Ковалев тасвирий фаолиятда асосий таянч сифатида – қўллар чақонлиги деб ҳисоблайди. Бундан ташқари ижодий қобилиятларнинг намоён бўлишида ҳам инсоннинг эмоционал кайфияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Ташкилотчилик қобилиятларни узоқ вақт Л.И.Уманский урганган¹³. Муаллиф ташкилотчилик қобилиятларининг тизимини яратади. Унинг фикрича ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кишилар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

а) шахснинг йуналганлиги:

б) унинг тайёргарлиги:

в) умумий хусусиятлар (киришимлилик, ривожланишнинг умумий даражаси, амалий ақл, кузатувчанлик, фаоллик, ташаббускорлик, қатъийлик, ташкилотчилик, ўз-ўзини бошқара олиши).

г) махсус хусусиятлар (ташкilocлик хис, психологик кашфиётчилик, психологик такт: эмоционал – иодавий таъсир этиш, талабчанлик, танқидийлик, ташкилотчилик фаолиятига моиллик):

д) шахсий индивидуал хусусиятлар.

Педагогик қобилиятларни Н.В.Кузьмина, Ф.Н.Гоноболлинлар тадқиқ этганлар¹⁴.

Улар (педагогик қобилиятларнинг тизимида қуйидаги қисмларни киритганлар:

а) дидактик қобилиятлар – ўқув материални ўқувчиларга тушунарли, аниқ, ёшига мос ҳолда ўқитиш, таълимга қизиқишни уйғотиш, уларда мустақил фикрлашни шакллантириш:

б) академик қобилиятлар – турли фанлар (математика, физика, биология, тарих ва ҳ.к.)га доир билимларга эга бўлиш.

в) Перцентив қобилиятлар – ўқувчининг ичи дунёсига кира олиш қобилияти, психологик кузатувчанлик, унинг психологик ҳолатини тўғри англай олиш;

¹³ Уманский Л.И. Организаторские способности и их развитие. Курск, 1967.

¹⁴ Кузьмина Н.В. – Способность, одаренность и талант учителя. Л.: 1985.
Гоноболлин Г.Н. Книга об учителе. М.: 1965.

г) нутқ қобилияти – фикрларни тўғри, аниқ, эмоционал нутқ орқали еткази олиш :

д) ташкилотчилик қобилияти - ўқувчилар жамоасини бирлаштири олиш ва орасидан еткази олиш:

е) авторитар қобилиятлар – бевосита ўқувчиларга эмоционал – иродавий таъсир курсати олиш ва шу асосда ҳурмат, эътиборга эриши:

ж) қўммуникатив қобилиятлар – болалар билан мулоқотга кириши олиш қобилияти, педагогик тажрибага эга бўлиш:

з) педагогик ҳаёл – бу махсус қобилият тури тапхис қўя олиш қобилияти асосида ўқувчи келажакга, унинг ривожланишига олдиндан кўра олиш орқали замин яратилади.

и) диққатни тахсимлай олиш қобилияти – бир вақтнинг ўзида диққатни турли фаолиятлар орасида тахсимлай олишдир. >

Техник қобилиятлари муаммоси билан М.Г.Давлетшин¹⁵ шугулланган.

Техник қобилиятлар тизимида муаллиф ёрдамчи, таянч ва еткази сифатида ажратади.

Техник қобилиятларнинг таянч сифати – техник кузатувчанлик бўлиб ҳисобланади. Еткази сифатта техник тафаккур ва техник ҳаёлни киритиш мумкин (техникани тушуниш, техник масалаларни тахлил қила олиш, фазовий тасавурларни аниқлиги, форма ва масофани эсда олиб қолиш, конструктив фантазия). Ёрдамчи сифатта қўл (мануал) эпчилигини киритиш мумкин.

Ўнди қобилиятларнинг сифат ва миқдор характеристикасини кўриб чиқайлик. Қобилиятларнинг сифат характеристикаси ҳақида гапирилганда кишининг қайси фаолиятда иштирокчилиги (конструкторлик, педагогик, спорт, илгисод ва ҳ.к.) қайси фаолият турида иштирокчилиги, муваффақиятга эришини мумкинчилиги назарда тутиледи.

Қобилиятларнинг бу характеристикаси ҳақида турли махсус қобилиятлар ва уларнинг тизими ҳақида гапирганимизда тўхталганимиз. { Қобилиятларда бир неча даражаларни ажратили мумкин}: истеъдод, талаит, даҳолик.

Истеъдод - инсонда қобилиятларни ривожланишининг табиий замин.

Талаит - инсон қобилиятларни ривожланишининг юқори босқичи бўлиб, у бирор бир фаолият турида (юқори муваффақият) катта ютуқларга эришинишга ҳизмат қилади.

Даҳолик - инсонда бирор бир қобилиятнинг энг юқори босқичи бўлиб, у инсонни бирор бир фаолият турида буюк шахс қилиб ифодалайди. }

¹⁵ Давлетшин М.Г. Психология технических способностей школьников. Ташкент: Фан, 1971.

Инсонни етуклик даврида юқори даражадаги ривожланиши билан психологиянинг махсус фани акмеология шугулланади.

Қобилиятларнинг сифат характеристикаси унинг миқдор характеристикаси билан узвий боғлиқдир.

Қобилиятларнинг миқдорий ўлчами ўзига хос тарихга эга XIX асрнинг охири XX аср бошларида Д.Кеттел, Л.Термен, Б.Скиннерлар инсонни ўзи шугулланаётган фаолиятга яроқлиги, унинг қобилитлари даражасини аниқлаш таклифи билан чиқадилар. Бунинг учун ақлий истеъдод тестларидан фойдаланиш тавсия этилган.

Буни қандай аниқланганлигини кўриб чиқамиз. Тадқиқ қилинувчи тестларни тулутгач, унинг натижалари стандартлашган ҳолда баллари ҳисоблаб чиқилади. Бу ақлий истеъдод коэффициентини (JQ – «ай-кью») аниқлаш имкониятини беради.

JQ ни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$JQ = \frac{\text{ақлий ёш}}{\text{аниқ ёш}} \times 100$$

Ақлий ёш – интеллектни аниқловчи биро – бир шкала асосида белгиланади. Масалан, 11,5 ёшли боланинг ақлий ёши 120 бал шкала билан аниқланади.

Агар икки бола 120 балдан йиққан бўлса, лекин уларнинг бирини ёши 10,5 иккинчисининг ёши 14 да бўлса, у ҳолда

$$\text{Биринчи боланинг } JQ = \frac{120}{10,5} = 109,5 \text{ га}$$

$$\text{Иккинчи боланинг } JQ = \frac{120}{14} = 82,1 \text{ га тенгдир.}$$

Аmmo бу борада Л.С.Виготскийнинг таъқидий фикрлари мавжуд, зеро агар бола берилган вазифани бажармаса, у унинг қобилият даражаси аниқланади деб ҳисоблаш нотўғри. Л.С.Виготский истеъдодни аниқлайдиган таъқиқотларин такроран ўтказиши лозимлигини айтади, аввал мустақил, сўнг катталар ёрдамида. Истеъдод даражаси эса аввал мустақил, сўнг катталар ёрдами билан ўтказилган тажрибалар натижаларини солиштириш асосидаги фарқ орқали аниқланади. Истеъдод даражасини аниқлашнинг ушбу усули Л.С.Виготский томонидан “бола ривожланишининг яқин зонаси” деб аталган.

Психология фани дифференциал қобилиятларнинг туғма бўлишиши шикор этмаган. Қобилиятларнинг ривожланишига табиий замин бўлувчи хатти-ҳаракат, хис қилиш органлари ва миёа тузиллишидаги бу морфологияк ва функционал хусусиятлар лаёқат деб аталади.

Лаёқатлар турлича йўналишда бўлади. бир лаёқат заминда турли қобилиятлар шаклланиши мумкин, бу фаолият «характер»ига боғлиқдир. Бугунги кунда қобилиятларни ривожланишида табиий асоснинг моҳияти ҳақидаги фаразларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида кўплаб гапириш мумкин. Албатта қобилиятлар тушунчаси каби лаёқат муаммоси ҳам ўз тарихига эга. Лекин, ушбу масаларнинг тўғри ечими ҳали ҳам охирига етмаган.

Қобилиятни ирсий асослари буйича фанда турли қарашлар мавжуд. Австралия олими Ф.Галл (1758-1828) мия ва алоҳида қобилиятлар орасида боғлиқлик бор деган фаразни илгари суради. Ушбу фараз тўғрими? Қачонлардир бу фараз жуда машҳур эди, у қобилиятларни мия билан боғлаган эди. Лекин Ф.Галлнинг ақлнинг, талант ва қобилиятларнинг сифати миянинг катта ярим шарларида айрим жойларда жойлашган деган фикри фанда инкор этилган. Лекин ҳали ҳам мия оғирлиги ва қобилиятлар орасида боғлиқлик бор деган фикрлар мавжуд. Катта пешонали кишиларни ақли, ақл-фаросатли, муаммоларни тез ҳал қилувчи бўлади деган фикрларга ҳали ҳам дуч келамиз ва аксинча пешонаси тор бўлган кишиларга нисбатан эса қарам-қарши фикрлар билдирилади. Албатта, бу фикрлар ўз тасдиғини топмаган. Инсон миясининг оғирлиги ва қобилиятлар уртасидаги боғлиқлик ҳақидаги фикрлар ҳам тасдиқланган эсам. Маълумки, катта киши мияси 1400 г оғирликка эга. Шу жумладан, И.С.Тургеневнинг мия оғирлиги 2012, Д.Байронники - 1800г., Н.Франеники 1017, машҳур химик Ю.Либихники 1362 г. бўлганлиги аниқланган.

Яна шу ҳам маълумки бир ақли заиф кишининг мия оғирлиги катта бўлган (2 кг.га яқин). Демак юқорида гапирилган фикрлар ўз исботини топмади. Фан эса изланишларни давом эттирмоқда.

Бугунги кунда лаёқатларни миянинг микротизими ва сезги органлари орасидаги боғлиқлиги ҳақидаги фараз ўзининг махсуддорлигини намоён қилмоқда.

Бу борада ОНФнинг (умумий) турлари, шунингдек, ОНФнинг махсус турлари, психик фаолияти устулик қилувчи биринчи сигналлар системаси (бадий тур) ва иккинчи сигналлар системаининг (фикрловий тур) устиворлиги ҳақидаги таълимотлари назарда тутилган.

Шуни унутмаслик керакки ҳар қандай лаёқат қобилияти даражасига етиши учун маълум ривожланиш йулини босиб ўтиши лозим.

Ҳар қандай қобилиятнинг биринчи этапи зарур органик тизимлар ва функционал органлар етишиши билан боғлиқ (тутилгандан то 6-7 ёшгача). Махсус қобилиятларнинг шаклланиши кичик ва урта мактаб ёшигача давом этади. Кузагувлар шуни курсатадики, қобилиятларни фаол шаклланиши

шахс ривожланишининг илк босқичларида намоён бўла бошлайди. Шундай вақеалар маълум жумладан, Моцарт 9 ёшида мусиқий пьессаларни чала бошлаган. Рафаэль 8 ёшида, Репкин – 4 ёшида расм чиза бошлаган, Пушкин 7 ёшида, Лермонтов эса – 8 ёшида шеър ёзган. Кибернетика отаси Винер 12 ёшида университетга ўқишга кирган. Лекин қобилиятларни кечроқ намоён бўлиши ҳам мавжуд (Акеаков, Шишков).

Уинсоннинг қобилиятларини ривожлантирувчи фаолиятга қўйиладиган асосий талаблар:

- фаолиятнинг ижодий характери:
- ижрочи учун унинг юқори қийинлиги:
- зарур мотивация ва зарур эмоционал тайёргарликни таъминлашни. }

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар бажарилаётган фаолият юқори қийинчиликда бўлса, у боланинг қобилиятларини ривожланишига асос бўлади, бунини Л.С.Виготский ривожланишнинг яқин зонаси деб атаган.

Шуни унутмаслик керак-ки бола учун, унинг қобилиятларини ривожланиши учун энг ҳал қилувчи шароит таълим ва тарбиядир.

Бугунги кунда Республикамизда қобилиятларни шакллантириш муаммоси ижтимоий ва давлат муаммосига айланган. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида Республика ТАШХИС марказлари ва барча вилоят ва туманларда шундай марказлар ташкил қилинган.

{ Бугунги кунда махсус қобилиятлари аниқланган ўқувчилар ўзларини иқтидорини намоён қилган ҳолда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга ихтиёрий-мажбурий равишда ўқишларини давом эттириб, йулларини танламоқдалар. Бугунги кунда психология фани бу йўлда муҳим уринларини эгалламоқда. }

Зеро, Президентимиз И.А.Каримов бу борада: «Биз ўз истеъдодли, фидоний болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чуққиларини забт этиш учун қанот беришимиз керак»¹⁶, деган фикрлари юқорида баён этилган мулоҳазаларнинг ёрқин далилидир. }

Қайтариш учун саволлар

1. Қобилиятни билим, кўникма ва малака билан боғлиқлиги нимадан иборат?
2. Қобилият структурасини очиб беринг.
3. Ўқувчилар қобилиятини шакллантириш усуллари ва йуллари нимадан иборат?
4. Қобилиятни сон ва сифат тавсифи нимадан иборат?

¹⁶ Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси». Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа концерти.

5. «Қобилият», «Лаёқат», «Талант», «Иқтидор», «Даҳолик» тушунчаларнинг моҳиятини очиб беринг ва уларни бир – бири билан боғлиқлигини тушунтиринг.
6. Ахмеоология нимани ургатади?
7. Инсонни фаолиятта тайёрлиги схемасини тушунтиринг.
8. Бир қобилиятни бошқа қобилият билан компенциялашни тушунтиринг.
9. Иқтидорли болаларни танлаш муаммоси моҳияти нимадан иборат?
10. Республикамиздаги ТАШХИС марказларининг асосий вазифаси нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анастази А. Психологическое тестирование в 2х томах. М. 1982.
2. Атлас по психологии. Под редакцией М.В.Гомезо. М. 2000
3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. Т. 1997
4. Каримова В.М., Акрамова Ф. Психология. Т. 2000.
5. Психология – қисқача изоҳли лугат. Т. 1998.
6. Шоумаров Ғ.Б. тақризи остида. Оила психологияси. Т. «Шарқ» 2000.
7. Шоумаров Ғ.Б. Муҳаббат ва оила. Т. «Ибн Сино» 1994.
8. Шоумаров Ғ.Б. ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Т. «Меҳнат». 2000.
9. Ғозиев Э. Психология. Т. 1994.
10. Қодиров Б.Р. Способности и склонности. Т. «Фан». 1990.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I БОБ	Психология фанининг предмети ва унинг амалий вазифалари	5
II БОБ	Психологиянинг табиий-илмий асослари	18
III БОБ	Замонавий психология фанининг методлари	28
IV БОБ	Психик тараққиёт	37
V БОБ	Фаолият	44
VI БОБ	Мулоқот	53
VII БОБ	Шахс	62
VIII БОБ	Диққат	77
IX БОБ	Сезги ва идрок	86
X БОБ	Хотира ва ҳаёл	96
XI БОБ	Тафаккур	105
XII БОБ	Мотивация, ҳис-туйғу ва ирода	114
XIII БОБ	Темиерамент	122
XVI БОБ	Характер	130
XV БОБ	Қобилиятлар	139
Адабиётлар	149

1000c

S